Ал-Вали

477

Қирқинчи йил чиқиши
Шаввол 1447ҳ Апрел 2026м

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ҒОЯВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Ал-Вали Минбари

ҲУРМУЗ БЎҒОЗИ – ЙЎҚОТИЛГАН СТРАТЕГИК ҚУРОЛ

БЎҒОЗЛАРИМИЗ ВА ҚЎЛДАН ЧИҚАРИЛГАН СТРАТЕГИК ҚУРОЛЛАРИМИЗГА БИР НАЗАР

ҲАЗОРИЙ ҚУЛАШ

ИСЛОМ УММАТИ НОЁБ МЕТАЛЛАР УРУШИНИНГ ҚАЕРИДА?

КУЧ-ҚУДРАТ ҲАҚИДАГИ АФСОНА ПАРЧАЛАНГАНДА

АЛЛОҲ ТАБОРАКА ВА ТАОЛОНИНГ СИФАТЛАРИ БОРАСИДАГИ БАҲС-МУНОЗАРА

АЛЛОҲНИНГ БОРЛИГИНИ ИСБОТЛАШ ДАЛИЛЛАРИНИНГ МУҚАДДИМАЛАРИ

Кенг қамровли ғоявий - маърифий журнал
Ҳар қамарий ойнинг биринчи куни, Ливан университети
мусулмон ёшлари томонидан Ливан ахборот вазирлигининг
1989 йил 15 ноябрда берган 166 руҳсати асосида чиқарилади
www. al-waie.org subjects@al-waie.org

УШБУ СОНДА

ҲУРМУЗ БЎҒОЗИ – ЙЎҚОТИЛГАН СТРАТЕГИК ҚУРОЛ БЎҒОЗЛАРИМИЗ ВА ҚЎЛДАН ЧИҚАРИЛГАН СТРАТЕГИК ҚУРОЛЛАРИМИЗГА БИР НАЗАР..... 3

ИСЛОМ УММАТИ НОЁБ МЕТАЛЛАР УРУШИНИНГ ҚАЕРИДА?..... 21

АЛЛОҲ ТАБОРАКА ВА ТАОЛОНИНГ СИФАТЛАРИ БОРАСИДАГИ БАҲС-МУНОЗАРА..... 35

АЛЛОҲНИНГ БОРЛИГИНИ ИСБОТЛАШ ДАЛИЛЛАРИНИНГ МУҚАДДИМАЛАРИ..... 48

ИЙМОН ҲАЛОВАТИ: ҚАЛБНИНГ УММАТЛАРНИ ЕТАКЛАШГА БЎЛГАН УРИНИШИ..... 72

ИНСОННИНГ ЁЛҒИЗ АЛЛОҲНИНГ ҲИДОЯТИГА.... 80

БЎЛГАН МУТТАСИЛ ЭҲТИЁЖИ..... 80

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ..... 87

ИЗОҲ ВА ТУЗАТИШ..... 94

УЛУҒ САҲОБИЙ САЛАМА ИБН АКВАЪ..... 97

КУЧ-ҚУДРАТ ҲАҚИДАГИ АФСОНА ПАРЧАЛАНГАНДА..... 99

ҲУРМУЗ БЎҒОЗИ – ЙЎҚОТИЛГАН СТРАТЕГИК ҚУРОЛ БЎҒОЗЛАРИМИЗ ВА ҚЎЛДАН ЧИҚАРИЛГАН СТРАТЕГИК ҚУРОЛЛАРИМИЗГА БИР НАЗАР

Муножий Муҳаммад

АҚШнинг Эронга қарши уруши, урушлар фош этадиган ҳақиқатлардан бирини очиб берди. Зеро уруш – яширин стратегик ва геостратегик ҳақиқатлар очиқ намоён бўладиган ҳақиқат лаҳзасидир ва уруш бундан хабар берувчи энг фаол ва энг балиғ лабораториядир. Бугунги, яъни АҚШнинг Эронга қарши уруши давридаги ҳақиқат – Ҳурмуз бўғози ҳақиқатидир. У ўта хавфли, ҳаётий денгиз йўли ва бўғувчи, ҳалокатли сиртмоқ бўлиб, ушбу уруш уни ҳозир эҳтимол Эрон қўлидаги энг кучли стратегик қурол эканини фош этди!

Ҳурмуз бўғози энергия тижорати учун энг муҳим, ҳаётий ва стратегик денгиз йўлларидан бири ва уларнинг энг хавфлиси ҳисобланади. У Кўрфаз шимолини жанубдаги Уммон кўрфази ва Араб денгизи билан боғлайди, у ўзининг географик ўлчамлари сабабли улкан стратегик аҳамият касб этади. Зеро унинг кемалар ва йирик танкерлар ҳаракати учун мўлжалланган амалдаги сув йўли ўта тор бўлиб, ҳар бир йўналишда атиги уч километрни ташкил этади. Танкерлар кириш ва чиқиш учун кенглиги атиги уч километрдан бўлган иккита сув йўлидан фойдаланишади. Бу ўтиш учун ўта тор йўлак бўлиб, у уни ўта сезувчан бўғилиш нуқтасига ва маҳкам занжирланган қулфга айлантиради ҳамда мабдаий қараш ва мустақил сиёсий қарор соҳибига ушбу бўғозни тўлиқ назорат қилиш имконини беради. Саудия ва Амирликларда муқобил қувур йўллари мавжудлиги ҳақидаги гапларга қарамай, унинг муқобили йўқлиги ушбу бўғознинг стратегик аҳамиятини янада оширади. АҚШнинг энергия марказлари ва Энергетика маълумотлари бошқармаси кўрсатишича: «Бўғоздан ўтувчи аксарият юклар ушбу минтақадан чиқиш учун бошқа ҳеч қандай муқобил йўлга эга эмас». Демак, Ҳурмуз бўғози – Саудия, Қувайт, Ироқ, Қатар, Баҳрайн, Амирликлар ва Эрондан Осиё ва дунё бозорларига йўл олган гигант нефть ва газ танкерлари учун бош

ҳаётий артериядир (булар Исломий юртларнинг нефть ва гази, мусулмонларнинг талон-торож қилинаётган бойликларидир!)

Ҳурмуз бўғози энергия тижорати учун дунёдаги энг муҳим ва энг хавфли денгиз бўғини саналади. Зеро, денгиз йўли билан бутун дунё бўйлаб ташиладиган хом нефтнинг учдан бир қисмидан кўпроғи Ҳурмуз бўғози орқали ўтади ва унинг улуши глобал нефть таъминотининг 38%ини ташкил етади. Ундан кунига қарийб 20-21 миллион баррель хом нефть ва нефть-кимё маҳсулотлари ўтади. У шунингдек, суюлтирилган газ маркази бўлиб, ундан дунёдаги суюлтирилган табиий газ тижоратининг 20-33%и ўтади. Қатар ўз газини Осиё ва дунё давлатларига экспорт қилишда ушбу бўғозга тўлиқ қарам. У Осиё бозорлари, хусусан Осиёнинг энг йирик иқтисодиётлари бўлмиш Хитой, Ҳиндистон, Япония ва Жанубий Корея учун бош энергия артериясидир. Бўғоз шунингдек, ўғитлар ва кимёвий моддалар тижорати учун ҳам ҳаётий муҳим артерия ҳисобланади. 2026 йилги маълумотлар ва ҳисоб-китобларга кўра, бўғоз орқали азотли ўғитлар (хусусан, мочевина) экспортининг 25-30%и, сўнгра кимёвий моддалар ўтади. Уларнинг энг муҳими олтингугурт бўлиб, халқаро бозордаги олтингугурт тижоратининг қарийб 45%и ушбу бўғоздан ўтади, у эса фосфатли ўғитлар ишлаб чиқаришдаги асосий элементдир. Бунга хом ашё ва металларни (алюминий, мис, олтингугурт, литий, кобальт) ва уларнинг саноат ва технология сектори таъминот занжирларига (сульфат кислотаси ва унинг технологиянинг асосий таянчи бўлган ярим ўтказгичлар ишлаб чиқаришда қўллашга) бўлган таъсири қўшилади, сўнгра ундан ўтувчи бошқа товарлар ҳам қўшилади. Рейтер агентлиги уни глобал энергия хавфсизлигининг ҳақиқий таянч нуқтаси деб таърифлайди. Ундаги ҳар қандай тинчсизлик, аниқки, бозорлар ва тижоратни тезкор шокка олиб келади. «Бўғоз орқали Саудия, Амирликлар, Ироқ, Эрон ва Қувайтдан келувчи глобал нефть талабининг қарийб бешдан бир қисми, шунингдек дизель, авиация ёқилғиси, бензин ва бошқа хом ашё ва маҳсулотларни ташувчи танкерлар ўтади». Манба: Рейтер.

Бу эса Ҳурмуз бўғозини капиталистик иқтисодиётнинг ўпкаси, капиталистик саноат ва технологиянинг ўз завод-фабрикаларини ишлатиш учун зарур бўлган энергия ва хом ашё таъминоти занжирларидаги ҳаётий муҳим артерияга айлантиради. Шунингдек у капиталистик бозор қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ўғитлар ва кимёвий моддалар таъминотида ҳам муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, у капиталистик савдо учун ҳаётий артерия ҳисобланади. Демак, Ҳурмуз бўғози шунчаки денгиз йўлаги эмас, балки, аслида, ядровий тийиб туриш қуролига тенг ёки ундан ҳам устун бўлган стратегик тийиб туриш қуролидир. Чунки у капиталистик иқтисодиётга ҳалокатли зарба беради, унинг таъсири капиталистик тузумнинг ўзагига, шунингдек, Ғарб ва Хитойдаги давлат, жамият ва ҳаётга бирдек таъсир қилади.

Ҳар куни Ҳурмуз бўғози орқали қарийб 20 миллион баррел нефть ташилади. Унинг деярли ёпилиши натижасида юк ташиш ва суғурта харажатлари ошди, нефть нархи кўтарилди ҳамда бу ҳолат жаҳон иқтисодиёти учун юзага келиши мумкин бўлган оқибатлардан хавотирларни кучайтирди. Бу эса АҚШнинг йирик нефть компаниялари – «Эксон Мобил», «Шеврон» ва «КонокоФиллипс» раҳбарларини Трамп маъмуриятини Ҳурмуз бўғози ёпиқ қолаверса, энергия инқирози янада кучайиши ҳақида огоҳлантиришга ундади, деб хабар берди «Уолл-стрит жорнал». Газета хабардор манбаларга таяниб, ушбу уч компания раҳбарлари Оқ уйда бўлиб ўтган йиғилишда иштирок этгани ҳамда Ҳурмуз бўғозининг ёпилиши оқибатларини муҳокама қилиш мақсадида энергетика вазири ва ички ишлар вазири билан бир қатор музокаралар ўтказганини маълум қилди.

Ҳурмуз бўғози – АҚШ телбаси Трамп учун энг катта муаммо ва боши берк кўчадир. Аслида, унинг такаббурлиги ва манманлигини синдирган нарса АҚШнинг Форс кўрфазидаги ҳарбий базалари ва иншоотларига зарба берилиши эмас, балки Ҳурмуз бўғозининг ёпилиши бўлди. Бўғознинг ёпилиши уни Ҳурмуз бўғози ёпилиши муаммосини ҳал қилиш учун Хитой, Европа давлатлари ва НАТОга босим ўтказишга мажбур қилди. Трамп 2026 йил март

ойининг ўрталарида НАТОдаги иттифоқчилари ва Европа давлатларини Ҳурмуз бўғозининг ёпилишини бартараф этиш ва унда кемалар қатновини хавфсиз таъминлаш учун ҳарбий иттифоққа қўшилишга чақирди. У Хитой, Франция, Япония, Жанубий Корея ва Британия номларини алоҳида тилга олди. Трамп: «Яқин Шарқ нефтига Трамп 2026 йил март ойининг ўрталарида НАТОдаги иттифоқчилари ва Европа давлатларини Ҳурмуз бўғозининг ёпилишини бартараф этиш ва унда кемалар қатновини хавфсиз таъминлаш учун ҳарбий иттифоққа қўшилишга чақирди. », деб баёнот берди. Бироқ барча давлатлар унинг талабига эҳтиёткорлик билан муносабат билдирди. Аслида, бу яширин рад жавоби эди. Ҳатто «Вашингтон пост» газетаси таҳририяти ҳам АҚШ маъмуриятини Эрон билан давом этаётган урушдаги стратегиясини қайта кўриб чиқишга чақириб, Ҳурмуз бўғозидаги тангликни бартараф этишнинг ягона йўли сифатида «ғалабани эълон қилиш ва чекиниш» вариантини таклиф қилди. Қолаверса, кўплаб америкалик сиёсатчилар ва ҳарбий қўмондонлар қуруқликдаги ҳужум вариантини Вьетнам ва Афғонистон сценарийсининг такрорланиши, давлатни вайрон қиладиган заҳарли ботқоқ, деб баҳоламоқда.

Ғарбнинг мағлубияти унинг армиялари ва ҳарбий техникасини вайрон қилишда эмас, балки капиталистик Ғарбни мағлуб этиш унинг капиталистик иқтисодиётини издан чиқаришдадир. Зеро, капиталистик иқтисодиёт капиталистик мабданинг юраги, Ғарбнинг сиёсий тизими ва стратегик қарашларига фаол ва таъсирчан ҳаракат берувчи асосий кучдир. Демак, Ғарбнинг юраги ва ўпкаси – унинг капиталистик иқтисодиётидир. Капитализмнинг моҳияти эса қитъалараро савдодир, чунки у капиталистик фойда ва бойликнинг манбаидир. Энергия унинг ишлаб чиқаришини ҳаракатга келтирувчи ёқилғидир. Шунинг учун уни мағлуб этиш йўли ишлаб чиқаришни фалаж қилиш ва капиталистик иқтисодий фаолиятнинг асаб толаси бўлган энергия таъминотини издан чиқариш орқали таъминот занжирларини ишдан чиқаришдадир. Бу эса ишлаб чиқариш харажатларининг ошишига, ўз-ўзидан

сурункали инфляция тўлқини юзага келишига, шу билан бирга, яшаш ва истеъмол харажатларининг кўпайишига, харид қобилиятининг пасайишига ҳамда капиталистик тизимга нисбатан норозилик, ғазаб ва қаршиликнинг янада кучайишига олиб келади. Демак, бўғозлар Ғарбни жиловлаш, унинг салибчилик тажовузкорлиги ва мустамлакачилик ваҳшийлигига қарши туриш учун стратегик тийиб туриш қуролидир – қачонки давлат мабдаий қарашга ва мустақил сиёсий қарорга эга бўлса, бўғозлар манёвр, музокара ва савдолашув воситаси бўлишдан чиқиб, тажовузнинг ўзига йўл қўймайдиган тийиб туриш қуролига айланади.

Шу ерда бўғозларнинг стратегик аҳамияти намоён бўлади: улар ҳаётий муҳим денгиз йўллари, ҳалокатли қулфлар ва вайронкорлик салоҳияти юқори бўлган стратегик қуроллардир. Денгиз бўғозлари қитъалараро капиталистик савдонинг (нефть, газ, маъданлар, қурол-яроғ, хомашё, товарлар ва бошқалар) артерияларидир, балки улар капиталистик иқтисодиётнинг, унинг давлатлари ва жамиятларининг ҳаётий артерияларидир. Уларни назорат қилиш ва бошқариш – капиталистик Ғарб иқтисодиётини амалда кучли бошқариш демакдир. Мабдаий давлат ва унинг мабдаий қарашидан келиб чиқадиган мустақил сиёсий қарор мавжуд бўлган вақтда, у Ғарб давлатлари ва жамиятларига нисбатан босим ўтказувчи таъсир ва сиёсий нуфуз воситасига айланади. Зеро, бўғоз давлат суверенитети ва унинг стратегик ҳаётий маконининг бир қисмидир.

Энг ачинарли зиддият шундаки, Ҳурмуз бўғози Исломий географиянинг бир қисмидир. Унинг стратегик аҳамияти уруш вақтида тор миллий манфаатлар учун босим ўтказиш, манёвр қилиш, савдолашиш ва ундан фойдаланиш воситаси эмас, балки Ислом ва унинг Уммати масалаларига хизмат қиладиган стратегик қурол бўлиши лозим эди. Ер юзидаги энг хавфли бўғозлар ва қулфлар исломий юртларга тегишли экани, уларнинг ҳаётий географияси ва геостратегик маконининг бир қисми экани маълум бўлса, бу зиддият янада аянчли тус олади. Қуйида мабдаий сиёсий куч мавжуд бўлган тақдирда бизнинг ҳаётий муҳим бўғозларимиз,

стратегик қуролларимиз ва геостратегик салоҳиятимизнинг таянч нуқталаридан айримлари келтирилади:

Малакка бўғози

Малайзия ва Индонезиянинг Суматра ороли ўртасида Малакка бўғози жойлашган бўлиб, у Ҳинд ва Тинч океанлари ўртасидаги энг қисқа сув йўли ҳисобланади. У жаҳон савдосининг муҳим таянч нуқталаридан биридир. Зеро ундан йилига қарийб 82 минг кема ўтади ва жаҳон савдосининг 40%идан ортиғи амалга оширилади. Бунга Хитойнинг хом нефть импортининг 80%и ҳамда Япония, Жанубий Корея ва Тайванга етказиб бериладиган энергия таъминотининг катта қисми киради. Бу уни Осиё давлатлари ва уларнинг йирик иқтисодиётлари (Хитой, Япония ва Жанубий Корея) учун энергия артериясига айлантиради. У Хитой учун геостратегик муаммо ҳисобланади, чунки у Хитой иқтисодиётининг денгиз транспортидаги асосий тугундир. Демак, уни назорат қилиш ва бошқариш Осиёнинг йирик давлатларига, хусусан, Хитойга самарали таъсир ўтказиш имконини беради.

Босфор ва Дарданелл бўғозлари

Босфор ва Дарданелл бўғозлари Қора денгизнинг ўпкаси ва Евросиёнинг калитидир. Улар Истанбул шаҳрининг қоқ марказидан ўтувчи денгиз йўлаги бўлиб, Қора денгизни Мармар денгиз билан ва Дарданелл орқали Эгей денгизи билан боғлаб, Ўрта Ер денгизигача олиб чиқади. Уларнинг стратегик аҳамияти шундаки, улар Осиёни Европа билан боғлайдиган, ёпиқ денгизларни очиқ денгизлар билан туташтирувчи ягона денгиз йўлагидир. Улар Қора денгиз бўйидаги давлатлар учун ягона чиқиш йўлидир. Россия, Украина, Грузия, Руминия ва Болгария каби давлатлар улар орқали «нафас олади», яъни илиқ сувларга – Ўрта Ер денгизи ва жаҳон океанларига чиқиш имконига эга бўлади. Улардан йилига 40 мингдан ортиқ кема ҳамда жаҳон нефть таъминотининг қарийб 3%и, хусусан Россия ва Қозоғистон

нефти ўтади. Шунингдек, улар дунёни озиқ-овқат билан таъминлайдиган Украина ва Россия ғалла экспорти учун асосий йўлак ҳисобланади. Қисқача айтганда, бу бўғозлар мустақил сиёсий қарор эгасининг қўлида Россия, Қора денгиз ҳавзасидаги давлатлар ва Евросиёнинг муҳим ҳамда стратегик жиҳатдан хавфли бир қисмига таъсир ўтказиш имконини берувчи самарали стратегик дастакдир.

Бобилмандаб бўғози

Бобилмандаб бўғози Арабистон ярим ороли билан Африка шохи, хусусан, Жибути ва Эритрея ўртасида жойлашган бўлиб, Қизил денгизни Адан қўлтиғи ва ундан кейин Ҳинд океани билан боғловчи тор сув йўлагини шакллантиради. Шунингдек, у Мисрдаги Сувайш каналининг жанубий дарвозаси калити ҳисобланади. У Сувайш каналига олиб борувчи ягона бевосита денгиз чиқиш йўли ва Европа билан Осиёни боғловчи асосий йўлакдир. У жаҳон капиталистик савдосининг ҳаётий артерияси бўлиб, йилига жаҳон савдоси ҳажмининг 10-12%и шу йўлак орқали амалга оширилади. Уни назорат қилиш ва бошқариш жаҳон савдо ҳаракати ва унга боғлиқ сиёсатларга фаол таъсир ўтказишни англатади. Бобилмандаб бўғозида юз берган ҳар қандай ҳодиса асосий ҳаётий муҳим тармоқлардаги таъминот занжирларини издан чиқариш ва логистика харажатларини ошириш орқали жаҳон бозорларига бевосита таъсир кўрсатади. Бу ҳолат Ғазо урушм ҳамда унинг Қизил денгиз ва Бобулмандаб бўғозигача етиб бориб, Сувайш каналининг жанубий дарвозасини ёпиб қўйган оловларида яққол намоён бўлди. Бу эса денгиз юкларини ташувчи йирик капиталистик компанияларни ўз йўналишларини Африка жанубидаги Яхши Умид бурни орқали ўзгартиришга мажбур қилди. Бу йўл анча узоқ бўлгани учун ташиш ва суғурта харажатлари, улар билан бирга ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда товар ва маҳсулотлар нархи икки баробар ошди, бу эса ўз навбатида инфляциянинг кучайишига олиб келди.

Гибралтар бўғози

Гибралтар бўғози Европага туйнук ҳамда Исломий Мағриб ва Африка эшигидир. У Ўрта Ер денгизини Атлантика океани билан боғловчи канал вазифасини бажаради. У босиб олинган Андалус юртининг энг жануби билан Мағриб юртининг энг шимоли-ғарби ўртасида жойлашган бўлиб, ўта юқори ҳаётий аҳамиятга эга. Гибралтар порти порти маъмурияти маълумотларига кўра, бўғоз орқали ҳар йили қарийб 60 мингта кема ўтади. Улар нефть, табиий газ, озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат товарлари каби муҳим юкларни ташийди. Бундан ташқари, Гибралтар Ўрта Ер денгизидаги энг йирик ва энг гавжум ёқилғи таъминоти портларидан биридир. Унинг стратегик аҳамияти ва геостратегик хавфини англаш учун Британия салибчиларининг унинг яқинида ўзларининг энг хавфли ҳарбий-денгиз базаларидан бири – «Британия Гибралтар ҳарбий денгиз базаси»ни барпо этди. Бу база Британия армияси ва ҳарбий-ҳаво кучларининг Гибралтарда жойлашгани орқали минтақадаги денгиз ҳаракатларини кузатиш, қуруқлик ва ҳаво ҳаракатларини жосуслик йўли билан назорат қилиш учун энг хавфли базалардан бири ҳисобланади. Булар таъмирлаш, таъминот ва логистика хизматларини кўрсатиш ниқоби остида амалга оширилади. Буларнинг барчаси Гибралтар бўғозининг ҳаётий муҳимлиги, стратегик ва геостратегик аҳамиятини акс этади. Бу масала уни яна ўз бағрига ва Исломий географиясига, илгаригидек, қайтариб оладиган мабдаий сиёсий кучга боғлиқ. У Британия қўлини узиб ташлайди ва ҳар қандай бошқа қўлнинг унга етиб боришига йўл қўймайди. Шу билан бирга, Ўрта Ер денгизи Ислом давлати ва мусулмонлар Халифалиги флоти учун денгизга айланади.

Булар бизнинг йўқотган стратегик бўғозларимизнинг баъзилари ва уларнинг йўқ бўлган геостратегик аҳамиятидир. Улар ҳақиқатда дунёнинг калитлари ва қулфларидир, бунинг устига,

улар Ислом замини ва унинг стратегик ҳаётий географиясининг бир қисмидир.

Бу ҳаётий ва стратегик аҳамият Эронга қарши ҳозирги урушда фош бўлди. Ҳурмуз бўғозини ёпиш билан шунчаки таҳдид қилинган заҳоти, денгиз юкларини ташишни суғурта қилувчи компаниялар бир овоздан уруш хатарлари сабабли бўғоздан ўтувчи кемалар ва танкерларни суғурта билан таъминлашни бекор қилишларини эълон қилдилар. «Рейтер» агентлиги хабар беришича, «Гард», «Скулд», «Норт Стандард», Лондон ҳимоя ва товон клуби ҳамда «Американ клаб» каби йирик суғурта компаниялари 1 март куни ўз сайтларида суғурта полисларининг бекор қилинишини эълон қилиб, бу қарор 5 мартдан кучга киришини маълум қилган. Шунингдек, «Maersk» ва «Hapag-Lloyd» каби йирик контейнер ташувчи компаниялар ҳам Ҳурмуз бўғози орқали юк ташишни тўхтатди. Бу эса нефть ташувчи танкерлар ҳаракатини фалаж қилиб, энергия ва хомашё таъминотини издан чиқаришга ҳамда бўғоз орқали савдо ҳаракатини тўхтатишга олиб келди. Халқаро валюта фонди ҳам Эрон билан уруш ва унга ҳамроҳ бўлаётган энергия таъминотидаги узилишлар, нефть ва газ нархлари узоқ вақт давомида юқори бўлиб қолган тақдирда, бутун дунё миқёсида инфляция даражасининг ошиши ва иқтисодий ўсишнинг секинлашишига олиб келиши мумкинлигидан огоҳлантирди. (Рейтер, 19/03/2026). Бундан ташқари, «Голдман Сакс» банки нефть нархининг кўтарилиши давом этишини тахмин қилди. Банк ҳисоб-китобига кўра, агар таъминотдаги узилишлар ва бўғознинг ёпилиши давом этса, Brent нефти нархи 2008 йилда қайд этилган ўзининг тарихий энг юқори кўрсаткичи – 147 доллардан ошиб кетиши мумкин. Бунинг ортидан газ ва электр энергияси нархлари, улар билан бирга компаниялар ва ҳукуматларнинг энергия учун харажатлари ҳам ошиб боради. Бу эса компаниялар ишлаб чиқаришига босим ўтказиб, хусусан капиталистик давлатлар бюджетларига оид қарорларни мураккаблаштиради. Шу сабабли Россия-Украина уруши ҳамда Россия нефть ва газига

қўйилган санкциялар оқибатида оғир энергия инқирозини бошдан кечираётган ва бу уруш туфайли инқироз янада кучайган Европада зарбани олдиндан ҳис қилиш ва фалокат юз беришидан хавотир кучаймоқда. Бу ҳолат Европанинг газни захиралаш сиёсатларини қайта кўриб чиқишида ва таъминот узилиб қолиш эҳтимоли ҳақидаги ҳақиқий қўрқувида ўз аксини топди. Шундай қилиб янги глобал энергия инқирози ваҳимаси қайта бош кўтарди ва бу иш Европа ҳукуматларига босим ўтказди. Бу эса уларни ўз капитализми, капиталистик бозорлари ва банкларининг манфаатларига жавобан кескинликни юмшатиш ҳамда Трампнинг уруши ва коалициясига қўшилмасликка ундамоқда. Чунки Ҳурмуз бўғози ёпилишининг капиталистик бадали, хусусан Европа учун ўта юқори. Машҳур Ғарб капиталистик урфига кўра эса: «Капитал қўрқоқдир».

Эрон уруши Трампнинг ҳарбий фалокатига айланди, худди Афғонистон ва Ироқ ундан олдингиларнинг бошига бало бўлгани каби. Лекин Трамп бошчилигидаги АҚШнинг Эрон урушидаги ожизлиги тез ва шок даражада намоён бўлди. У Ғарбнинг таназзули кўламини, унинг ўзи ва биринчи давлати – АҚШнинг ич-ичини кемираётган ҳазорий емирилиш жараёнини яққол намоён этади. Ҳурмуз бўғози ва унинг қисман ёпилиши оқибатлари АҚШ ва бутун Ғарб учун даҳшатли зарба бўлди. Зеро Европа айни пайтда, айниқса Россия-Украина уруши ва санкциялар сабаб Россия энергия таъминоти тўхтаганидан кейин, Кўрфаз нефтига тўлиқ қарам бўлиб қолгани сабабли улуғ депрессия даҳшатини бошидан кечирмоқда.

Ҳақиқатда бу уруш давлатнинг йўқлиги сабабли мусулмонлар қўлидан бой берилган куч карталарини ҳамда ушбу карталарнинг айримлари капиталистик Ғарб тузумининг ўзаги бўлмиш Ғарб капиталистик иқтисодига кўрсатадиган самарали вайронкор таъсирини очиб берди. Бу таъсир мусулмонларнинг мутлақ бойлиги бўлган ҳамда Ғарбнинг саноат ишлаб чиқариши, бозор қишлоқ хўжалиги, технологияси, юк ташиш ва Ғарб капиталистик савдо транспорт алоқаларининг таянчи бўлган энергия манбалари

орқали амалга ошади. Шунингдек, мусулмонларнинг денгиз ва океанлар калитлари ва қулфларига эгалик қилишларини кўрсатди. Улар эса Ғарб капиталистик савдосининг таъминот занжирлари ва транспорт алоқаларига тегишли бўлган саноат, технология, деҳқончилик учун зарур бўлган энергия, хом ашё, металлар ва товарларнинг ҳаётий артерияларидир.

Трамп бошчилигидаги АҚШнинг Эронга қарши уруши яланғоч ҳақиқатни тасдиқлади: Ғарб билан боғлиқ муаммо ҳарбий эмас, балки том маънода сиёсий масаладир. Ғарб ўзининг ҳарбий тупигидан сиёсий чиқиш йўлини топиш учун биз бошимиздан кечираётган давлатнинг йўқлигидан фойдаланмоқда. Бугун ҳарбий тупикдан чиқиш мақсадида Эрон ҳукмдорлари билан музокаралар ойнасини очиш орқали содир бўлаётган нарса айнан шудир.

Бизнинг тақдирий масаламиз – мусулмонларга тегишли бўлган қувват карталарини Ғарбни тийиб туриш ва унинг ҳаракатини фалаж қилиш учун ишга соладиган мабдаий сиёсий қарорда (мабдаий давлатда) мужассам. Ваҳоланки, Ғарб ҳақиқий емирилиш ҳолатида яшамоқда. Уни бўғиш учун ҳақиқий уруш олиб бориш, унинг боши берк кўчасидан чиқиб кетишига имкон берадиган барча тирқиш ва чиқиш йўлларини маҳкам беркитиш уни ҳолдан тойдириш, заифлаштириш, ҳатто йўқ қилиш учун ҳам кифоя қилади. Бу эса ҳақиқий таъсир кучига эга бўлган шахсга – мусулмонлар халифаси ва мустақил мабдаий сиёсий қарор соҳибига – боғлиқ.

АҚШнинг Эронга қарши уруши мусулмонлар эга бўлган, аммо йўқотиб қўйган стратегик ва геостратегик куч карталарининг ҳақиқий моҳиятини очиб берди. Мусулмонлар бошдан кечираётган давлатнинг йўқлиги сабабли бу куч карталаридан уларнинг душмани бўлган кофир Ғарб фойдаланиб, уларни мусулмонларга қарши ишга солмоқда. Уммат ва Исломий география бошдан кечираётган давлатнинг йўқлиги – стратегик ва геостратегик қора туйнук бўлиб, у туфайли Умматнинг ҳаётбахш салоҳияти, ҳаётий кучлари ва стратегик куч карталари бой

берилди. Балки ушбу куч қарталари, уларни суғуриб олиб, ўз Исломий аслига қайтарадиган давлатнинг йўқлиги сабабли бизнинг фойдамизга эмас, балки бизга қарши ишлатиладиган бало, ёмонлик ва қуролга айланди.

Булар Ислом давлати йўқотилган замонда бизнинг йўқотилган энергияларимиз, бўғозларимиз ва стратегик қуролларимиздир. Улар бизга фақат ушбу мустамлакачилик воқелигини вайрон қилиш ҳамда ушбу геостратегик ва геосиёсий қора туйнукни унинг харобалари устида Ислом давлатини барпо этиш орқали кўмиб ташлаш билангина қайтиб келади.

﴿وَٱللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰٓ أَمۡرِهِۦ وَلَٰكِنَّ أَكۡثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعۡلَمُونَ﴾

***«Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир лекин одамларнинг кўплари** (буни) **билишмайди»**.* [Юсуф 21]

ҲАЗОРИЙ ҚУЛАШ

Тарих файласуфлари ҳазоратни чириган нарвонга ўхшатадилар, юқорига кўтарилганинг сари унинг бир зинаси қулаб тушаверади. Агар пастроқ баландликдан йиқилсанг, шикастланмайсан, лекин бир неча зина юқорига кўтарилсанг, йиқилишнинг оқибатлари анча хавфлироқ бўлади. Муайян баландликка етганингда эса, ҳар қандай йиқилиш ҳалокатли бўлади. Бироқ замонавий жамиятларнинг таназзулга юз тутиши муқаррар эмас. Гарчи тарихий далиллар уларнинг инқирози яқинлигини кўрсатса-да, бизда ҳали ҳам ўтмишдаги жамиятлар тақдиридан сабоқ олиш имконияти бор.

«Ҳазоратларнинг даврий алмашинуви» деб аталган мавзуни ўрганган тарих файласуфлари шунга якдилдирларки, ички омиллар ҳазоратларнинг заифлашиши, емирилиши ва ниҳоят қулашининг энг асосий сабабларидан ҳисобланади. Чунки бу омиллар жамият жисмининг иммунитетини йўқ қилади ва уни ташқи аралашув учун очиқ ва ҳимоясиз ҳолга келтиради. Ташқи аралашув эса сўнгги ҳалокатли зарбани бериш ёки цивилизация тобутига охирги михни қоқиш учун келади. Бунда жамият жисмининг мисоли худди ўз иммунитет тизими бузилганда вируслар ва бактериялар ёпирилиб, охир-оқибат уни ҳалок қиладиган биологик организм кабидир.

Ҳақиқатда, Қуръони Карим жамиятларнинг таназзули учун ички омиллар жавобгар эканини таъкидлайдиган оятларни келтирган. Чунки улар жамиятнинг иммунитет тизимига зарба бериб, уни ташқи душман бостириб кириши учун қулай қилиб қўяди. Бунга Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзлари мисол бўлади:

﴿أَوَلَمَّآ أَصَٰبَتۡكُم مُّصِيبَةٞ قَدۡ أَصَبۡتُم مِّثۡلَيۡهَا قُلۡتُمۡ أَنَّىٰ هَٰذَاۖ قُلۡ هُوَ مِنۡ عِندِ أَنفُسِكُمۡۗ إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ﴾

«Агар сизларга бир мусибат етса – ҳолбуки, сизлар унга икки баробар мусибат етказган эдингиз – Бу бало қайдан келди? - дейсизми?! *(Эй Муҳаммад),* ***уларга: «Бу мусибат-маглубият ўз***

қилмишларингиздан», деб айтинг! Албатта Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир». (Оли Имрон 165)

Ва Аллоҳ Субҳанаҳунинг ушбу сўзи:

﴿إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوۡمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُواْ مَا بِأَنفُسِهِمۡۗ﴾

«Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас». (Раъд 11)

Ва Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзи:

﴿ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱللَّهَ لَمۡ يَكُ مُغَيِّرٗا نِّعۡمَةً أَنۡعَمَهَا عَلَىٰ قَوۡمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُواْ مَا بِأَنفُسِهِمۡ وَأَنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٞ﴾

«Бунга *(яъни, уларнинг азобга гирифтор бўлишларига)* ***сабаб – Аллоҳ бир қавмга инъом қилган неъматини то улар ўзларини ўзгартирмагунларича ўзгартирувчи эмаслиги ва Аллоҳ эшитгувчи, билгувчи эканлигидир»***. (Анфол 53)

Набавий Суннатда ҳам жамиятларнинг емирилишига сабаб ички омиллар экани таъкидланган. Набий ﷺнинг кемада қуръа ташлаган қавм ҳақидаги ҳадислари ҳамда у зот ﷺнинг ушбу сўзлари каби: **«Ҳар бир мусулмонлар эркак Ислом чегараларидан бирининг устидадир. Аллоҳдан қўрқ, Аллоҳдан қўрқ, Исломга сен томонингдан зарар етмасин!»**[1] Ушбу оятлар, ҳадислар ва уларга ўхшаш бошқа далиллар цивилизациялар таназзули, давлатларнинг заифлашуви ва жамоавий бирдамликнинг сўниши учун шахслар ва жамиятларнинг бевосита масъул эканини кўрсатади. Ташқи омиллар эса, улар қанчалик куч ва имкониятларга эга бўлмасин, модомики жамиятнинг ички ҳолати бунга йўл очиб бермас экан, асло ўз мақсадларига эриша олмайди.

Мусулмон мутафаккир Абдураҳмон ибн Халдун (ҳижрий 808 йил вафот этган) ҳазорий қулаш масаласини фалсафий жиҳатдан назарий асослаб берган биринчи олим ҳисобланади. У ўз «Муқаддима»сида давлатнинг ривожланиш босқичларини бешта даврга ажратган бўлиб, бу босқичлар энг кучли даврдан

[1] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Наср ибн Ал-Ҳажжож Ал-Марвазий, «Ас-Сунна», Салим Аҳмад Ас-Салафий таҳқиқи, Кутуб Ас-Сақофия муассасаси, Байрут, Биринчи нашр, 1408 ҳ., 13-бет.

бошланиб, тобора кучсизланиш, заифлашиш ва емирилиш жараёни орқали давом этади, сўнгра давлат беқарор ҳолга келиб, соф ички омиллар таъсирида қулайди.

Устоз Холид Фуод Таҳтаҳ ўзининг «Тарих фалсафасида» номли китобида шундай дейди: «Ибн Халдун инсоният тафаккури тарихида давлатларнинг даврий алмашинуви назариясини, унинг ижтимоий ва умумий фалсафий жиҳатлари нуқтаи назаридан, илк бор илгари сурган олим ҳисобланади. У ҳазоратдаги (унинг наздида давлат) алмашинув ғоясига ишонч ҳосил қилди ва ўзгаришларнинг даврийлигида инсон билан жамиятни ўзаро қиёслади». У яна қўшимча қилади: «Унинг наздида, жамиятнинг ҳам туғиладиган, кейин ўсиб-улғаядиган, сўнгра кексайиб, вафот этадиган инсон умри каби ўз умри бор. Шу асосда давлат қуйидаги босқичлардан ўтади: бадавийлик (саҳройилик), гуллаб-яшнаш ва таназзул»[2].

Ибн Халдундан кейин бошқа файласуфлар ҳам унинг изидан бориб, ҳазоратлар даврий алмашинуви назариясини илгари сурдилар. Улар жамиятларни парчалаш, уларни ўзларига кўз тиккан тамагирлар ўлжасига айлантиришда ички бўлинишлар ва фитналар катта роль ўйнашини таъкидладилар. Уларнинг энг кўзга кўринганлари: Баттиста Вико (1744 йилда вафот этган), Освальд Шпенглер (1936 йилда вафот этган) ва Арнольд Тойнби (1975 йилда вафот этган).

Масалан, Тойнби ҳазоратлар ва давлатларнинг таназзули ва қулашини биринчи навбатда, ички, субъектив омилларга боғлайди. Унинг фикрича, ташқи омиллар ички омиллардан фойдаланишдан бошқа нарса эмас. Зеро, айнан ички омиллар ташқи омилларнинг таъсир қилиши учун йўл очиб, шароит

---

[2] Ал-Ваъй: Ибн Халдуннинг давлатларнинг умри, уларнинг юксалиши ва қулаши ҳақидаги гаплари ҳазоратларнинг пайдо бўлиши, юксалиши, таназзулга юз тутиши ва йўқ бўлиб кетиши масаласига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чунки, у давлатлар ҳақида сўз юритади. Унинг раъйича – гарчи бу раъйи гумонли бўлиб, муҳокама қилиш керак бўлса-да – давлатлар фақат асабиялар (қабилачилик руҳи) асосида шаклланади. Унинг наздида давлат – бир сулола ёки асабия ҳукмронлиги давридир. Масалан, Умавийлар давлати, Аббосийлар давлати, Салжуқийлар давлати, Айюбийлар давлати. Бу давлатларнинг пайдо бўлиши, юксалиши, сўнгра таназзулга юз тутиши ва йўқ бўлиб кетиши асло бирор ҳазоратнинг вужудга келиши ёки йўқ бўлиб кетишини англатмайди. Зеро, мазкур давлатларнинг барчаси ўз юксалиши ва таназзулини Ислом ҳазорати бағрида бошдан кечирган бўлиб, бир давлатнинг вужудга келиши ва бошқасининг қулаши Ислом ҳазоратига асло таъсир кўрсатмаган. Шунга кўра, унинг истилоҳида давлат деганда ҳукмрон оилаларнинг даврлари тушунилади, бу ҳазорат эмас, ҳатто замонавий маънодаги давлат ҳам эмас.

яратади ва натижада улар давлат, уммат ва ҳазоратга ҳал қилувчи зарба бериш имконига эга бўлади. Унинг фикрича, қулашнинг энг муҳим ички омилларидан бири – ҳукуматларнинг асосан ички омиллардан келиб чиқадиган мавжуд таҳдид ва чорловларга муносиб жавоб бера олмаслигидир.

Холид Фуод Таҳтаҳ юқорида зикр қилинган китобида шундай дейди: «Шу тариқа, Тойнби ҳазоратлар қулашига аввал жамиятларнинг ичидан емирилишини, сўнгра уларни батамом йўқ қилиш учун ташқаридан босқин кириб келишини сабаб қилиб кўрсатади. Чунки, бундай ҳолатда ташқи босқин сўнгги нафасларини олаётган жамиятга берилган ҳал қилувчи зарба вазифасини бажаради».

Шунинг учун айтиш мумкинки, ҳар қандай ҳазорат ёки давлат, агар у ичидан емирилмаган бўлса, асло ташқаридан қуламайди. Чунки, агар империя ичкаридан емирилмаган бўлса, уни ҳеч қандай ҳолатда ташқаридан енгиб бўлмайди.

Ёзувчи Муҳаммад Ҳасанайн Ҳайкал «Америка империяси ва Ироққа босқин» китобида АҚШ ҳақида шундай дейди: «Ҳозирги пайтда АҚШ сиёсати араблар кўзида аҳмоқона ва жиловсиз зўравонлик бўронидек намоён бўлаётган бўлса-да, бу ҳолат уларни қўрқитмаслиги ва қочишга ундамаслиги лозим. Чунки тарихнинг энг муҳим сабоқларидан бири шуки: зўравон империялар энг юксак чўққиларга етгунича ўз кучига ишониб, олға интилаверади. Аммо ўша чўққига етгач, у ерда қолиш ниҳоятда катта харажат талаб қилишини англаб етади. Ана шунда пастга тушиш муқаррарлиги намоён бўлади». Аммо империялар қаршилик кўрсатишда давом этади ва шу пайтда зўравонлик ўзининг энг юқори чўққисига етади. Илгариги барча империялар ҳам худди шундай бўлган. Жумладан, қадимги дунёдаги Рим империяси ҳам бундан мустасно эмас.

Аслида, тарихдаги буюк империяларни рақиблари бевосита тўқнашувларда охиригача мағлуб эта олмайдилар. Балки улар куч ишлатишдаги ҳаддан ошиш ва кибр-ҳаво сабабли ўзларини ўзлари мағлуб этадилар. Улар тараққиёт билан ҳамқадам бўлишга қодир

бўлмай қоладилар ва ўз устунликлари абадий давом этади, деб ўйлайдилар.

Бугунги кунда Ғарб дунёси ва капиталистик режимларнинг аҳволи ҳақида мулоҳаза қилган киши уларнинг юзага чиқа бошлаган ички муаммолар ичида яшаётганини, нефть нархларининг тушиши ва коронавирус пандемияси оқибатида юзага келган молиявий инқироз сабабли катта ўзгаришларни бошдан кечираётганини кўради. Бундан ташқари улар шахсий манфаатни устувор қўювчи тафаккур ва моддий қараш асосига қурилган жамиятлардир. Капитализм динни ҳаётдан ажратиш асосига қурилган бўлиб, айнан шу ғоя унинг ақидасидир. Ушбу фикрий қоида асосида инсон ҳаётдаги ўз тузумини ўзи белгилайди. Шу сабабли уларнинг назарида инсон эркинликларини – эътиқод эркинлиги, фикр эркинлиги, мулк эркинлиги ва шахс эркинлигини ҳимоя қилиш зарур эди.

Ушбу мабда қабул қилган демократия инсон ўз тузумини ўзи белгилаши нуқтаи назаридан келиб чиқади. Шу сабабли уларнинг наздида халқ ҳокимият манбаидир, у қонунларни ишлаб чиқади, ўзини бошқариши учун ҳокимни ёллаб, хоҳлаган вақтида ундан ҳокимиятни тортиб олади ва унга ўзи хоҳлаган тузумни белгилаб беради. Чунки уларнинг наздида бошқарув – халқ белгилаб берган тузум билан бошқариши учун – халқ ва ҳоким ўртасида тузиладиган ижара шартномасидир.

Америка ва Ғарб дунёсидаги воқеалар бизни қуйидаги саволлар устида мулоҳаза юритишга ундайди: капитализм ва Ғарб ҳазорий қулаш ва емирилиш босқичига етиб келдими? Америка халқининг ўз ҳукумати сиёсатларига қарши чиқиши АҚШнинг заифлашиши, унинг нуфузининг дунёда, хусусан Яқин Шарқда қисқариши ва сўнишига олиб келадиган ички омиллардан бири бўладими? Агар шундай деб фараз қилсак: АҚШ ўрнига Яқин Шарққа ўз таъсирини ўтказиш учун кириб келиши мумкин бўлган кучлар кимлар? Ёки дунёда моддий руҳ устун келиб, ахлоқий қадриятлар таназзулга учраганидан кейин, Яқин Шарқ ва Ислом олами – ўз тузуми ундан келиб чиқадиган ақида билан – яна дунёга етакчилик

қилиб, шу орқали инсоният учун бахт-саодатни рўёбга чиқара оладими?

Албатта, бугунги дунёга ўз ақидасига асосланган, ундан ўз тузуми балқиб чиқадиган ҳазорий лойиҳани илгари сурадиган куч керак. Бундай лойиҳа Уммат дуч келаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш қодир бўлиб, уни Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик байроғи остида бирлаштиришга хизмат қилади.

Манбалар:

1. «Риёз» газетаси, 21 Рамазон 1435ҳ. 19 Июль 2014м. – 16826-сон: Ҳазоратларнинг қулаши: Емирилиш ичкаридан бошланади.
2. https://annabaa.org/arabic/iraqipress/18383«Ан-Набаъ» ахборот тармоғи.
3. Холид Фуод Таҳтаҳ, «Тарих фалсафасида».
4. Муҳаммад Ҳасанайн Ҳайкал, «Америка империяси ва Ирокқа бостириб кириш».

ИСЛОМ УММАТИ НОЁБ МЕТАЛЛАР УРУШИНИНГ ҚАЕРИДА?

Муҳандис Мусо Абдушшакур – Фаластин

Бугунги кунда янгиликлар сарлавҳаларини ноёб металларга алоқадор кўплаб хабарлар эгалламоқда. Улар бу металларга эгалик қилиш ва уларни назорат қилиш борасидаги кескин рақобатга, ёки бошқача айтганда, «металлар уруши» деб аталган урушга ишора қилмоқда. Хўш, ноёб металлар ўзи нима? Нега уларни қўлга киритиш учун бундай пойга кетмоқда ва бунинг ортида нима бор? Нима учун улар ҳарбий урушга айланиб кетиши мумкин бўлган тижорат урушининг қоқ марказидан жой олди? Нима учун дунёдаги етакчи давлат раҳбари ноёб металларни қўлга киритиш учун бир давлатдан бошқасига учиб, таҳдид ва пўписалар қилмоқда, битим ва келишувлар тузмоқда?

Саноат ривожланиши, технологик тараққиёт ва дунё миқёсида атроф-муҳитга камроқ зарар етказадиган иқтисодиётга ўтиш жараёни билан бир қаторда, атроф-муҳитни ифлослантирувчи чиқиндилар миқдори кам бўлган айрим металларга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Улар дунё тобора кўпроқ таянаётган энг илғор саноат тармоқларида, масалан, интернет технологиялари, тиббий тадқиқотлар, замонавий қурол-яроғлар ва илғор алоқа воситаларида асосий элемент ҳисобланади. Шу боис сони, мавжуд конлари, ишлаб чиқариш ва таъминот манбалари чеклангани учун «ноёб металлар» деб аталган айрим металл турларига қарамлик кучайиб бормоқда.

Ноёб металлар 17та элементдан иборат гуруҳ бўлиб, улар ўзларининг энергияни рағбатлантирувчи физик-кимёвий ёки магнит ва оптик хусусиятлари туфайли ўта юқори қийматга эга. Шу сабабли улар турли соҳаларда ва ҳаётий муҳим бўлган кенг кўламли саноат тармоқларида қўлланилади. Жумладан: смартфонлар, телевизор экранлари ва компьютерлар каби истеъмол маҳсулотлари; электромобиль двигателлари ва шамол турбиналари каби тоза энергия соҳаси; ракета тизимлари, замонавий қирувчи самолётлар ва ҳарбий техника каби ҳарбий

соҳаларда. Шунингдек, улар электромобиль аккумуляторлари ишлаб чиқаришда, тиббий ускуналар, шиша, лазер, ёритиш мосламалари, компьютерлар ва робототехника саноати тармоқларида ҳам қўлланилади.

Бошқа томондан, уларнинг «ноёб» деб аталишига сабаб – уларни қазиб олишнинг қийинлиги, ажратиш ва тозалаш жараёнларининг оғирлиги ҳамда мураккаб таркибли моддалар орасида жойлашгани сабабли уларни тижорий миқёсда қазиб олишнинг мушкуллигидир. Уларни тозалаш ва қайта ишлашга қодир давлатлар сони ҳам жуда оз. Гарчи уларнинг баъзилари, масалан, мисдан кўра кўпроқ мик-дорда мавжуд бўлса-да, уларни ноёб металлар сирасига қўшилишига сабаб – уларни кичик миқдорда ажратиб олиш учун ҳам кўплаб тонна чиқинди ва тоғ жинсларини тозалаш талаб этилади. Бу эса атроф-муҳитнининг ифлосланиши ва юқори таннархга олиб келади. Сўнг металларни ажратиш, кейин эса уларни фойдаланишга тайёрлаш босқичи келади. Хитой уларнинг баъзиларини ишлаб чиқариш таннархини бошқа ҳар қандай давлатдан кўра 30%га пасайтиришга муваффақ бўлди, бу эса Хитойни уларнинг манбаига айлантирди. Шу сабабли, ўтган асрнинг 90-йиллари бошидан бери илғор саноатга эътибор қаратган Хитой замонавий ва интеллектуал (ақлли) саноатда ноёб металларнинг аҳамиятини англаб етди. У уларни қазиб олиш, бошқа металлардан ажратиш ва тозалаш технологиясини ривожлантиришга сармоя киритди. Охир-оқибат, арзон ишчи кучи ва мамлакатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларининг қатъий эмаслигидан фойдаланиб, XXI асрнинг бошларига келиб жаҳондаги ишлаб чиқаришнинг 90%ни назорат остига олди. Бу эса ўз маҳсулотининг ортиқчасини рақобатбардош нархларда экспорт қилиш имконини берди, шунинг учун Хитой ноёб металлар саноатида ҳукмронликни қўлга киритди.

Бу металларнинг ўзига хос хусусиятлари борки, улар илғор саноат тармоқларида алмаштириб бўлмайдиган аҳамият касб этади: ноёб металлар юқори технологик ускуналарда қўлланилганда, уларни кичикроқ, арзонроқ ва енгилроқ қилиш,

шунингдек, кўплаб технологияларнинг сифатини яхшилаш имконини беради. Улар кучли магнит хусусиятларига эга бўлиб, кичик ҳажмли ва кучли магнитлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Бу эса электрон қурилмаларни янада ихчамлаштириш, металларни мустаҳкамлаш ва уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Кураш, рақобат ва монополия устига қурилган очкўз мустамлакачи капиталистик фикрнинг оқибати ўлароқ, ушбу металлар йирик давлатлар учун кураш ва стратегик ролнинг марказига кириб келди. Ноёб металлар йирик давлатлар назорат қилиш учун талашаётган қуролга айланди. Чунки улар давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий мавқеини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Зеро ноёб металлар шунчаки хом ашё эмас, балки технологик бозор ва ҳарбий иқтисоддаги нуфузни кучайтирувчи куч қуролларидир. Ҳатто баъзи давлатлар денгизлар қаърида ёки ҳатто ой юзасида қазиш ишларини олиб бориш каби янги ва ноанънавий манбаларни топиш ҳақида фикр юрита бошлади. Чунки ушбу металлар ҳозирги асрда дунёдаги энг йирик икки иқтисодиёт – АҚШ ва Хитой ўртасидаги геосиёсий курашнинг яққол белгиларидан бирига айланди. Шунинг учун бу металлар оддий иқтисодий ресурс бўлишдан кўра анча катта аҳамият касб этди: улар энди Вашингтон ва Пекин ўртасида сиёсий босим воситасига айланди. Хитой 44 миллион тонна ноёб металлга эга, бу эса дунё захирасининг ярми демакдир ва у АҚШ эга бўлган миқдордан 23 баробар кўп. Хитой глобал ишлаб чиқаришнинг қарийб 70%ини назорат қилади ҳамда ажратиш ва тозалаш амалиётларининг 80%дан ортиғини монополия қилиб олган. Бу эса унга глобал таъминот занжирларига таъсир ўтказиш ва ундан геосиёсий босим воситаси сифатида фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, Хитой турли замонавий саноат тармоқларида зарур бўлган доимий магнитлар ишлаб чиқариш учун лозим бўлган ноёб металлардан еттита элементни ишлаб чиқаришни монополия қилиб олган бўлиб, у доимий магнитлар ишлаб чиқариш бозорининг 90%ини назорат қилади.

АҚШ учун ноёб металларни қайта ишлаш соҳасида катта муаммо туғдираётган яна бир жиҳат шуки, Хитой дунё миқёсида уларни қазиб олиш ва тозалаш жараёнларида устунлик қилади. Бу эса АҚШ учун ноёб элементларни қазиб олиш ва қайта ишлашда муаммо туғдиради. Зеро у қазиб олинган хомашёсини қўшимча қайта ишлаш учун Хитойга юборади. Бунга қўшимча Хитой келажак саноатининг асосий таянчи бўлган еттита ноёб металлга чекловлар жорий этди.

Солиқларга келсак, Хитой АҚШ жорий этган ҳамда оширган солиқларга жавобан, АҚШ ва Европага экспорт қилинадиган металларга солиқлар жорий қилди. Бу эса Европа ва АҚШ товарлари, хусусан электромобиллар ишлаб чиқариш таннархининг ошишига сабаб бўлди ва юз минглаб ишчиларнинг ишдан бўшатилишига олиб келди. Натижада Хитой жаҳон электромобиллар бозорининг 90%ини таъминлайдиган бўлди. У шунингдек, бошқа давлатлар ишлаб чиқарган барча саноат тармоқлари учун таркибига Хитойнинг ноёб металлари кирган ҳар қандай маҳсулотнинг сотилишини таъқиқлаб қўйди. У бундан ташқари ноёб металларни қазиб ва ажратиб олиш технологиясини ўтказишга (трансферига) ҳам чекловлар қўйди.

Бошқа томондан, ноёб металлар сунъий интеллектга таянадиган ҳарбий саноатнинг ўзагига айланди. Шу сабабли АҚШ Хитойнинг ҳарбий салоҳиятларидан ва унинг ҳарбий устунликка эришишидан хавотирлана бошлади. Чунки Хитой ҳарбий харажатларини 230 миллиард долларга кўтарди, ядровий қувватини ошириб, ядровий каллаклар сонини 500тага етказди, унинг ҳарбий-денгиз кучлари таркибида 370та кема ва сувости кемаси мавжуд. Шунингдек фазовий дастурлар ва ҳарбий сунъий йўлдошларни ривожлантирди. Хитой ҳарбий соҳада ўзи билан АҚШ ўртасидаги фарқни камайтиришга интилмоқда. ҳолбуки, АҚШнинг битта F-35 самолёти учун 450 кг ноёб металл талаб этилади.

Шу сабабли Хитой, агар уларга чекловлар қўйса, АҚШ ва Европа мудофаа саноатига таҳдид солишга қодир. Бу эса ноёб

металларни Қўшма Штатлар ва Хитой ўртасидаги геосиёсий тўқнашув ўқига айлантиради. Бу Хитойга мудофаа, фазо, автомобилсозлик ва сунъий интеллект соҳасида АҚШдан устун келиш имконини беради. Бу ҳолат Трампни Хитойни «ёвуз давлат» ва у дунёни гаровга олмоқда деб сифатлашга ундади. Натижада, у Хитойга қарши солиқларни оширди ва қасос олишга ваъда берди. Хитой эса бунга худди шундай чоралар билан жавоб қайтарди. Шундан кейин Америка Хитой билан муносабатларда чекинишни бошлади. Трамп ўз оҳангини ўзгартириб, уни ярашув оҳангига айлантирганидан кейин Хитой ва АҚШ етакчилари ва экспертлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Трамп Хитой раиси Сини «эски дўст» деб атаб, у билан «жуда яхши муносабатлар» боғлаб турганини таъкидлади. Бу эса унинг очиқ-ойдин макиавеллича чекинишини кўрсатди.

Шу сабабли, ноёб элементлар йирик кучлар – Хитой, АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи ўртасидаги рақобат ўйинига кирган стратегик омилга айланди. Ҳатто улар Жаҳон Савдо Ташкилотига Хитой ноёб металларга жорий этган божхона тўловлари ва экспорт квоталари ташкилот қоидаларига зид эканини айтиб, даъво аризаси киритишди. Чунки Хитойга қарам бўлиш стратегик хавф экани ўз исботини топди. Натижада йирик давлатлар ўз ҳудудларида қидирув ишларини олиб бориш ҳамда Африканинг Конго, Мадагаскар, Намибия ва Нигерия каби ресурсларга бой мамлакатларидан бошқа манбаларни излаш орқали Хитой таъминот занжирларидан узилиш чораларини кўра бошлади. Шунингдек, айрим компаниялар Хитойга қарамликни камайтириш мақсадида эски электрон қурилмалардан ноёб металларни қайта ажратиб олиш усулларини ривожлантириш ва ноёб металлар ўрнини босувчи сунъий муқобиллар ҳамда бошқа элементларни топиш устида иш олиб бормоқда.

АҚШ президенти Трамп Данияга қарашли, ноёб металларга бой бўлган Гренландия оролини ўз назоратига олишга ҳаракат қилди. Шунингдек, АҚШ Покистон ҳудудининг катта қисмини эгаллаган ва таркибида 92 хил металл бўлган ресурслари эвазига ушбу

давлатга сармоя киритиш бўйича келишув тузди. Марокаш билан эса, АҚШнинг Ғарбий Саҳрои Кабирни Марокаш ҳудуди деб тан олиши ҳамда БМТ Хавфсизлик Кенгашида Жазоирга қарши уни қўллаб-қувватлаши эвазига 60 миллиард долларлик ноёб металлар бўйича битим тузди. Ваҳоланки, Жазоирнинг Вашингтондаги элчиси ўз юртининг худди Украина каби ноёб металлар ресурслари бўйича Қўшма Штатлар билан битимни муҳокама қилишга тайёрлигини билдирган эди. Украина билан Россия-Украина урушидан кейин юртни қайта тиклаш эвазига ярим триллион долларлик ноёб металлар шартномаси тузилди. Шунингдек, Япония билан 16 миллион тонна ноёб металл етказиб бериш бўйича келишув тузилди. Малайзия билан 18,5 миллион тонна ноёб металл бўйича битим тузилди. Афғонистонга келсак – у ноёб металларга тўла юртлардан биридир – АҚШ у ерда мағлуб бўлиб, чиқиб кетганидан сўнг, бугун у ерга қайта киришга ва металлардан фойдаланиш, ҳарбий фаолиятни йўлга қўйиш ва Афғонистон орқали ўтадиган ноёб металлар таъминот йўлларини назорат қилиш мақсадида Баграм ҳарбий базасини қайтариб олишга уринмоқда. Судан эса, унинг ҳудудлари стратегик саноат тармоқларида қўлланиладиган ноёб металларга бой. Америка алангалатган фуқаролик уруши мақсадларидан бири ҳам мамлакатнинг бойликлари ва ноёб металларини тўлиқ қўлга киритиш, рақобатчиларини сиқиб чиқариш, шунингдек, Суданни бўлиб ташлаш ва бойликларга бой Дарфурни ажратиб, уни мустақил қилиш орқали бу бойликлардан фойдаланишга уринишдир. Бойликларга бой ҳар бир давлатга қарши турли муаммоларни қўзғатиш уринишларини ҳам унутмаслик керак. Масалан, Нигерияга қарши «насронийларни ўлдириш» ниқоби остида, бойликларга бой Венесуэлага қарши «гиёҳванд моддалар контрабандаси» ниқоби остида турли чоралар кўрилмоқда. Бундан олдин Ироқ мисоли бор. Шунингдек, АҚШ 5,7 миллион тонна ноёб металлга эга бўлган Австралия билан ҳам шартнома тузди.

Туркияда эса Эрдўған 694 миллион тонна ресурс мавжудлигини ва улар орасида биринчи навбатда ноёб металлар борлигини эълон

қилди. У Туркияда 17та ноёб элементдан 10таси мавжуд бўлиб, бу тахминан 12,5 миллион тонна ноёб металл оксидларига тўғри келишини ҳамда уларни қазиб олиш халқаро ҳамкорликни талаб қилишини таъкидлади. Европага эса, унда фойдаланилмаётган айрим захиралар мавжуд бўлса-да, ноёб металларни олишда асосан Хитойга таянади. Чунки маҳаллий ишлаб чиқариш талабнинг жуда оз қисминигина қоплайди ҳамда уни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи атроф-муҳит ва ижтимоий муаммоларга дуч келмоқда.

Ноёб металлар устидаги иқтисодий курашнинг воқелиги мана шундан иборат. Ҳолбуки, Аллоҳ Таоло уларни кураш ва урушлар учун эмас, балки инсониятга хизмат қилиш учун яратган. Зеро Аллоҳ Таоло осмонлар ва ердаги нарсаларни бўйсундириб қўйди ва уларни инсониятга хизмат қилиши, уларнинг манфаатлари ва турли эҳтиёжларини қондириши учун жойлаштирди. Ер юзи кўплаб саноат тармоқлари муҳтож бўлган конлар ва хом хомашёларга тўлиб ётибди. Агар улар Аллоҳ Таоло буюрган тарзда ишлатилса, бутун инсоният учун яхшилик бўлади. Ҳатто динни ёйиш, кофирларнинг туғёнини қайтариш ҳамда мусулмонларни, уларнинг бойликлари ва номусларини ҳимоя қилиш учун куч, темир ва қаттиқ шиддатдан фойдаланиладиган (ҳақ билан ботил ўртасидаги) тўқнашув суннатида ҳам шу яхшилик мавжуд.

Шунингдек, Аллоҳ Таоло ушбу металлар ва бойликларни Ўз хоҳиш-иродасига кўра ер юзи бўйлаб бўлиб қўйган ва уларни тенг равишда тақсимламаган. Лекин инсон табиати, очкўзлик, рақобат ва ҳукмронликка бўлган муҳаббат уларни тарих давомида ҳукуматлар ўртасида ушбу ресурсларга етишиш ва улардан фойдаланиш йўлидаги рақобат маконига айлантирди. Аллоҳ Таоло Ҳадид сурасида металл ресурсларининг аҳамияти ва уларнинг ишлатилиши ҳақида шундай марҳамат қилади:

﴿وَأَنزَلۡنَا ٱلۡحَدِيدَ فِيهِ بَأۡسٞ شَدِيدٞ وَمَنَٰفِعُ لِلنَّاسِ وَلِيَعۡلَمَ ٱللَّهُ مَن يَنصُرُهُۥ وَرُسُلَهُۥ بِٱلۡغَيۡبِۚ إِنَّ ٱللَّهَ قَوِيٌّ عَزِيزٞ﴾

«Яна Биз темирни туширдик-яратдик. Унда куч-қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир. Аллоҳ ғайбда *(бандалари кўзига кўринмасдан)* ***турган ҳолида Ўзига ва пайғамбарларига*** *(Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш билан)* ***ёрдам берадиган кишиларни билиш учун*** *(темирни яратди).* ***Албатта Аллоҳ кучли, қудратлидир»****.* (Ҳадид 25)

Шу сабабли Ислом Умматнинг салоҳиятлари, энергиялари ва бойликларидан фойдаланиш кайфиятини икки иш учун белгилаб берди; биринчиси: металлардан Аллоҳнинг динини қарор топтириш ва уни ёйиш йўлида фойдаланиш, иккинчиси: металлардан инсоният эҳтиёжларини қондириш ва манфаатларини таъминлашга сарфлаш.

Аллоҳ Таоло Ислом оламини улкан бойликлар билан сийлаган. Бу ҳеч қандай баҳсга ўрин қолдирмайдиган ҳақиқатдир. Исломий юртлар улкан бойликлар ва кўплаб қимматбаҳо ноёб металларга эга. Лекин улар Уммат томонидан фойдаланилмаяпти. Шунинг учун, уларни мусулмонларнинг ўзлари сармоя қилишлари зарур. Бугунги кунда кончилик, нодир металлар ва табиий бойликлар йирик давлатлар ўртасидаги сиёсий масалага айланди. Шу боис буюк бир давлат орқали бу ҳолатга қарши туриш ва унга жавоб қайтариш зарур. Бу эса Умматнинг бирлашиши, ўз ҳокимларидан халос бўлиши ва Исломий Халифаликни барпо этиш билангина амалга ошади, токи Хитой, Америка, Европа Россия ҳамда Уммат бойликларига кўз олайтираётган барча кучларга қарши турилсин ва уларнинг малай раҳбарлари орқали Ислом оламига қарши олиб бораётган урушларига барҳам берилсин. Шуни таъкидлаш лозимки, инкор этиб бўлмайдиган бир ҳақиқат бор: Ислом оламидаги бойликлар, ноёб металлар ва табиий минерал ресурслардан тўғри ва самарали фойдаланиш Ислом аҳкомлари татбиқ этилмаган ва куфр ҳукмрон бўлиб турган шароитда деярли имконсиздир.

Ислом иқтисод ва мулкка оид асосий фиқҳий қоидаларни белгилаб берди. У мулкни уч турга ажратди: шахсий мулк, давлат мулки, умумий мулк. Нефть, газ, олтин, темир, уран, литий

конлари ва бошқа стратегик ва ноёб элементлар каби туганмас хусусиятга эга бўлган табиий ва ер ости бойликлари умумий мулк доирасига киради. Ислом бундай мулкни шахсларнинг ўзлаштириб олишига йўл қўймаслигини баён қилди. У давлатнинг ҳам мулки эмас, балки Ислом Умматининг мулкидир. Давлат уни мусулмонларнинг умумий манфаатлари деган эътиборда бошқаради. Бу эса капитализмнинг табиий бойликларга эгалик қилиш ва уларни қазиб олишга бўлган қарашига бутунлай зиддир. Зеро Ғарб капитализм тузумида нефть, газ ва металлар каби табиий бойликлар «хусусийлаштириш» амалиётлари ёки маҳаллий ва хорижий йирик компанияларга бериладиган имтиёзлар орқали эксклюзив мулкка айланади.

Капиталистик иқтисодий модель доирасида Уммат бойликларини топшириш, уларни хусусийлаштириш ёки хорижий давлатлар ва трансконтинентал компанияларга имтиёзлар бериш улкан сиёсий ва иқтисодий ҳалокат эканини яна бир бор таъкидлаш зарур. Бу мустамлакачиликнинг ҳамда усулларидан бири бўлиб, камбағал давлатлар иқтисодиётини глобал кучлар ва мустамлакачи халқаро ташкилотлар иқтисодига боғлаб қўяди. Буни Африка, Лотин Америкаси ва Ислом олами давлатлари тажрибасида кўриш мумкин: хорижий компанияларнинг кириб келиши иқтисодий тараққиётни таъминламади, аксинча, сиёсий беқарорлик, коррупциянинг кенг тарқалиши, бойликларни талон-торож қилиш ҳамда иқтисодий ва сиёсий мустақилликнинг йўқолишига олиб келди. Шунингдек, Уммат бойликларини мустамлакачи давлатларга уларнинг компаниялари ёки халқаро ташкилотлар орқали ҳар қандай шаклда бериш нафақат Ислом нуқтаи назаридан ҳаром, балки у сиёсий ва хавфсизлик жиҳатидан ҳам улкан хато ва сиёсий ўзини-ўзи ўлдиришдир. Ислом ўз душманларининг кучайишига, кофирларнинг мусулмонлар бойликлари устидан ҳукмронлик қилишига ёки Ислом Умматининг бошқаларга қарам бўлиб қолишига олиб келадиган ҳар қандай иқтисодий ҳамкорликни ҳаром қилади.

Шунингдек, Ислом табиий бойликларни қазиб олиш ниқоби остида мустамлакачи компанияларнинг Ислом юртларига киришини ҳаром қилади. Чунки улар аслида тижорат компаниялари эмас, балки мустамлакачилик мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қиладиган сиёсий, разведка ва ҳарбий тузилмаларга қарашли ташкилотлардир. Бу иш душман билан ҳамкорлик қилиш ва уни кучайтириш ҳисобланади ҳамда уруш вақтида душманга қурол топширишга ўхшайди. Айниқса, Хитой, Америка, Европа, Россия ва бошқа шу каби мусулмонларга қарши уруш ҳолатида бўлган давлатлар каби мустамлакачи кучларнинг компаниялари билан ҳамкорлик қилиш. Чунки, бундай ҳамкорлик Исломга душман бўлган режимларга ёрдам бериш ҳисобланади.

Шунга кўра, Ислом Уммати ўз бойликларини ўзи ишлатиши, қайта ишлаши ва қазиб олиши лозим. Чунки бунинг улкан сиёсий ва иқтисодий манфаатлари бўлиб, қайта ишлаш ва кончилик саноати инфратузилмасини яратишни талаб этади. Ислом фақат ибодат дини эмас, балки ўзига хос ҳаёт тарзидир. У ҳатто энг кичик сиёсий ва иқтисодий ўлчовларда ва Уммат манфаатлари, жумладан, металлар масаласида ҳам аниқ, одил ва инсоний қоидаларни тақдим этади.

Хотима ўрнида, ноёб металлар атрофидаги кураш келажакда ҳам шиддатли бўлиб қолаверади ва сунъий интеллектнинг келажаги давлатларнинг ушбу стратегик ресурсларни таъминлаш қобилиятига боғлиқ бўлади. АҚШ, Европа ва Хитой ўртасидаги рақобат кучайиб бораётган бир шароитда технологик хавфсизлик ва иқтисодий мустақиллик ушбу металларга етиш имконияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолади. Шу сабабли АҚШ куч ишлатиш билан таҳдид қилиш орқали ёки ўз қуроллари: Халқаро Валюта Фонди ва БМТ орқали, инвестиция, ҳамкорлик ниқоби остида глобаллашув, хусусийлаштириш ва қароқчиликдан иборат ўз глобал тизимини мажбуран ўтказмоқда. У шу каби мустамлакачилик қуроллари ва услублари воситасида давлатларга кириб, бойликларимизни талон-торож қилишга ҳаракат қилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, икки куч ўртасидаги рақобат фақат савдо билан чекланиб қолмай, балки сунъий интеллект, тоза энергия ва мудофаа соҳаларини ҳам қамраб олмоқда. Ушбу кураш беқарорликни келтириб чиқарди. Натижада олтин ишончли бошпана сифатида кўрила бошлади, бу эса унинг нархи ошишига ҳамда иқтисодиёт ва тараққиёт суръатларининг секинлашишига олиб келди.

Қўшма Штатлар Хитой монополиясини синдириш учун «Тийиб туриш иттифоқи» деб аталувчи халқаро иттифоқ тузишга интилади. У ҳар қандай восита билан, ҳатто куч ишлатиш билан бўлса ҳам, бошқа давлатлардан ноёб металлар манбаларини диверсификация қилишга уринади. Шунингдек, технологияларни ва қайта ишлашни ривожлантиришга ҳамда экологик муаммолар ва юқори таннархга қарамай, мавжуд ноёб металларни қазиб олиш ва қайта ишлаш учун маҳаллий заводлар барпо этишга ҳаракат қилади.

Сиёсий майдонда эса, АҚШ Хитойга босим ўтказиб, уни ўз муаммолари билан банд қилиб қўйиш ҳамда Яқин Шарқ минтақасига киришининг олдини олиш мақсадида икки масалани – Тайвань ҳамда Шимолий ва Жанубий Корея масаласини мунтазам равишда авж олдиришга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, у Генри Киссинжернинг «Ким Яқин Шарқни назорат қилса, у глобал бозорни ва энергия таъминоти йўлларини бошқаришга қодир бўлади», деган қарашига асосланган режага мувофиқ, ўз гегемонлигини сақлаб қолиш учун Яқин Шарқдаги ўз малайларини – Туркия, Саудия ва Миср ҳокимларини асосий ўйинчилар сифатида ҳаракатга солади.

АҚШ Хитойни сиёсий ва иқтисодий мақсадлар йўлида Украина-Россия урушидан чиқариб юборди ва унинг ролини заифлаштирди. Хитой санкцияларга дучор бўлишдан (Россияга қўлланилганидек унга ҳам қўлланилишидан) хавотирланган вақтда уни Россиядан узоқлаштирди. У урушдаги сиёсий жиловларни ўз қўлида тутиб, Европани заифлаштирди ва ўзини асосий ўйинчига айлантирди. Натижада Европа Россияга қарши

АҚШнинг розилигисиз бирор қарор қабул қила олмайдиган бўлди. Ҳолбуки, бугунги кунда АҚШ ҳар қачонгидан ҳам ожизроқ бўлиб, туғёнга кетган «глобал жандарм»дан бошқа нарса эмас. У ҳозир ўз ички инқирозларидан – ишсизлик ва юқори қарздорликдан чиқишни истамоқда. Шу сабабли Хитой билан уруш бошлай олмайди ва у билан қуролланиш пойгасига ҳам кириша олмайди. Шу боис ҳозирги вазият Хитой учун мусобақалашиш ва АҚШга тенг рақиб бўлиши йўлида ядровий дастурларини фаоллаштириш учун ўта қулай. Шунингдек, бу Ислом Уммати учун ҳам ўз куч-қудрати, бирлиги ва дунёга етакчилигини тиклаш ҳамда уруш ёқилғиси ва низо майдони бўлишдан глобал майдондаги бош қаҳрамонга айланиш учун ноёб имкониятдир.

Шунга кўра, Ислом Уммати бу курашнинг марказида турибди. Шу сабабли у бирлашиши ва рошид Халифаликни барпо этиши вожиб. Шунингдек, фойдаланиш учун ноёб металлар ва бошқа бойликларни излаб топиши керак. Бу уммат ишларини бошқариш ва душманни қўрқитиш учун зарур тайёргарлик кўриш доирасига киради. Зеро, биз Ислом оламига самарали қуролларга эга бўлиш борасида қўйилган чекловларни кўрдик: Исломий юртларнинг қуролли кучларига ё яроқсиз, ёки самарадорлиги чекланган ҳамда фақат ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчининг буйруғи ва шартларига мувофиқ йўналтириладиган қуроллар етказиб берилади.

Шу сабабли, давлат Халифаликдаги саноатни дунё миқёсида етакчи ўринга олиб чиқишга имкон берадиган тадқиқот марказлари мавжудлигини кафолатлаши лозим. Бу жараён давлатнинг йирик сармоялар киритишини ҳамда барча соҳалардаги муҳандисларга, шунингдек, саноатнинг барча турлари бўйича мутахассис ва режалаштирувчиларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун саноатни университет тадқиқотлари билан боғлашни тақозо этади. Бунга қўшимча равишда, давлат хусусий сектор муассасаларини тадқиқот, ривожланиш, ижод ва рақобат соҳасида ўз ролларини ўйнашлари учун рағбатлантириши лозим.

Халифалик давлатининг саноатлашган давлат бўлишга интилиши двигателлар ва саноат машиналари ишлаб чиқариш каби оғир саноатнинг – яъни стратегик саноатнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш «заводлар заводининг» – мавжуд бўлишини ва уни Уммат манфаатига ва унинг барча умматлардан устун бўлишига йўналтирилишини тақозо этади. Билганингиздек, Исломий юртлар агар бирлашсалар, глобал кучлар мувозанатида қарамликдан дунёга таъсир ўтказувчи қудратли кучга айланишга қодирдир.

Исломий юртлар тўғри мабдага, кенг географик ҳудудга, стратегик мавқега, табиий бойликларга ва улкан инсоний қудратга эга, лекин улар ўз иродаларини бирлаштирадиган, сиёсий ва иқтисодий қарорларини ташқи ҳукмронликдан халос қиладиган умумий лойиҳага муҳтож.

Ҳизб ут-Таҳрир «Дастур муқаддимаси»да умумий мулк, унинг турлари, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш тартибини баён қилувчи моддаларни табанний қилди. Шунингдек, заводлар ва ҳарбий саноат корхоналарига эгалик қилиш масаласини ҳам табанний қилди. Булар қаторига двигателлар, машиналар, транспорт воситалари каркаслари, электрон материаллар ва уларга оид саноат тармоқлари каби оғир саноат соҳалари киради. У шунингдек, давлатнинг шахсий мулкни умумий мулкка айлантиришини тақиқловчи моддаларни ҳам табанний қилди. Чунки умумий мулк давлатнинг раъйи билан эмас, балки мулкнинг табиати ва сифати билан белгиланади.

Давлат умумий мулкни фуқаролардан ажратиб, бирор кишига унга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериши жоиз эмас. Айнан ушбу давлат инсоният саодати учун тўғри ва яроқли мафкурага эга бўлгани боис глобал бозорларни бошқаришга қодирдир ҳамда иқтисод, савдо, адолат ва инсоният манфаати тушунчаларини қайта шакллантиришни кафолатлайди.

Шунингдек, у ўз ерларида дунё бойликларининг катта қисмини назорат қилади. Шунинг учун у ўзининг иқтисодий қудрати, давлатларнинг унга ва бойликларига бўлган эҳтиёжи, стратегик

жойлашуви сабабли, шунингдек ҳудудининг кенглиги ва сув йўлларининг кўплиги туфайли энергия таъминоти йўлларини назорат қилиши сабабли барча ноёб металлар бўйича ўз шартлари ва ҳукмронлигини ўтказа олади.

Ва ниҳоят, металлар урушидаги прогнозларга келсак, йирик давлатлар моддий манфаатлар ортидан қувишда давом этиши муқаррар. Савдо уруши яқин орада тугаши эҳтимолдан йироқ, балки у иқтисод, технология, ҳарбий соҳа ва ҳатто геосиёсий таъсир доираларини қамраб олувчи узоқ муддатли ва кўп қиррали курашга айланиши кутилмоқда. Бу низодан кичик давлатлар ва айрим шахслар манфаат кўришлари мумкин, бироқ кураш тўхтамайди.

Шундай қилиб, келажак ноёб металларга эга бўлган томоннинг қўлидадир. Глобал таъсир доирасини мустаҳкамлаш бўйича стратегик пойга давом этаверади, чунки йирик давлатлар ўз миллий хавфсизлигини таъминлаш ва Хитойга бўлган қарамлигини камайтириш мақсадида таъминот занжирлари харитасини қайта чизишга ҳаракат қилмоқдалар.

Агар муқобил ечимлар топилмаса, бу рақобат иқтисодий доирадан чиқиб, иқтисодий бўлмаган урушларга ҳам айланиб кетиши мумкин. Барча ечимлар токи Ислом Халифалигининг қайтиши билан туб ечим келгунига қадар вақтинчалик бўлиб қолаверади. Зеро, Халифалик дунёни бахтсиз қилган капитализм ёвузликларидан халос этади ҳамда зулм, ҳукмронлик ва мустамлакачиликка чек қўяди. Халифалик халқаро курашнинг омилини манфаатлар ортидан қувиш, уларни шахсий мақсадларга йўналтириш ҳамда маҳрумлик ва глобал монополияларни ёйиш эмас, балки инсониятни зулматлардан нурга олиб чиқиш ва унинг манфаатини таъминлаш йўлида мабдани ёйиш қилиб белгилайди.

АЛЛОҲ ТАБОРАКА ВА ТАОЛОНИНГ СИФАТЛАРИ БОРАСИДАГИ БАҲС-МУНОЗАРА

Лукмон Ҳарзуллоҳ

Шу кунларда мактаб ва университет ёшлари орасида Аллоҳ Таолонинг сифатлари ҳақида баҳс-мунозаралар кетмоқда. Эҳтимол, айрим олимларнинг ижтимоий тармоқларда Аллоҳ Таборака ва Таолонинг сифатлари ҳақида қилган маърузалари, ёшларнинг ушбу тармоқларни мунтазам кузатиб боришлари сабабли улар орасида бу мавзуларни қўзғатган бўлиши мумкин. Биз ушбу қисқа мақолада ёшларнинг эътиборини бу мавзуга қандай ёндашиш ва уни тўғри фаҳмлаш кайфиятига қаратмоқчимиз. Аллоҳ Таборака ва Таолонинг сифатлари ҳақида гапиришдан олдин, зеҳнингизга шундай бир савол келиши муқаррар: бу инсонларнинг Аллоҳнинг сифатлари масаласини қўзғатишдан асл мақсадлари нима? Уларнинг мақсадлари одамларни ҳаққа бошлашми? Ёки уларнинг мақсадлари Умматни фирқаларга бўлиб ташлаш ва ҳар бир фирқа ўз биродарига душман кўзи билан қарашини таъминлашми?

Ғарб агар Ислом Уммати ўз дини асосида бирлашса, унга кучи етмаслигини жуда яхши англайди. Рум уни Ярмукда, европаликлар Заллоқада, салибчилар Ҳиттийнда, мўғуллар Айн Жолутда синаб кўрди. Мана, бугун АҚШ Уммат парчаланган бўлишига қарамай унга қарши туришда қийналмоқда. Энди, агар у бирлашса нима бўлишини ўзингиз ўйлаб кўринг! АҚШ учун Умматни фирқаларга ажратиш ва уни бўлак-бўлак қилиб парчалаш режасидан кўра улуғроқ ва сермаҳсулроқ яна қандай режа бўлиши мумкин?!

Албатта АҚШ Умматни жирканч мустамлакачилик башараси орқали парчалай олмайди, балки унга дин аҳли қиёфасидаги маҳаллий башараларни тақдим этади. Улар – билиб ёки билмай – тоифачиликни ёйиш ва калом илми фирқаларининг йўқ бўлиб кетган баҳсларини тирилтириш орқали одамлар орасини бўладилар. Агар уларнинг бу раъйлари одамлар орасида ёйилса,

одамлар Аллоҳнинг қўли бор деганлар билан уни йўқ деганлар ўртасида қаттиқ ихтилоф қиладилар. Натижада уларнинг бири ўз биродарини кофирга чиқаради ва Росулуллоҳ ﷺ бизга таълим берган ҳамда у зотдан кейин саҳобалари розияллоҳу анҳу татбиқ этган тўғри фаҳмдан узоқлашадилар. Қани эди, сизни калом илми аҳлининг масалалари билан банд қилиб қўяётган ушбу кимсалар Умматни қайта уйғотиш, Халифаликни барпо этиш ва Аллоҳнинг шариатини ҳакам қилиш билан машғул бўлсалар! Зеро Росулуллоҳ ﷺни Ислом давлатини барпо этгунларига қадар уни барпо этишдан ҳеч қандай иш банд қила олмади. Аллоҳ Азза ва Жалланинг сифатлари борасида сиз билан баҳслашаётган ҳар бир кимсага айтинг: сиз Росулуллоҳ ﷺнинг ушбу сўзлари ҳақида нима дейсиз: **«Ким бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлса, жоҳилият ўлими билан ўлибди»** (Саҳиҳ Муслим, 1851). Уларга айтинг: сизнинг Аллоҳ Таборак ва Таолонинг ушбу сўзига муносабатингиз қандай:

﴿أَفَحُكۡمَ ٱلۡجَٰهِلِيَّةِ يَبۡغُونَۚ وَمَنۡ أَحۡسَنُ مِنَ ٱللَّهِ حُكۡمٗا لِّقَوۡمٖ يُوقِنُونَ﴾

«Динсизлик ҳукмрон бўлишини истайдиларми?! Иймонлари комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилгувчи ким бор?!» (Моида 50)

Зеро сизни ушбу масалалар билан банд қилаётган кимсалар ҳокимларнинг қўли остида яшайдилар ва уларнинг мункарларини инкор қилмайдилар, ҳокимларнинг ботилларини кўриб туриб уларни ундан қайтармайдилар ва бу ҳокимлар мўминларнинг бошлиқлари эмаслигини била туриб, бўйинларида байъат йўқлигига парво қилмайдилар. Уларнинг бутун ғам-ташвиши – сизни ўз Умматингиз олдидаги вожибдан, яъни уни мустамлакачилик чангалидан ва ҳокимлар бўйинтуруғидан озод қилиш ҳамда Аллоҳнинг шариатини ҳакам қилиш орқали уни Ислом диёрига кўчириш вожибидан чалғитишдир. Хўш, сизни қандай чалғитиб қўймоқдалар? Сизни маъсум зотнинг сўзидан чалғитиб, оддий инсоннинг сўзи билан банд қилмоқдалар; сизни Уммат Росулуллоҳ ﷺнинг қўллари остида юксалаётган даврдаги баҳслардан буриб, Уммат адашиб юрган даврдаги баҳслар билан

банд қилмоқдалар. Ислом Уммати Росулуллоҳ ﷺнинг қўллари остида юксалган вақтда, Аллоҳ Таоло уни ваҳий билан жонлантирди ва Набий ﷺ Умматга бу ваҳийни қандай тушунишни таълим бердилар: унда тафсилотсиз келган нарсаларни баён қилиб, фаҳмлашда қийинчилик туғдирган нарсаларни тафсир қилиб бердилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ يَٰٓأُوْلِي ٱلۡأَلۡبَٰبِ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْۖ قَدۡ أَنزَلَ ٱللَّهُ إِلَيۡكُمۡ ذِكۡرٗا ۞ رَّسُولٗا يَتۡلُواْ عَلَيۡكُمۡ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ مُبَيِّنَٰتٖ لِّيُخۡرِجَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ مِنَ ٱلظُّلُمَٰتِ إِلَى ٱلنُّورِۚ وَمَن يُؤۡمِنۢ بِٱللَّهِ وَيَعۡمَلۡ صَٰلِحٗا يُدۡخِلۡهُ جَنَّٰتٖ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدٗاۖ قَدۡ أَحۡسَنَ ٱللَّهُ لَهُۥ رِزۡقًا﴾

«Бас, эй иймон келтирган ақл эгалари, Аллоҳдан қўрқинглар! Дарвоқе У зот сизларга эслатма – Қуръонни нозил қилди. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни зулматлардан нурга чиқариш учун сизларга Аллоҳнинг очиқ-равшан оятларини тиловат қиладиган пайғамбарни *(Муҳаммад ﷺни юборди).* ***Ким Аллоҳга иймон келтирса ва яхши амал қилса*** *(Аллоҳ)* ***уни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадул-абад қоладиган жаннатларга киритур. Дарҳақиқат Аллоҳ унинг учун гўзал ризқ*** *(яъни жаннатнинг туганмас ризқини ато)* ***қилди»****.* (Талоқ 10-11)

Яна айтади:

﴿وَأَنزَلۡنَآ إِلَيۡكَ ٱلذِّكۡرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيۡهِمۡ وَلَعَلَّهُمۡ يَتَفَكَّرُونَ﴾

«Сизга эса одамларга нозил қилган нарсаларни *(яъни, шариат аҳкомларини)* ***баён қилиб беришингиз учун ва шояд тафаккур қилсалар, деб бу эслатмани – Қуръонни нозил қилдик»****.* (Наҳл 44)

Росулуллоҳ ﷺга ақида оятлари нозил бўлар эди, у зот уларни саҳобаларининг розияллоҳу анҳу қалбларига сингдирар эдилар. Шундан сўнг улар Қурайш зўравонларидан ҳам, унинг зулмларидан ҳам қўрқмаган ҳолда, Аллоҳнинг динини азиз қилиш учун амалга отланар эдилар. Уларнинг энг заифларидан бири Каъба саҳнида Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзини баланд овозда ҳайқириб ўқийди:

﴿ٱلرَّحۡمَٰنُ ۞ عَلَّمَ ٱلۡقُرۡءَانَ ۞ خَلَقَ ٱلۡإِنسَٰنَ ۞ عَلَّمَهُ ٱلۡبَيَانَ﴾

***«Меҳрибон** (Аллоҳ Муҳаммад ﷺ ва унинг умматларига) **Қуръонни таълим берди. У зот инсонни яратиб, унга** (мақсадини баён эта олиши учун) **баённи** (нутқни) **таълим берди»**.* (Роҳман 1-4)

У Қурайш тоғутлари унинг атрофида тўпланиб, уришларига асло парво қилмас эди. Бошқа бири туриб ўз Роббисини мудофаа қилар эди, у жаннатдаги Аллоҳнинг неъматларини «йўқ бўлиб кетади» деган кимсага ғазаб қилиб: «Ёлғон айтдинг, жаннат неъмати асло йўқ бўлмайди», дер эди ва шу позицияда Аллоҳ йўлида йўқотган кўзига асло ачинмас эди. Улардан яна бир заифҳолнинг қалбини ақида шундай тўлдирган эдики, у ўзини азоблаётган хўжайини қаршисида худди собит тоғдек тутарди, хўжайини эса ушбу тоғни жойидан қўзғатишга уринаётган бир пашшадек кўринарди, тоғ эса фақат: «Аҳад, Аҳад», дерди. Росулуллоҳ ўша вақтда уларга юнон фалсафасини ўргатмаган эдилар, ваҳоланки у ўша пайтда машҳур эди. Уларга соф ва тиниқ Ислом ақидасини ўргатар эдилар, натижада улар розияллоҳу анҳу Аллоҳнинг динини қарор топтиргунга қадар ушбу йўлдан ҳеч нарса қўзғата олмайдиган мағрур тоғларга айландилар.

Шундай экан, эй ёшлар, Аллоҳ ҳаққи, айтинглар-чи, калом илмининг йўқ бўлиб кетган баҳсларини тирилтиришга даъват қилаётганлардан бирортаси Билол, Усмон, Абдуллоҳ ибн Масъуд қилганидек ҳокимларнинг юзига тик боқиб турдими?! Агар уларнинг ақидани тушунишлари уларни ботил қаршисида туришга мажбурламаган бўлса, унда қандай қилиб ўзларидан бошқа ҳеч ким Ислом ақидасини тушунмаган деб даъво қилишлари мумкин?!

Аллоҳ Ўз Набийсига Ўзининг ушбу сўзини нозил қилган вақтда: ﴿وَأَلۡقَىٰ فِي ٱلۡأَرۡضِ رَوَٰسِيَ أَن تَمِيدَ بِكُمۡ وَأَنۡهَٰرٗا وَسُبُلٗا لَّعَلَّكُمۡ تَهۡتَدُونَ ۞ وَعَلَٰمَٰتٖۚ وَبِٱلنَّجۡمِ هُمۡ يَهۡتَدُونَ ۞ أَفَمَن يَخۡلُقُ كَمَن لَّا يَخۡلُقُۚ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ۞ وَإِن تَعُدُّواْ نِعۡمَةَ ٱللَّهِ لَا تُحۡصُوهَآۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَغَفُورٞ رَّحِيمٞ ۞ وَٱللَّهُ يَعۡلَمُ مَا تُسِرُّونَ وَمَا تُعۡلِنُونَ ۞ وَٱلَّذِينَ يَدۡعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ لَا يَخۡلُقُونَ شَيۡـٔٗا وَهُمۡ يُخۡلَقُونَ ۞ أَمۡوَٰتٌ غَيۡرُ أَحۡيَآءٖۖ وَمَا يَشۡعُرُونَ أَيَّانَ يُبۡعَثُونَ ۞ إِلَٰهُكُمۡ إِلَٰهٞ وَٰحِدٞۚ فَٱلَّذِينَ لَا يُؤۡمِنُونَ بِٱلۡأٓخِرَةِ قُلُوبُهُم مُّنكِرَةٞ وَهُم مُّسۡتَكۡبِرُونَ ۞ لَا جَرَمَ أَنَّ ٱللَّهَ يَعۡلَمُ مَا يُسِرُّونَ وَمَا يُعۡلِنُونَۚ إِنَّهُۥ لَا يُحِبُّ ٱلۡمُسۡتَكۡبِرِينَ﴾

«У зот ер сизларни тебратмаслиги учун унда тоғларни барпо қилди, *(ўзларингиз учун ичимлик бўлиши ҳамда экин-тикинларингизни суғоришингиз учун)* ***дарёларни*** *(оқизиб қўйди)* ***ва*** *(кўзлаган манзилларингизга боришда)* ***адашмасликларингиз учун йўлларни пайдо қилди. Ва*** *(у йўлларга)* ***белгилар*** *(қилиб қўйди. Кечаларда эса кишилар)* ***юлдузлар билан йўл топурлар.*** *(Эй мушриклар),* ***ахир*** *(барча мавжудотни)* ***яратгувчи зот – Аллоҳ билан*** *(ҳеч нарса)* ***ярата олмайдиган*** *(бутларингиз)* ***баробарми?! Ўйламайсизларми?! Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига ета олмайсизлар. Албатта, Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир. Аллоҳ яширган нарсаларингизни ҳам, ошкор қилган нарсаларингизни ҳам билур.*** *(Мушрикларнинг)* ***Аллоҳни қўйиб, илтижо қилаётган бутлари бирон нарсани яратгувчи эмасдир, балки ўзлари яралгувчидирлар.*** *(Улар)* ***жонсиз ўликлардир. Ва улар*** *(ўзларига сиғинаётган мушрикларнинг)* ***қачон қайта тирилишларини ҳам сеза олмайдилар. Тангрингиз ягона тангридир. Бас, охиратга иймон келтирмайдиган кимсаларнинг қалблари*** *(Аллоҳ ёлғиз эканини)* ***инкор қилур,*** *(уларнинг)* ***ўзлари мутакаббир кимсалардир. Шак-шубҳа йўққи, Аллоҳ уларнинг яширган нарсаларини ҳам, ошкор қилган нарсаларини ҳам билур. Албатта, У зот мутакаббир кимсаларни севмас»***. (Наҳл 15-23)

Саҳобалар Аллоҳ Таолонинг илми масаласини: Аллоҳнинг илми Аллоҳнинг Зотиданми ёки Ундан ажралган зотми, ёхуд у Унинг Зоти ҳам эмас, Ундан ўзга ҳам эмасми, деб асло баҳс қилмадилар! Яратиш масаласини: у зотларни яратишми ёки зотлар билан бирга амалларни ҳам яратишми деб баҳс қилмадилар. Улар Аллоҳ уларни, коинот, инсон ва ҳаётни яратган Зот эканини, У Зот уларнинг олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани билишини, уларнинг сирини ва ошкорини билишини тушундилар ва амал қилишга отландилар. Натижада уларнинг ушбу оятларни тушунишлари ундан кейин келган, улардан амални талаб қилган оятларга мувофиқ бўлди:

﴿وَلَقَدۡ بَعَثۡنَا فِي كُلِّ أُمَّةٖ رَّسُولًا أَنِ ٱعۡبُدُواْ ٱللَّهَ وَٱجۡتَنِبُواْ ٱلطَّٰغُوتَۖ فَمِنۡهُم مَّنۡ هَدَى ٱللَّهُ وَمِنۡهُم مَّنۡ حَقَّتۡ عَلَيۡهِ ٱلضَّلَٰلَةُۚ فَسِيرُواْ فِي ٱلۡأَرۡضِ فَٱنظُرُواْ كَيۡفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلۡمُكَذِّبِينَ﴾

«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглар ва шайтондан йироқ бўлинглар», *(деган ваҳий билан)* ***бир пайғамбар юборганмиз. Шунда улар*** *(ўша умматлар)* ***орасида Аллоҳ ҳидоят қилган зотлар ҳам шунингдек, чекларига йўлдан озишлик тушган кимсалар ҳам бўлган. Бас, ер юзида сайру саёҳат қилиб,*** *(ўз пайғамбарларини)* ***ёлғончи қилган кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўринглар»***. (Наҳл 36)

Улар Аллоҳ Таолодан даъват йўлидаги сабрлари эвазига ажр умид қилдилар. Аллоҳ Субҳанаҳу кейинги оятларда айтади:

﴿وَٱلَّذِينَ هَاجَرُواْ فِي ٱللَّهِ مِنۢ بَعۡدِ مَا ظُلِمُواْ لَنُبَوِّئَنَّهُمۡ فِي ٱلدُّنۡيَا حَسَنَةٗۖ وَلَأَجۡرُ ٱلۡأٓخِرَةِ أَكۡبَرُۚ لَوۡ كَانُواْ يَعۡلَمُونَ ۞ ٱلَّذِينَ صَبَرُواْ وَعَلَىٰ رَبِّهِمۡ يَتَوَكَّلُونَ﴾

«Зулму қийноқларга дучор бўлганларидан сўнг, Аллоҳ йўлида ҳижрат қилган зотларни албатта бу дунёда ҳам гўзал *(гўшаларга)* ***жойлаштирурмиз. Энди охират ажри-мукофоти янада каттароқ эканини*** *(одамлар)* ***билсалар эди! Улар*** *(мушриклар етказган озор-азиятларга)* ***сабр-тоқат қилган ва ёлғиз Роббиларигагина таваккал қилган зотлардир»***. (Наҳл 41-42)

Улар барча иш Аллоҳнинг қўлида эканини, агар хоҳласа уларнинг даъватига жавоб бермаган мушрикларни азоблашини билдилар. Бу ҳақида кейинги оятларда келади:

﴿أَفَأَمِنَ ٱلَّذِينَ مَكَرُواْ ٱلسَّيِّـَٔاتِ أَن يَخۡسِفَ ٱللَّهُ بِهِمُ ٱلۡأَرۡضَ أَوۡ يَأۡتِيَهُمُ ٱلۡعَذَابُ مِنۡ حَيۡثُ لَا يَشۡعُرُونَ ۞ أَوۡ يَأۡخُذَهُمۡ فِي تَقَلُّبِهِمۡ فَمَا هُم بِمُعۡجِزِينَ ۞ أَوۡ يَأۡخُذَهُمۡ عَلَىٰ تَخَوُّفٖۚ فَإِنَّ رَبَّكُمۡ لَرَءُوفٞ رَّحِيمٞ﴾

«Энг ёмон макру-ҳийлаларни қилган кимсалар ўзларини ер ютишидан ёки *(уларга)* ***сезмаган-кутмаган тарафларидан*** *(Аллоҳнинг)* ***азоби келиб қолишидан хотиржам бўлдиларми?! Ёки сафар-саёҳатларда юрган чоғларида уларни*** *(бало-офатлар)* ***ушлаб, ҳеч қаёққа қочиб қутулолмай қолишларидан*** *(қўрқмадиларми)****? Ёки*** *(қилган макр-ҳийлаларининг оқибатидан*

ўзлари) ***қўрқиб-писиб юрган пайтларида, уларни*** *(Аллоҳнинг балоси)* ***ушлаб қолишидан*** *(қўрқмадиларми)****?! Дарҳақиқат, Роббингиз меҳрибон ва раҳмлидир»****.* (Наҳл 45-47)

Улар ўзларининг солиҳ амаллари ва шу амаллари устидаги сабрлари билан хотиржам бўлдилар. Бунга сабаб ундан кейинги оятлардаги Аллоҳнинг сўзлари:

﴿مَا عِندَكُمۡ يَنفَدُۖ وَمَا عِندَ ٱللَّهِ بَاقٖۗ وَلَنَجۡزِيَنَّ ٱلَّذِينَ صَبَرُوٓاْ أَجۡرَهُم بِأَحۡسَنِ مَا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ ۞ مَنۡ عَمِلَ صَٰلِحٗا مِّن ذَكَرٍ أَوۡ أُنثَىٰ وَهُوَ مُؤۡمِنٞ فَلَنُحۡيِيَنَّهُۥ حَيَوٰةٗ طَيِّبَةٗۖ وَلَنَجۡزِيَنَّهُمۡ أَجۡرَهُم بِأَحۡسَنِ مَا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ﴾

«Сизларнинг ҳузурларингиздаги нарсалар йўқ бўлур. Аллоҳ даргоҳидаги нарсалар эса боқийдир. Биз албатта сабр-қаноат этган зотларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз. Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз»*.* (Наҳл 96-97)

Бу – Маккада нозил бўлган, мўминлар қалбида ақидани мустаҳкамлайдиган ва уларни Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун амалга ундайдиган оятларнинг бир мисолидир. Бас, Аллоҳ Таоло уларни Ўз динини яхшилиги қадимги дунёнинг шарқи-ю ғарбига ёйилган давлатда барпо этиш билан мукаррам қилди. Ушбу авлод Қуръонга мана шундай – юнон файласуфларининг тариқати билан эмас – Росулуллоҳ ﷺнинг тариқатлари билан муомала қилди! Сўнгра замон айланиб, фатҳлар кенг ёйилганда мусулмонлар баҳсли фикрларга рўбару бўла бошладилар. Зеро, аҳли китоблар мусулмонларга қарши ушбу фикрлар билан қуролланишар эди; бундан мақсад ҳақиқатни баён қилиш ёки ҳаққа эргашиш эмас, балки мусулмонларга динларини чалкаштириш эди. Шунинг учун, улар юнон фалсафасига мурожаат қилиб, мусулмонлар билан у орқали баҳслаша бошлашди. Натижада Росулуллоҳ ﷺ ва у зотнинг саҳобалари розияллоҳу анҳу даврида ҳеч ким кўтармаган бир қанча масалалар пайдо бўлди, уларнинг орасида Яратувчининг Зоти ва Унинг

сифатлари ҳақида тафаккур қилиш бор эди. Бу ишнинг ортидан мусулмонлар орасида «Калом илми олимлари» деб номланган турли фирқалар пайдо бўлди, жумладан мўътазилийлар, жабарийлар, сўнгра ўзларини аҳли сунна вал жамоа деб номлаган ашъарийлар. Ушбу фирқаларнинг барчаси адашдилар ҳамда Қуръон у билан тушуниладиган ва у орқали ҳужжат қоим бўладиган тўғри йўлни топмадилар. Бунинг бир нечта сабаблари бор эди, жумладан: улар аҳли китобларга раддия беришда Қуръоннинг тўғри йўлига қайтиш ўрнига, юнон фалсафасини ўрганишга киришдилар ва уларнинг андозалари орқали аҳли китобларга раддия бердилар. Сўнгра ўз фикрларига Китоб ва Суннатдан ўзларига мувофиқ келадиган далилларни ҳужжат қилиб келтирдилар, ўзларига хилоф бўлган далилларни таъвил қилдилар. Яна, улар ўз ақлларини тизгинсиз қўйиб юбордилар, натижада ақл идрок эта оладиган нарсаларда ҳам, ақл идрок эта олмайдиган нарсаларда ҳам баҳс юритдилар. Зеро, ақл Аллоҳ Таолонинг борлигини идрок эта олади, лекин Унинг зотини идрок этишдан ожиз. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَّا تُدۡرِكُهُ ٱلۡأَبۡصَٰرُ وَهُوَ يُدۡرِكُ ٱلۡأَبۡصَٰرَۖ وَهُوَ ٱللَّطِيفُ ٱلۡخَبِيرُ﴾

«Кўзлар унга ета олмас. У кўзларга етар! У меҳрибон ва *(ҳар нарсадан)* ***огоҳ Зотдир»***. (Анъом 103)

Демак, Аллоҳ Таборака ва Таолонинг зоти инсон ҳисси доирасига кирмайди. Шундай экан, қандай қилиб ожиз, чекланган мавжудот сезги доирасига кирмаган, Ундан ўзга илоҳ бўлмаган, мутлақ Қодир Зотнинг зотини идрок эта олсин?!

Тўғри фаҳм ақл фикр юритиши мумкин бўлган нарса билан ақл фикр юрита олмайдиган нарса ўртасини ажратишдан келиб чиқиши лозим. Зеро ақл, агар унда тўрт нарса жамлансагина идрок этишга қодир бўлади, улар: воқелик, сезги, боғлашга яроқли мия ва воқелик ҳақидаги аввалги маълумотлар. Агар ақл бирор воқеликни сезги орқали идрок этолмаса, ёки воқелик ҳис идрок этадиган нарсалардан бўлмаса, уни асло идрок этолмайди. Аллоҳнинг сифатлари эса ҳис доирасига кирмайди, балки улар бизга содиқ хабар орқали етган нарсалардир. Бизга Роббимиз

Таборака ва Таолодан Унинг эшитгувчи, кўргувчи ва билгувчи эканининг хабари етди:

﴿مَّا خَلۡقُكُمۡ وَلَا بَعۡثُكُمۡ إِلَّا كَنَفۡسٖ وَٰحِدَةٍۚ إِنَّ ٱللَّهَ سَمِيعُۢ بَصِيرٞ﴾

«(Эй инсонлар), ***сизларни*** *(барчангизни аввал бошда)* ***яратиш ҳам,*** *(қиёмат кунида)* ***қайта тирилтириш ҳам худди бир жонни*** *(яратиш ва қайта тирилтиришнинг)* ***ўзгинасидир*** *(яъни шу қадар осондир).* ***Зеро Аллоҳ эшитгувчи, кўргувчидир»****.* (Луқмон 28)

﴿وَأَسِرُّواْ قَوۡلَكُمۡ أَوِ ٱجۡهَرُواْ بِهِۦٓۖ إِنَّهُۥ عَلِيمُۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ﴾

«(Эй инсонлар), ***сизлар сўзларингизни яширинглар ёки ошкора қилинглар*** *(ҳар ҳолда Аллоҳ билиб турур).* ***Албатта У диллардаги сирларни билгувчидир»****.* (Мулк 13)

Биз бу оятлардан Аллоҳ бизни эшитишини, кўришини, сиримиз ва ошкоримизни билишини, ақлларимиз Аллоҳнинг зоти ҳақида: У қандай эшитади? Қандай кўради? Қандай билади? Унинг эшитиши зотининг бир бўлагими ёки йўқми? Ёки у Унинг зоти ҳам, Ундан ўзга ҳам эмасми?! каби ва шунга ўхшаш нарсаларда асло баҳс юрита олмаслигини тушунамиз. Тўғри фаҳм Аллоҳ Таолонинг сифатларига бўлган иймон фақат қатъий нассдангина олинишидан келиб чиқиши лозим. Чунки иймон гумон устига бино бўлиши асло жоиз эмас. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ ٱلَّذِينَ لَا يُؤۡمِنُونَ بِٱلۡأٓخِرَةِ لَيُسَمُّونَ ٱلۡمَلَٰٓئِكَةَ تَسۡمِيَةَ ٱلۡأُنثَىٰ ۝ وَمَا لَهُم بِهِۦ مِنۡ عِلۡمٍۖ إِن يَتَّبِعُونَ إِلَّا ٱلظَّنَّۖ وَإِنَّ ٱلظَّنَّ لَا يُغۡنِي مِنَ ٱلۡحَقِّ شَيۡـٔٗا﴾

«Албатта охиратга иймон келтирмайдиган кимсалар фаришталарни аёллар номи билан аташади. Ҳолбуки улар учун бу хақда бирон илм-ҳужжат йўқ. Улар фақат гумонга эргашади холос. Аниқки, гумон ҳақиқатдан бирон нарсанинг ўрнига ўтмас!» (Нажм 27-28)

Қуръон Макка мушрикларини фаришталарни аёл жинсида деб сифатлашгани учун қоралади, сўнгра улар ушбу иймонларини бирор қатъий далил устига бино қилмаганларига ишора қилди. Аллоҳ Таборака ва Таолонинг сифатларини тўғри фаҳмлаш Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзларидан келиб чиқиши лозим:

﴿لَيۡسَ كَمِثۡلِهِۦ شَيۡءٞۖ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلۡبَصِيرُ﴾

«Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмас. У эшитгувчи ва кўргувчидир». (Шўро 11)

﴿لَّا تُدۡرِكُهُ ٱلۡأَبۡصَٰرُ وَهُوَ يُدۡرِكُ ٱلۡأَبۡصَٰرَۖ وَهُوَ ٱللَّطِيفُ ٱلۡخَبِيرُ﴾

«Кўзлар унга ета олмас. У кўзларга етар! У меҳрибон ва *(ҳар нарсадан)* ***огоҳ Зотдир»***. (Анъом 103)

﴿سُبۡحَٰنَ رَبِّكَ رَبِّ ٱلۡعِزَّةِ عَمَّا يَصِفُونَ﴾

«Қудрат эгаси бўлмиш Роббингиз улар сифатлаган нарсалардан *(яъни ҳар қандай айбу нуқсондан)* ***покдир»***. (Соффат 180)

Аллоҳ Таолонинг сифатларини тўғри фаҳмлаш мантиқ тақозо этган нарсаларга эмас, араб тили қоидаларига бино бўлиши лозим. Биз Аллоҳ Таоло Ўзи учун исбот қилган сифатни У Ўзи ҳақида зикр этган миқдорда тушунамиз. Қачонки У Ўзи ҳақида билгувчи деб хабар берса, биз ундан Аллоҳ биз яширган ва ошкор қилган нарсани билишини, Аллоҳ олдимиздаги ва орқамиздаги бор нарсани билишини тушунамиз. Бундай тушуниш оятлар шунга далолат қилиб келгани сабаблидир, зеро Роббимиз Таоло айтади:

﴿وَٱللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٞ﴾

«Ва Аллоҳ эшитгувчи ва кўргувчидир». (Оли Имрон 34)

﴿رَبَّنَآ إِنَّكَ تَعۡلَمُ مَا نُخۡفِي وَمَا نُعۡلِنُۗ وَمَا يَخۡفَىٰ عَلَى ٱللَّهِ مِن شَيۡءٖ فِي ٱلۡأَرۡضِ وَلَا فِي ٱلسَّمَآءِ﴾

«Парвардигоро, албатта Сен бизлар яширган нарсани ҳам, ошкор қилган нарсани ҳам билурсан, Аллоҳ учун ер ю осмондаги бирон нарса махфий эмасдир». (Иброҳим 38)

﴿يَعۡلَمُ مَا بَيۡنَ أَيۡدِيهِمۡ وَمَا خَلۡفَهُمۡۖ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيۡءٖ مِّنۡ عِلۡمِهِۦٓ إِلَّا بِمَا شَآءَۚ﴾

«У уларнинг олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани билади. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар». (Бақара 255)

Аллоҳ Таолонинг сифатлари тавқифийдир, шунинг учун уларга нассда келмаган бирор нарсани қўшишимиз ва нассда келмаган тафсилотларни шарҳлашимиз жоиз эмас. Калом илми уламолари Аллоҳнинг сифатлари ҳақида сўз юритишда мантиқ тузоғига

тушиб қолдилар. Улар сифат ва мавсуф (сифатланувчи) ҳақида: сифат мавсуфнинг айнан ўзими ёки у зотдан ташқари қўшимча бир маъноми, деган каби баҳслар юрита бошладилар. Булар Қуръон манҳажига эмас, мантиқ манҳажига асосланган баҳслар эди.

Аллоҳ Қуръонни араб тилида нозил қилди ва Қуръон шу тил билан тушунилади. Роббимиз Таборака ва Таоло айтади:

﴿قُرۡءَانًا عَرَبِيًّا غَيۡرَ ذِي عِوَجٖ لَّعَلَّهُمۡ يَتَّقُونَ﴾

«(Биз уни) ***бирон эгрилик эгаси бўлмаган арабий Қуръон ҳолида*** *(нозил қилдик).* ***Шояд*** *(Аллоҳдан)* ***қўрқсалар»***. (Зумар 28)

Шундай экан, араб тили ва у далолат қилган маънолар юнон файласуфлари қўллаган мантиққа алмаштирилмайди, чунки бу очиқ-ойдин залолатдир! Улар Ҳаким Қуръоннинг кўплаб оятларини муҳокама қилиб, уларни мантиққа бўйсундирдилар ва қайсарлик билан тил қоидаларига бўйсундиришни рад этдилар. Натижада Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзи тафсирида Аллоҳ учун қўлни исбот қилиш ёки уни инкор этиш устида ўзаро ихтилоф қилдилар:

﴿إِنَّ ٱلَّذِينَ يُبَايِعُونَكَ إِنَّمَا يُبَايِعُونَ ٱللَّهَ يَدُ ٱللَّهِ فَوۡقَ أَيۡدِيهِمۡۚ فَمَن نَّكَثَ فَإِنَّمَا يَنكُثُ عَلَىٰ نَفۡسِهِۦۖ وَمَنۡ أَوۡفَىٰ بِمَا عَٰهَدَ عَلَيۡهُ ٱللَّهَ فَسَيُؤۡتِيهِ أَجۡرًا عَظِيمٗا﴾

«(Эй Муҳаммад), ***дарҳақиқат сизга байъат берадиган зотлар ҳеч шак-шубҳасиз Аллоҳга байъат берурлар. Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устида бўлур. Энди ким*** *(ўз байъатини)* ***бузса, бас, у фақат ўз зиёнига бузур. Ва ким Аллоҳ билан аҳд-паймон қилган нарсасига вафо қилса, у ҳолда*** *(Аллоҳ)* ***унга улуғ ажр-мукофот ато этур»***. (Фатҳ 10)

Ҳолбуки, бу оят Аллоҳнинг сифатларига далил қилинадиган оятлардан эмас, у Аллоҳ учун қўлни исбот қилиш ёки уни инкор этиш баҳсининг ўрни эмас. Бу ерда «қўл» лафзининг келтирилиши мажозий қўлланишдир. Бу эса араб тилининг мажоз ва унинг қариналарини тасдиқлаш усули асосидадир. Лафзнинг ўзи ўз далолатига кўра зоннийдир. Демак, у сифатларга далил қилинмайди. Табарий бу оятнинг тафсирида шундай деган: «Унинг: «Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир» деган сўзида таъвилнинг икки жиҳати бор. Бири: байъат вақтида

Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устида эди, чунки улар ўзларининг Набий ﷺга берган байъатлари билан Аллоҳга байъат бераётган эдилар. Иккинчиси: Росул ﷺга ёрдам беришда Аллоҳнинг қуввати уларнинг қуввати устида эди, чунки улар Росулуллоҳ ﷺга душманга қарши ёрдам бериш учун байъат берган эдилар». Қуртубий тафсирида айтади: «Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир», бу оят тафсирида шундай дейилган: савобда Унинг қўли вафо қилишдаги уларнинг қўллари устидадир, уларни ҳидоят қилиш билан марҳамат кўрсатишда Унинг қўли уларнинг тоатдаги қўллари устидадир. Калбий айтди: Унинг маъноси: Аллоҳнинг уларга неъмати улар берган байъат устидадир. Ибн Кайсон деди: Аллоҳнинг қуввати ва нусрати уларнинг қуввати ва нусрати устидадир».

Ибн Касир ўз тафсирида айтади: «Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир», яъни: У улар билан бирга ҳозир бўлиб, уларнинг сўзларини эшитади, жойларини кўради, уларнинг ичлари ва ташларини билади. У Зот Ўз Росули ﷺ воситасида байъат олувчидир. Бу Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзига ўхшайди:

﴿إِنَّ ٱللَّهَ ٱشۡتَرَىٰ مِنَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ أَنفُسَهُمۡ وَأَمۡوَٰلَهُم بِأَنَّ لَهُمُ ٱلۡجَنَّةَۚ يُقَٰتِلُونَ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ فَيَقۡتُلُونَ وَيُقۡتَلُونَۖ وَعۡدًا عَلَيۡهِ حَقّٗا فِي ٱلتَّوۡرَىٰةِ وَٱلۡإِنجِيلِ وَٱلۡقُرۡءَانِۚ وَمَنۡ أَوۡفَىٰ بِعَهۡدِهِۦ مِنَ ٱللَّهِۚ فَٱسۡتَبۡشِرُواْ بِبَيۡعِكُمُ ٱلَّذِي بَايَعۡتُم بِهِۦۚ وَذَٰلِكَ هُوَ ٱلۡفَوۡزُ ٱلۡعَظِيمُ﴾

«Албатта, Аллоҳ мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди, улар Аллоҳ йўлида жанг қилиб *(кофирларни)* ***ўлдирадилар ва*** *(ўзлари ҳам Аллоҳ учун шаҳид бўлиб)* ***ўлдириладилар.*** *(Бундай мўминларга жаннат берилишига)* ***Аллоҳ Таврот, Инжил ва Қуръонда Ўзининг ҳақ ваъдасини бергандир. Аллоҳдан ҳам аҳдига вафодорроқ ким бор? Бас,*** *(эй мўминлар),* ***қилган бу савдоларингиздан шод бўлингиз. Мана шу ҳақикий буюк бахтдир»****.* (Тавба 111)

Ибн Абу Ҳотим айтди: бизга Али ибн Ҳусайн айтди, бизга Фазл ибн Яҳё Анборий айтди, бизга Али ибн Баккор Муҳаммад ибн Амрдан, у Абу Саламадан, у Абу Ҳурайрадан нақл қилди, айтди:

Росулуллоҳ ﷺ дедилар: **«Ким Аллоҳ йўлида қиличини қинидан чиқарса, батаҳқиқ Аллоҳга байъат берибди»**.

Албатта бу мавзуларда баҳс қилган кимсалар ўз баҳсларида хато қилдилар, лекин Аллоҳ Таолога куфр келтирмадилар. Чунки улар Аллоҳни Робб, яратувчи, ҳукм қилувчи, назорат қилувчи, эшитувчи, кўрувчи, сақловчи ва иҳота қилгувчи деб иймон келтирдилар. Улар ижтиҳод қилдилар ва Қуръонни тушуниш тариқатидаги хатолари сабабли ўз натижаларида хато қилдилар. Демак, улар тўғри қилган ёки хато қилган Исломий фирқалардир, уларнинг кўпи йўқ бўлиб кетди ёки деярли йўқ бўлди. Бугунги Уммат ўша даврдаги Умматдан фарқ қилади, зеро у бугун Халифалик давлатидаги ўз бирлиги сари шиддат билан қадам ташламоқда. Шунинг учун, ушбу фирқаларнинг йўқ бўлиб кетган баҳсларини тирилтириш орқали бу Умматни хор қилиш, умидсизликка солиш, парчалаш ва унинг устидан бирини кофирга, бошқасини бидъатчига чиқарадиган ҳакамларга айланиб қолишдан эҳтиёт бўлинглар! Аксинча амал қилинглар, ижтиҳод қилинглар ва Ислом давлатини барпо этиш учун тезроқ отланинглар, токи Ислом давлати ўзининг соф минҳожи билан ушбу масалаларни Набий ﷺ муолажа қилганларидек муолажа қилсин. Сифатлар мавзусининг хулосаси шуки, Аллоҳнинг сифатлари тавқифийдир. Бу борада қатъий нассларда келган нарсаларни нассда келган миқдордагина зикр этамиз, бундан бошқача эмас. Нассда келмаган бирор сифатни зиёда қилишимиз ҳам, бирор сифатни қатъий нассда келганидан бошқача шарҳлашимиз ҳам асло жоиз эмас.

Эй ёшлар, амал авлоди бўлинглар, баҳс-мунозара авлоди бўлманглар! Абу Умома Боҳилийдан ривоят қилинади, Росулуллоҳ ﷺ дедилар: **«Бир қавм ҳидоятда бўлганидан кейин фақат баҳс-мунозара (жадал) сабаблигина адашдилар»**, сўнгра ушбу оятни тиловат қилдилар:

﴿بَلۡ هُمۡ قَوۡمٌ خَصِمُونَ﴾

«Балки улар хусуматчи қавмдирлар». (Зухруф 58)

(Саҳиҳ Ибн Можа, 48). Аллоҳ сизлар билан бирга.

АЛЛОҲНИНГ БОРЛИГИНИ ИСБОТЛАШ ДАЛИЛЛАРИНИНГ МУҚАДДИМАЛАРИ

Юсуф Сорисий – Фаластин

АҚШ Ислом оламида атеизмни ёйишга ҳаракат қилмоқда:

Америка Исломий муносабатлар кенгаши (CAIR) 2022 йил июль ойида АҚШнинг Ислом оламида атеизмни тарғиб қилиш дастуридан жиддий хавотир билдирган эди. АҚШ Давлат департаментининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат бюроси маълумотларига кўра, маблағлар «кўзланган давлатлардаги барча диний тоифалардан бўлган атеистлар, гуманистлар, динга амал қилмайдиганлар ва ҳеч бир динга мансуб бўлмаганларнинг турли ижтимоий қатламларини ҳимоя қилувчилар тармоқлари»ни ташкил этиш ва мустаҳкамлаш учун сарфланади. Давлат департаменти бу фаолиятлар Яқин Шарқ, Шимолий Африка, шунингдек, Жанубий ва Марказий Осиёда олиб борилишини белгилаган.

Шу сабабли, мусулмонлар, хусусан даъватни кўтариб чиқувчилар АҚШ ва унинг малайларининг Аллоҳнинг динига қарши олиб бораётган курашига ҳақ сўзлари билан қарши туришлари, уларнинг ботилини барбод қилишлари зарур. Бу мақола шу мақсадда ёзилди.

Муқаддима:

Бизга фикрий жиҳатдан мухолиф бўлганлар билан баҳс-мунозара қилганда, улар билан мунозара қилиш учун умумий асос бўлиши лозим. Зеро, иймон келтирган мусулмон билан бўладиган баҳс Яратувчини инкор этувчи даҳрий билан баҳсдан фарқ қилади, насроний билан баҳс эса марксист билан баҳсдан фарқ қилади ва ҳоказо. Биз бу ерда назарда тутган умумий асос – баҳслашувчи икки томон баҳс-мунозара учун мезон ва асос сифатида қабул қиладиган мусалламотлар, яъни баҳсда олдиндан қабул қилинган ва эътироз қилинмайдиган ҳақиқатлардир. Бу мусалламотлар баҳс

давомида муҳокама қилинадиган масалалар учун мезон сифатида қўлланади. Бу иш умумий нуқталарга ёки шу умумий асосга таянган фикрларга етиш мақсадида амалга оширилади.

Мухолиф мазҳабга эргашган мусулмон баҳс қилинаётган ҳар қандай масала учун Қуръон ва Суннатни манба деб тан олади, лекин у сиз билан мўътабар усули фиқҳ далилларида ихтилоф қилиши мумкин. Аммо атеист буларнинг барчасини инкор этади ва Аллоҳнинг борлигини ҳам умуман тан олмайди. Насроний эса Аллоҳнинг борлигини, пайғамбарлар ва росулларни тан олади, лекин Қуръонга ва Ислом Пайғамбари ﷺга иймон келтирмайди.

Шундай қилиб, ҳар бир шахс билан бўладиган баҳс-мунозара икки томон ҳам эътироф этадиган муайян мусалламотлардан бошланиши лозим. Шундагина баҳс ҳақиқат ва тўғри хулосага эришиш мақсадида самарали ва натижали бўлади.

Атеистлар билан баҳс қилиш учун зарур бўлган мусалламотлар:

Аллоҳнинг борлиги масаласини атеистлар ёки шубҳа қилувчилар билан ақлий йўл билан баҳс қилмоқчи бўлган киши баҳсга киришишдан олдин риоя қилинадиган ва асослари белгилаб олинадиган асослар ва усулларни тақдим этиши лозим. Шунда Аллоҳнинг борлигини исботлаш учун тақдим этиладиган далиллар пухта, ҳеч қандай бўшлиғи бўлмаган ва баҳсдаги мухолифларни ҳам уларни қабул қилишга мажбур этадиган далиллар бўлади.

Биз ушбу мақолада атеистлар, инкор этувчилар ёки Аллоҳнинг борлигига шубҳа қилувчилар билан баҳслашиш ва уларга қарши ҳужжат келтиришда зарур бўладиган мусалламотларга тўхталамиз. Зеро, улар билан баҳсни аввало ўзимиз ва улар ўртасида муштарак бўлган, ҳар икки томон қабул қиладиган мусалламотлардан бошлашимиз лозим. Бу мусалламотлар Қуръон ва Суннатдан олинган нақлий далиллар эмас, усули фиқҳ илми ҳам эмас. Балки улар биз билан мухолифларимиз ўртасидаги бошқа бир муштарак асосдир. Бу – ақл, унинг асосий мезонлари, фикрлаш шартлари ва ақлий далилни барпо этиш кайфиятидир.

Дин асослари ёки ақида масалаларида Аллоҳнинг мавжудлиги ва сифатларини ақлий йўл билан исботлаш учун келтириладиган далилларни, жумладан, чекланганлик далили, муҳтожлик далили, иноят далили ва шу каби бошқа далилларни диққат билан тафаккур қилиб кўрсак, улар муайян ақлий мезонларга ҳамда далиллар таркибида мавжуд бўлса-да, яширин қолган ёки очиқ баён этилмаган айрим назарий асосларга таянишига амин бўламиз. Биз эса бу асосларни очиб беришимиз ва уларни аниқ баён қилишимиз лозим. Зеро, булар мусалламотлар ҳисобланиб, хоҳ бадаҳий, яъни ақл ўз-ўзидан англайдиган ҳақиқатлар бўлсин, хоҳ аслий, яъни асосий қоидалар бўлсин, ақлли кишилар ўртасида улар борасида ихтилоф бўлмайди. Демак, баҳслашаётган томонлар учун муштарак асос фақат ақлий далиллар ва уларнинг муқаддималаридан иборат.

Далилларнинг муқаддималари:

Ақлнинг воқелиги, ақлий далиллар ва далил келтириш услуби кўпчилик одамларда, айниқса, фикрий адашганлар, атеистлар ва шубҳа қилувчиларда аниқ ва етарлича шаклланган эмас. Шунинг учун Аллоҳнинг борлигини инкор этувчи ёки унга шубҳа қилувчи кимса билан баҳсни бошлашдан олдин, Аллоҳнинг борлигини исботлаш далилларига киришмай туриб, у билан бир қатор ақлий муқаддималар борасида келишиб олиш зарур. Чунки баҳс давомида у биз қатъий деб қабул қилган айрим масалаларга қўшилмаслиги, уларни қатъий эмас деб ҳисоблаши ёки умуман тан олмаслиги мумкин. Масалан, биз: «Яратувчи яратилмаган бўлиши лозим, Унинг яратилган бўлиши ақлан ботилдир» деганимизда, зиддиятнинг ботиллиги ва сифатларнинг ўзаро боғлиқлиги каби ақлий муқаддимага таянамиз, у эса бунга эътироз билдириши мумкин. Чунки у мажбурловчи хулосадан қочиш учун ундан чиқиб кетишда фойдаланиши мумкин бўлган бирор бўшлиқ топишни истайди. Шунинг учун баҳсга киришишдан олдин уни мазкур муқаддималарни тан олишга мажбур қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу сабабли, талаб қилинган ақлий далилга замин ҳозирлаш учун муайян мусалламотлар борасида келишиб олиш зарур бўлиб қолди. Улар – далилнинг моҳияти ва далиллар муқаддималаридан иборат. Далилнинг моҳияти деганда исботлаш учун талаб қилинадиган далил нимадан иборат эканини назарда тутамиз. Бунда мазкур далил ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада қатъий бўлиши лозим. Зеро, иймон келтириш учун Бану Исроил Мусодан:

﴿فَقَدۡ سَأَلُواْ مُوسَىٰٓ أَكۡبَرَ مِن ذَٰلِكَ فَقَالُوٓاْ أَرِنَا ٱللَّهَ جَهۡرَةٗ﴾

«Мусодан бундан ҳам каттароқ нарсани сўрашган эди: «Бизга Аллоҳни очиқ кўрсат», дейишган эди». (Нисо 153)

деб талаб қилганидек, Яратувчини очиқ кўриш талаб қилинмайди.

Талаб қилинган далил келтириш жараёни маълум бир нарсадан келиб чиқиб, номаълум нарса ҳақида билим ҳосил қилиш билан бўлади. Чунки далилнинг маъноси бошқа нарсага йўл кўрсатувчи воситадир. Демак, далил – ғойиб ёки олдиндан маълум бўлмаган ишга, яъни Аллоҳни таниш ва ғайбга иймон келтиришга етиш учун – маълум ишдан, яъни ҳиссий идрок этиладиган нарсаларни ҳис қилишдан келиб чиқиши лозим. Бошқача айтганда, далиллаш жараёнининг бошланиши мантиқий муқаддималар ёки фалсафий шубҳа эмас, балки ҳиссий идрокка таяниш бўлиши, шунингдек ақлий далил ва фикрлаш шартлари қабул қилиниши лозим.

Аммо рақиб билан иттифоқ қилинган, мусаллам масалалар сифатида ишлатадиган нарса, яъни муқаддималарга келсак, улар бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

Бадаҳийлар, аслийлар, сабабият, сифатларнинг ўзаро боғлиқлиги

Ушбу муқаддималарнинг моҳияти ойдинлашиши ва уларнинг аҳамияти англаб етилиши учун уларни қисқача шарҳлаб ўтамиз.

Биринчи: бадаҳийлар:

Бадаҳийлар – улар биринчи қоидалар деб ҳам аталади – ақлий далилларнинг тўғрилигини баҳолаш мезонларидир. Уларнинг бадаҳий деб аталиши бевосита фикрлаш қонунларига таяниши билан боғлиқ. Фикрлашда «мутобақа» (мувофиқлик) қонуни бор

бўлиб, ундан зиддиятнинг ботиллиги ҳақидаги бадаҳий келиб чиқади. Шунинг учун, далиллар бир-бирига зид бўлмаслиги лозим. Шунингдек, исботлар чексиз кетма-кет бўлмаслиги (чексиз кетма-кетлик, яъни тасалсулнинг ботиллиги), ўз атрофида айланмаслиги (айланишнинг ботиллиги), бирор нарсанинг уни устун қилувчи асос бўлмасдан бошқа нарсадан устун келиши мумкин эмаслиги ва ҳар бир ҳодисанинг фоили (бажарувчиси) борлиги ҳақидаги бадаҳийлар ҳам мавжуд. Бу охирги қоида сабабият тамойили деб аталади. Яна сабабиятнинг акси бўлган барқарорлик (истиқрор) бадаҳийси ҳам бор. Ақлий далилни тузиш жараёнида биз айнан шу бадаҳийлар мажмуасига таянамиз. Далил ушбу қоидаларга мувофиқ бўлиши ва уларга зид келмаслиги лозим. Акс ҳолда, у ақлий далил ҳисобланмайди ёки ақлга мувофиқ келмайди.

Бадаҳийлар исботлашга муҳтож бўлмаган, балки ақл уларнинг маъноларини тасаввур қилгандан кейин уларни бевосита қабул қиладиган қоидалардир. Шу маънода, улар мусалламотлардир. Бу ерда мақсад уларни исботлаш эмас, балки айрим мисоллар келтириш орқали тушунтириш ва шарҳлаш, шу тариқа уларга тегишли истилоҳ борасида ўзаро келишиб олишдир. Масалан, зиддиятнинг ботиллиги бадаҳийсини тушунтириш учун бир нарсанинг ўзида мавжудлик ва йўқликнинг жамланиши, ёки бир мавжудотнинг бир вақтнинг ўзида ҳам тирик, ҳам ўлик бўлиши, ёхуд бир жисмнинг бир вақтнинг ўзида ҳам ёруғ, ҳам қоронғи бўлиши мумкин эмаслиги каби мисоллар келтирилади. Бир вақтнинг ўзида жамланиши мумкин бўлмаган ушбу зиддиятли ишлар ақл қабул қилмайдиган имконсиз ишлардандир. Акс ҳолда, рост ва ёлғон бир хил, ҳақ ва ботил эса тенг бўлиб қолар эди. Ҳолбуки, улар бир-бирининг зидди бўлиб, ҳеч қачон жамланмайди. Шунингдек, бир нарсанинг айни бир лаҳзада икки хил жойда мавжуд бўлиши ҳам мумкин эмас. Масалан, агар сен ҳозир менинг қаршимда Қуддусда бўлсанг, айни шу вақтда Дамашқда бўлишинг мумкин эмас. Бунга яна бир нарсанинг ҳам чекланган, ҳам чекланмаган, ёки бир вақтнинг ўзида ҳам ожиз,

ҳам қодир бўлиши мумкин эмаслигини ҳам мисол қилиб келтириш мумкин ва ҳоказо.

Фикрлар ва ақидалар соҳасида зиддиятнинг ботиллигини татбиқ этиш қаторига насронийларнинг «Масиҳ – Аллоҳнинг ўғли ва у айни вақтда Аллоҳ билан бирга азалийдир» деган даъволари киради. Бу ақл қабул қилмайдиган зиддият ҳисобланади. Чунки ўғилнинг воқелиги унинг туғилган экани, яъни ўз отасидан кейин вужудга келганидир. Бошқача айтганда, ота унинг мавжуд бўлишига сабабдир. Демак, у муайян бир вақтда мавжуд бўлмаган, сўнгра вужудга келган. Бу эса азалийлик фикрига зиддир. Чунки азалий деб мавжудлигининг бошланиши бўлмаган ва ўзидан олдин ҳеч ким уни вужудга келтирмаган зотга айтилади. Шу сабабли ақл ушбу зиддиятли далилни рад этади, бинобарин, ушбу фикрга иймон келтиришни мақбул ва ақлга мувофиқ деб ҳисобламайди.

Аммо тасалсулнинг ботиллиги бадаҳийсига келсак, унга машҳур мисоллардан бири – бир аскарнинг милтиғидан ўз қаршисидаги кишига ўқ узишидир. Лекин аскар бу буйруқни ўзидан масъул бўлган офицердан олиши керак. Биринчи офицер буйруқни ўзидан юқори унвонга эга офицердан олади, юқори унвонли офицер эса буйруқни ўзидан янада юқори турган шахсдан олади ва шу тариқа буйруқлар занжири чексиз давом этади. Ақл бундай тасалсулни қабул қилмайди. Чунки модомики ўқ аскар томонидан узилган ва нишонга теккан экан, демак, бу занжирдаги шахслардан бири буйруқ берган бўлиши муқаррар. Бу занжир чексиз эканини даъво қилиш эса, шубҳасиз, ботилдир ва ақл буни қабул қилмайди. Чунки бу даъво аскар ўқ узиши учун занжирнинг чексиз давом этишини кутиш кераклигини англатади. Бу эса ҳодиса ҳалигача содир бўлмаганини ёки мазкур занжир аслида мавжуд эмаслиги ва умуман зарур ҳам эмаслигини англатади. Модомики ўқ узилган экан, демак, занжирдаги шахслардан бири буйруқ берган, ёки қотил аскар ўз ташаббуси билан ҳаракат қилган бўлиши лозим. Шунинг учун чексиз тасалсул ботил ҳисобланади.

Фикрлар майдонида тасалсулнинг ботиллиги бадаҳийсини татбиқ этиш қаторига: «коинотни яратган зот биринчи яратувчидир, ушбу биринчи яратувчини иккинчи яратувчи яратган, иккинчи яратувчини эса учинчи яратувчи яратган ва шу тариқа яратувчилар занжири чексиз давом этади», деб айтилиши киради. Бу ақлан имконсиз ва ботилдир. Демак, ё бу занжир бошиданоқ мавжуд эмас, ёки у умуман зарур эмас. Зеро, модомики коинот мавжуд экан, уни пайдо қилган Яратувчиси бўлиши вожиб ва занжирнинг узил-кесил бир ниҳояси бўлиши муқаррар. Бошқа томондан, зиддиятнинг ботиллиги бадаҳийсига таяниб айтганда, бир нарсанинг бир вақтнинг ўзида ҳам яратувчи, ҳам яратилган бўлиши имконсиздир. У ё яратувчи бўлади, ёки яратилган бўлади. Ҳар икки бадаҳийни бирлаштириш орқали биз шундай хулосага келамиз: яратувчилар занжири мавжуд эмас ва у асло лозим ҳам эмас, балки мавжуд бўлган Зот – ягона бир Яратувчидир ва У яратилмаган бўлиши вожиб.

Иккинчи: Аслийлар:

Аслийлар – нарсаларнинг зотида ёки уларнинг ҳолатларида бошидан собит бўлган ҳукмлардир. Улар нарсаларнинг табиатида ва ҳолатларида собит бўлган ишлардир, улар ақлда бошидан мавжуд бўлиши шарт эмас. Аслни ушлаш қоидаси усули фиқҳ илмида машҳур қоидадир.

Аслийлар уларни исботлаш учун далилларга муҳтож эмас. Исбот, далил ва ҳужжатга муҳтож бўлган нарса – уларга зид бўлган ҳолат, яъни уларнинг асл ҳолатидан чиқиб бошқа ҳолатга ўтишидир. Шунинг учун, нарсаларнинг мавжудлиги, сифатлари ва ҳолатларини ўрганиш ҳамда уларга далил келтиришда биз мазкур аслийларни асос қилиб оламиз. Бунда нарсаларни ўзининг асл ҳолатига нисбат бериш собит бўлиб, бу борада баҳс қилинмайди. Чунки ақлда ушбу аслга зид бўлган ҳолатни воқелик сифатида тасаввур қилиш қатъий равишда рад этилади ва бунда ҳеч қандай шубҳа йўқ. Шунга кўра, аслийларни исботлаш учун уларга зид бўлган ва қатъий рад этиладиган ҳолатни тасаввур қилишга ёрдам берадиган мисолларни келтиришнинг ўзи кифоя.

Аслий қоидалардан айримлари қуйидагилардан иборат:

Ҳис қилинадиган моддий нарсалардаги асл – мавжуд эмасликдир, уларнинг мавжудлигини қатъий далил билан исботлаш керак.

Нарсалардаги асл – уларнинг барқарор бўлиб, ўзгармаслигидир. Улар ўзгаришга табиий равишда қаршилик кўрсатади. Бу барқарорлик тамойили деб аталади.

Нарсаларнинг барқарорлик ва ожизлик ҳолатидан чиқиши уларнинг ҳолатини ўзгартиришга таъсир кўрсатувчи сабабий энергияни қабул қилиши орқали содир бўлади.

Нарсалар ҳаракатидаги асл – тартибсизлик ва тасодифийликдир, улар фақат куч билан мажбурлаб тартибга солинади ва интизомга келтирилади. Тартибга солувчи куч тизимни ташкил этувчи қисмлар ўртасида боғланиш ва алоқалар пайдо қилиш орқали сабабий тизимларни вужудга келтиради. Бу эса муайян бир андоза асосида тартибни пайдо қилиш ёки қисмларни муайян бир ғоявий вазифани бажариши учун белгиланган тарзда тартибга солиш мақсадида улар ўртасини боғлашда сабабий энергия сарфлаш билан бўлади.

Нарсалардаги асл – жонсизлик ҳолати, яъни ҳаётнинг йўқлигидир. Шунинг учун тирик мавжудотларда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва давом этиши учун муайян сабаб зарур. Зеро ҳаёт тирик мавжудотларда мавжуд бўлган фавқулодда ва вақтинчалик ҳолатдир. Улар ўзларининг дастлабки ҳолатига, яъни ҳаётнинг йўқлиги ёки ўлим ҳолатига қайтиш муқаррар.

Инсон ақлидаги асл – билмаслик ҳолатидир. Илм эса унда кейинчалик пайдо бўладиган ҳолат бўлиб, уни эгаллаш ва бошқалардан ўрганиш зарур.

Ҳайвон миясидаги асл – ақл ва фикрлашнинг йўқлиги ҳамда заковат ва онгли боғлашнинг мавжуд эмаслигидир. Ҳайвоннинг хатти-ҳаракатлари тушунчалардан холи бўлган инстинктив фарқлаш қобилияти натижасида юзага келади.

Инсондаги асл – айбсизликдир. Уни муайян бир (салбий ёки ижобий) ишни қилганликда айблаш учун далил керак.

Аслийлар ақлий бадаҳийларга ўхшайди, бироқ улардан фарқли равишда ақлда эмас, нарсаларнинг табиати ва уларнинг аҳволларида мавжуд.

Аслийлар баъзи далиллардаги бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилиши сабабли ҳам муҳимдир. Айримлар ана шу бўшлиқлардан фойдаланиб, ҳужжатларни рад этишга уринадилар. Масалан, кўп коинотлар фикри бир бўшлиқдир. Айрим атеист астрономлар ниҳоятда аниқ тартибга солинган коинотнинг уни тартибга солган Яратувчига муҳтожлигини бу бўшлиқ билан инкор қилишга уринади. Бу бўшлиқ «Нарсалардаги асл – токи уларнинг мавжудлиги қатъий исботланмагунча – мавжуд эмасликдир» деган қоида билан тўлдирилади. Шунинг учун биз ҳис этган коинотдан бошқа коинотлар ҳам бор, деб даъво қилган киши уларнинг борлигини қатъий далил билан исботлаши лозим. Чунки бу даъво аслга зиддир. Агар у далил келтира олмаса, унинг даъвоси ботил бўлади ва у айтган бошқа коинотларнинг борлигига ҳеч қандай далил йўқ.

Шунингдек, инсон ақлидаги асл – илмдир, жоҳиллик эмас, деган фикрни ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. Агар ушбу даъво тўғри бўлганида эди, ҳар бир инсон олим бўлиб туғилган бўларди ва ўрганишга муҳтож бўлмас эди. Бу эса ақл мутлақо қабул қилмайдиган тасаввур бўлиб, воқеликка бутунлай зиддир ва ҳоказо.

Аслийлардан фойдаланиб, дарвинизмнинг эволюция назариясига «Нарсалар ҳаракатидаги асл – тартибсизлик ва тасодифийликдир, улар фақат мажбурлаб тартибга солинади ва интизомга келтирилади» деган қоида орқали раддия берилади. Бу фикрни энтропия қонуни ёки термодинамика илмининг иккинчи қонуни тасдиқлайди. Унга кўра тизимлар доимо янада кўпроқ тартибсизликка мойил бўлади ва тартибга солиш амалиёти мутлақо орқага қайтмайди. Шунинг учун Дарвиннинг эволюция назарияси ва ва Карл Маркснинг тарихий тараққиёт назарияси каби бошқа даъво қилинган тараққиёт назариялари аслийларга ҳамда энтропия қонунига қатъий зид, деб ҳисобланади. Шунга

кўра, нарсаларнинг асл ҳолати ўз-ўзидан тартибга келмасликдан иборат, яъни даъво қилинаётган эволюция тескари ва нотўғри йўналишдаги жараёндир. Агар нарсаларнинг асл хусусияти ўз-ўзидан тартибга келиш бўлганида, коинотда ҳеч қандай тасодифий ҳодисаларни учратмаган бўлар эдик. Ваҳоланки, атрофимиздаги айрим нарсаларда табиий омиллар таъсирида юзага келадиган, муайян мақсадга қаратилмаган тасодифий ҳодисаларнинг мавжудлиги уларнинг фикрини рад этади ва ҳаракатдаги асл тасодифийлик эканини исботлайди.

Аслийлардан яна бири – «Даъво қилган одам далил келтириши лозим» қоидасидир. Масалан, бир киши муайян бир эркакнинг фарзандлари борлигини даъво қилди, аммо буни исботлайдиган далил келтира олмади. Бундай ҳолатда даъво исботланмагани учун аслнинг ҳукмига қайтамиз, у ҳукм йўқликдир. Яъни, аслида ҳар қандай эркакнинг аввал-бошидан хотинлари ва фарзандлари мавжуд эмас. Бунинг акси бўлган, яъни барча эркакларнинг аввал-бошидан хотинлари ва фарзандлари бўлган ҳолатни тасаввур қилишнинг ўзи воқеликка ва ақлга зиддир. Демак, далил талаб қилинади ва уни даъво қилувчи келтириши лозим. Етарли ҳужжат ёки далил бўлмаса, даъво соқит бўлади. Лекин оталик масаласи бунинг аксидир, зеро боланинг мавжудлиги унинг ота-онаси борлигига қатъий далилдир, чунки фарзанд мавжуд экан, унинг вужудга келишини таъминлаган сабаб ҳам бўлиши зарур.

Учинчи: Сабабият:

Сабабият юқорида зикр этилган ақлий бадаҳийларнинг бир қисми ҳисобланади. Бироқ сабабиятнинг иккинчи тури ҳам бўлиб, у воқеий ёки табиий сабабият деб аталади. Бу сабабият ақлий сабабиятга тўлиқ мувофиқ келади. Чунки Аллоҳ Таоло коинотни сабабият тизими асосида яратди ва ақлни яратиб, унда сабабий боғланишни жорий қилди. Шунинг учун ақлий сабабият билан воқеий сабабият ўртасида мувофиқлик мавжуд.

Лекин табиий сабабиятнинг айрим тафсилотлари ва қоидалари бор бўлиб, сабаб билан натижа ўртасидаги сабабий боғланиш тўғри ва тартибли бўлиши учун уларни ойдинлаштириш лозим.

Оддий сабабият, сабабий тизим ва инсонга хос сабабият мавжуд. Уларнинг тафсилоти қуйидагича:

Оддий сабабият

Нарсалар ўзлари турган барқарор ҳолатни ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай жараёнга қаршилик кўрсатади. Уларнинг вазияти ва ҳолатини ўзгартира оладиган омил эса сабаб деб аталади. Бу иш у муайян бир лаҳзада таъсир кўрсатувчи энергияга эга бўлиб, таъсирланиш қобилиятига, яъни муносиб хусусиятларга эга бўлган нарсаларни бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтказа олади. Сабаб самарали бўлиши учун унга таъсир кўрсатишда ёрдам берадиган бошқа омиллар билан ҳамкорлик қилиши керак. Бу омиллар – «шартлар»дир. Сабабий таъсир амалиётининг ортидан натижа (мусаббаб) келиши муқаррар. Сабабий таъсирнинг асоси сабабий энергиянинг мавжудлигидир ва у тугаши билан сабабнинг таъсири ҳам тугайди. Шарт учун эса бу ҳолат зарур эмас.

Сабабий тизим

Тизим муайян мақсадга эришиш ёки белгиланган вазифани бажаришга хизмат қиладиган дастурлаш асосида тартибли равишда бирлаштирилган қисмлар ва уларни ўзаро боғлаб турувчи алоқалар мажмуасидан ташкил топади. Нарсалар тизим ва чекловдан чиқишга, тартибсизлик ва тасодифийликка мойил бўлади. Шунга кўра улар тартибга келиш ва ришталар шакллантириш учун ўз-ўзидан ўзаро ҳамкорлик қилмайди. Шунинг учун тизимнинг аввал-бошидан мавжуд бўлиши унинг қисмларини бирлаштирадиган ва тизимни яратувчиси кўзлаган вазифани бажариши учун дастурлаштирадиган сабабга муҳтож. Масалан, қурилган бино – тизим, стол – тизим, сув канали ҳам тизим ва ҳоказо.

Сабабий тизим эса оддий, барқарор тизимдан таъсир кўрсатувчи сабабий энергияга эга экани, муайян ишни бажариши ва бошқа нарсаларда ўзгариш ҳосил қилиши билан фарқ қилади. Бунга автомобил ва музлатгич каби механик тизимлар, шунингдек, инсон танаси каби тирик тизимлар мисол бўла олади.

Мен атеизмга яқин бўлган шубҳа қилувчи бир кишига шундай савол бердим: Нега сен табиат ўз-ўзидан бир стол ёки машина пайдо қилиши ёки ривожлантириши мумкинлигига ишона олмайсан? У жавоб бера олмади, бироқ бунинг ақлан имконсиз эканини мен билан бирга тан олди, лекин бунинг жавобини билмаслигини айтди. Шунда мен унга қуйидагича жавоб бердим: табиатда ўз таъсирини кўрсатадиган табиий сабаблар ёки омиллар, масалан, шамоллар, ёмғирлар, қуёш нурлари, ернинг тортиш кучи, денгиз тўлқинлари, вулқонлар, зилзилалар, босим, ҳарорат ва бошқалар тизим ярата олмайди. Аксинча, уларнинг таъсири тасодифий бўлиб, аслида мавжуд бўлган тизимларни бузади. Термодинамика қонунлари орасида энтропия қонуни бор бўлиб, у барча тизимлар тартибсизлик томон йўналишини, тескариси эса мумкин эмаслигини белгилайди. Шунинг учун бир гуруҳ тошлар ўзаро келишиб, тартибли тизимни пайдо қилиши ва шу мақсадда муайян тарзда бир-бирига боғланиши мумкин эмас. Тўғри ҳолат шуки, тизимлар чекловлар ва боғланишлардан халос бўлишга, улардан чиқиб кетишга мойилдир. Шунинг учун коинот, инсон ва ҳаётда пухта тизимлар, айниқса сабабий тизимлар мавжудлигини исботлаш Яратувчининг мавжудлигини ва коинотда мақсадга йўналтирилганлик борлигини исботлашнинг энг муҳим асосларидан бири ҳисобланади.

Инсоний сабабият

Инсонда ирода ёки танлов эркинлиги мавжудлиги боис табиий сабабият билан инсоннинг амаллари ва турмуш тарзига тааллуқли сабабият ўртасида фарқ бор. Инсонда икки жиҳат мавжуд: жисмоний жиҳат ва ақлий жиҳат. Жисмоний жиҳат моддий жиҳат бўлиб, инсон унда бошқа тирик мавжудотлар билан муштаракдир. У бир қанча аъзолар ва ҳазм қилиш тизими, асаб тизими каби тирик тизимлардан ташкил топган сабабий тизимдир. Ақлий-маънавий жиҳатга келсак, инсонда фикрлаш хусусияти бор. Яъни у сезги аъзолари орқали ҳис қилинадиган ташқи воқеликни собиқ маълумотлар билан боғлаш, сўнгра нарса устидан ҳукм чиқариш, яъни уни талқин қилиш ва унга маъно бериш қобилиятига эга.

Инсоннинг амаллари таъсир этувчи сабаблардир, улар ҳаётий энергиянинг фикрий энергия, яъни тушунчалар билан қоришиши натижасида пайдо бўлади. Инсоний сабаб рўёбга чиқиши учун у шуурий (ҳаётий) энергияга ҳамда ушбу ҳаётий энергияни ҳаракатга келтирувчи тушунчаларни ўз ичига олган фикрий энергияга (ақлга) муҳтож. Чунки инсоний сабаб – инсон муайян бир нарсага таъсир кўрсатиш ва уни бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўзгартириш учун бажарадиган амалдир. Бу амални ақл уни бажариш ёки ундан тийилиш ўзига қандай манфаат келтириш ҳақидаги тушунчаларига кўра ўз танлови ва иродаси билан белгилайди.

Тўртинчи: Сифатларнинг ўзаро боғлиқлиги:

Нарсалар ўртасида жуда кўп ўзаро боғлиқлик алоқалари мавжуд. Бу ерда биз учун муҳим бўлгани сифатларнинг нарсаларга чамбарчас боғлиқлигидир. Бу боғлиқлик далилларни келтиришдан олдин асослаб қўйилиши лозим бўлган ишлардан бўлиб, у далиллаш жараёни учун зарурдир. Чунки ақл Яратувчига нисбат бериб исботлайдиган айрим сифатлар идрок этиладиган нарсаларнинг бошқа сифатларидан хулоса чиқариш орқали аниқланади. Нарсаларнинг ушбу сифатлари нарсаларнинг ҳис қилинадиган бошқа сифатларидан олинган. Биз Яратувчининг ақлий сифатларининг асли махлуқотлар сифатларига қарама-қарши сифатларга бориб тақалишини исботламоқчимиз.

Нарсаларга сифатларнинг чамбарчас боғлиқлигидан мурод – нарсаларда кўплаб сифатлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари бевосита ҳис қилинади, айримлари эса яширин ёки номаълумдир. Сифатларнинг ўзаро боғлиқлигининг маъноси – биз муайян бир нарсанинг маълум бўлмаган сифатини у ҳақида маълум бўлган бошқа бир ёки икки сифатдан хулоса чиқариш орқали аниқлашимиз мумкин. Бунинг учун мазкур сифатлар ўзаро боғлиқ ёки бир-бирини тақозо этувчи бўлиши шарт. Ўзаро боғлиқлик улар ўртасидаги воқеликда қатъий тасдиқланган бирга мавжудлик ёки боғлиқлик орқали исботланади. Икки нарса ўртасидаги бундай қатъий муносабат тўлиқ индукция ёки бирга кузатилиш орқали

аниқланиши мумкин. Шунингдек, у сабабий ёки шартли боғлиқлик, иккала нарсада ҳам уларни бирлаштирувчи муайян сифатнинг мавжудлиги, кетма-кетлик ва тасалсул каби усуллар орқали ҳам исботланади.

Индукция (истиқро) икки нарса ўртасида доимий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади, сўнг ушбу доимий жуфтликдан улар ўртасида далолат риштаси шаклланади. Индукция усулидан фойдаланиб, нарсаларнинг муайян сифатларини исботлаш мумкин. Бироқ бу индуктив усулда муаммо бор, чунки у тўлиқ индукцияга эмас, тўлиқ бўлмаган индукцияга асосланади. Зеро, тўлиқ индукция умумий ҳукмни татбиқ этмоқчи бўлган барча нарсаларни бирма-бир кузатиш ва ҳиссий идрок этишни, уларда муайян сифат билан доимий боғлиқлик мавжудлигини исботлашни тақозо этади. Аммо бундай шаклдаги тўлиқ индукция амалий жиҳатдан имконсиздир. Шунинг учун умумий ҳукм чиқаришда тўлиқ бўлмаган индукция билан кифояланилади. Бунда нарсаларнинг моҳиятига, яъни уларнинг ўзагига хос бўлган ажралмас сифат ёки хусусиятга таянилади. Шунга асосланиб, мазкур сифат барча шу турдаги нарсаларга хос, деган умумий ҳукм чиқарилади ва шу тариқа тўлиқ бўлмаган индукция тўлиқ индукция даражасига келтирилади.

Масалан, ёғочда ёниш қобилияти борлигини исботлаш учун дунёдаги барча ёғочларни ёқиб кўриш шарт эмас, балки баъзи ёғочларни ёқиб, тажриба ўтказишнинг ўзи кифоя. Сўнг биз: «барча ёғочлар ёнади» деб умумий ҳукм чиқарамиз. Чунки ёниш қобилияти унинг моҳиятига хос хусусиятдир. Агар у ёнмаса, ёғочлик хусусиятини йўқотган бўлади. Демак, бу сифат ёғочнинг моҳиятига хос бўлган сифатлардан ёки унга ажралмас тарзда боғлиқ бўлган яширин хусусиятлардан бири бўлиб, у ёғочдан ҳеч қачон ажралмайди. Шунинг учун тажриба ва ҳиссий кузатишга асосланган тўлиқ бўлмаган индукция кузатилаётган ҳодиса билан нарсалар хусусиятларидаги унинг ажралмас сифати ўртасидаги узвий боғлиқликка таяниш орқали тўлдирилади.

Бироқ индукциянинг бу тури доимий бўлмаган, тасодифий сифатларни исботлай олмайди. Масалан, агар бир инсон муайян бир оролда улғайса ва у ердаги барча ўрдакларнинг патлари оқ эканини кўрса, ўзининг чекланган кузатувига асосланиб, барча ўрдакларнинг патлари оқ бўлади, деган умумий хулосага келади. Агар у оролдан ташқарига чиқиб, қора патли ўрдакни кўрса, аввалги ҳукми хато бўлганини англайди. Чунки бу ҳукм тўлиқ бўлмаган индукцияга асосланган эди. У ўз хулосасини ўрдак патларининг рангига таянган ҳолда чиқарган, ҳолбуки ранг моҳиятга хос ёки доимий сифат эмас, балки нарсаларда ўзгариши мумкин бўлган тасодифий сифатдир. Шунинг учун аниқроқ қилиб айтганда, у ўрдакларни кузатган жойларида патларининг ранги оқ бўлганини айтиши лозим. Бироқ у бу ҳукмни умумлаштириб, бошқа рангдаги ўрдаклар мавжудлигини инкор этмаслиги керак, чунки бошқа рангдаги ўрдаклар мавжуд бўлишига ҳеч қандай тўсқинлик йўқ.

Аммо икки иш – натижа билан таъсир этувчи – ўртасидаги сабабий боғлиқлик сабаб билан натижани ўзаро боғловчи сабабият алоқаси воситасида вужудга келади. Шунингдек, натижани вужудга келтириш учун шарт билан сабаб ўртасида шартли боғлиқлик алоқаси мавжуд. Масалан, қоронғуликда гапираётган овозни эшитсангиз, бу овозни чиқарган тирик инсон борлигини англатади, чунки таъсир ўзини юзага келтирган нарсанинг мавжудлигини қатъий равишда кўрсатади. Тутун билан олов ўртасида сабабий боғлиқлик бор, чунки олов тутуннинг пайдо бўлишига сабаб бўлади ва тутун ундан ҳосил бўлади. Ердаги оёқ излари билан уларни қолдириб ўтган тирик мавжудот ўртасида ҳам боғлиқлик бор. Аммо шартли боғлиқликка ёнишни содир этиш учун олов билан кислород ўртасидаги боғлиқлик мисол бўлади. Агар кислород бўлмаса, сабабнинг таъсири тўхтайди, натижада ёниш содир бўлмайди ва тутун ҳам ҳосил бўлмайди. Чунки кислород ёниш учун лозим бўлган шарт ёки омилдир.

Икки нарсанинг кетма-кет келишига кундан кейин туннинг келиши ва ота-онадан кейин фарзандларнинг дунёга келиши мисол бўлади. Кетма-кетлик – бирин-кетин келувчи ўзаро боғлиқлик турларидан биридир. Масалан, уч сони иккидан кейин келади, беш сони эса кетма-кетликда тўртдан кейин келади ва ҳоказо.

Мустақил вужудга ёки тобе вужудга тааллуқли сифатларнинг ўзаро боғлиқлиги:

Сифатларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганишда баъзи нарсаларга хос бўлган сифатлар ҳамда барча нарсаларни қамраб олувчи умумий муштарак сифатлар мавжудлигига эътибор қаратиш лозим. Биз индукция орқали умумий хулосага келишни истаган вақтимизда нарсаларнинг хос сифатларидан эмас, балки умумий сифатларидан фойдаланишимиз зарур. Чунки мақсад коинот ва ундаги нарсаларни ўрганиш орқали ҳиссий идрок этиладиган нарсаларнинг мавжудлиги мустақилми ёки уларнинг мавжудлиги бошқа нарсага тобеми, деган марказий саволга жавоб топишдир. Чунки асосий изланиш мавжудотларнинг аслини аниқлашга қаратилган. Мавжудотларнинг аслининг мавжудлиги эса бошқа нарсага тобе эмас, балки мустақил бўлиши лозим. Мустақил мавжудотларни тобе мавжудотлардан фарқлаш учун айнан шу аслни излаш лозим.

Лекин ушбу сифат, яъни нарсалардаги зотий мустақиллик ва тобеликни тўғридан-тўғри ҳиссий идрок этиб бўлмайди. Шунинг учун уни нарса билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳис қилинадиган бошқа сифатлар орқали аниқлаш лозим бўлади. Нарсанинг мавжудликда мустақил бўлиши ушбу мустақиллик билан чамбарчас боғлиқ бўлган сифатларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади ва бу сифатлар нарсаларда албатта бўлиши керак. Шунинг учун биз уларни излаймиз: агар уларни топсак, мавжудлик мустақиллигига чамбарчас боғлиқ бўлган сифат бор деб ҳукм чиқарамиз, агар мустақилликка зид бўлган, яъни тобеликни кўрсатувчи сифатларни топсак, тобелик сифатлари мавжудлигини тасдиқлаймиз.

Биз бу ерда ўрганаётган сифатларнинг ўзаро боғлиқлиги мустақиллик билан чамбарчас боғлиқ бўлган сифатлар гуруҳини ҳамда тобелик билан чамбарчас боғлиқ бўлган, мустақилликка зид сифатлар гуруҳини излаш билан бўлади. Нарсаларнинг умумий сифатларини ўрганган вақтимизда уларнинг айрим сифатлари ўзаро боғлиқ ҳолда бирга мавжуд бўлишини ва бошқа нарсага тобе мавжудотга хос хусусиятлар эканини кўрамиз. Бу сифатлар нуқсон ва ожизлик, шунингдек, билмаслик, заифлик, ноқислик, муҳтожлик ва чекланганлик бўлиб, буларнинг барчаси тобе мавжудотлар, яъни махлуқотларга чамбарчас боғлиқ бўлган муштарак сифатлардир.

Ҳолбуки, ушбу сифатларнинг зидди бўлган хусусиятлар ўз-ўзидан мустақил мавжудликка хос бўлиб, улар зотий мустақилликка чамбарчас боғлиқдир. Бу сифатлар камолот, азалийлик, мутлақ қудрат, беҳожатлик, барча нарсани қамраб олган илм, мутлақ ирода, рубубият ва бошқалардир.

Бу ўринда мустақил мавжудот билан тобе мавжудот ўртасида ёки мукаммал билан ноқис ўртасида муштарак бўлган айрим сифатлар ҳам борлигига эътибор қаратиш лозим. Масалан, мавжудлик, ирода, ҳаёт ва илм сифатлари. Бироқ комил ва нуқсонли мавжудотларда бу сифатларнинг моҳияти жиҳатидан фарқ бор. Аллоҳ Таолонинг комил зоти ҳиссий идрок доирасидан ташқарида бўлгани учун, биз ақл воситасида Унинг ғайбий сифатларининг моҳияти ҳақида ҳукм чиқара олмаймиз. Балки сифатнинг мавжудлигини ва унинг умумий маъносини, агар у ақлан англанадиган бўлса, ақл орқали ёки Аллоҳ Таолонинг Ўз зоти ва сифатлари ҳақида қатъий далиллар билан бизга берган хабари орқали англаймиз. Аллоҳ Таолонинг сифатлари ҳақидаги илоҳий хабарни қандай келган бўлса, шундайлигича таслим бўлиб қабул қилишимиз лозим. Бироқ, ҳатто бу сифатлар бир хил ном билан аталган тақдирда ҳам, Яратувчини инсонларга қиёс қилиш мумкин эмас. Инсонлар бу сифатларнинг маъносини фақат ўзлари ҳис қиладиган махлуқотлардагина идрок эта олади. Масалан, инсонлар ўрганиш қобилиятига эга ва уларда илм сифати мавжуд,

Аллоҳ Таоло ҳам Олимдир, лекин Унинг илмининг ҳақиқати ва моҳиятини инсонлар билмайди. Шунинг учун бу иккисини бир-бирига қиёслаб бўлмайди.

Яратувчининг борлигини исботлашда мустақиллик ва тобелик сифатларининг ўзаро боғлиқлигини исботлашнинг аҳамияти:

Идрок этиладиган ва ҳис қилинадиган нарсаларни ўрганишда биз уларга хос бўлган умумий ва муштарак сифатларни излаймиз. Токи бу сифатлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, ажралмайдиган бўлсин. Бу орқали улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаймиз ҳамда мазкур нарсаларнинг мустақил ёки тобе ҳолда мавжудлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз. Масалан, коинотга назар ташласак, уни турли жисмлардан ташкил топганини кўрамиз. Уларнинг ҳар бири ўзаро боғланган бир нечта унсур ва қисмлардан таркиб топган. Бу ҳол таркибийлик сифати, яъни нарсанинг қисмлардан ташкил топганини кўрсатади. Бу эса ясалган тизим мавжудлигига далолат қилади. Чунки нарсалардаги асл – тартибсизликдир, улар ўз-ўзидан тартибга келмайди, балки бу бошқанинг таъсири билан бўлади. Агар биз ўзаро боғланган тартибли қисмлардан ташкил топган нарсани кўрсак ва у маълум бир иш ёки вазифани бажарса, унинг ясалган тизим экани ҳақида қатъий ҳукм чиқарамиз.

Шунингдек, коинотга назар солганимизда ундаги ҳар бир жисм чекланган эканини кўрамиз. Коинотда чекланганлик сифатининг мавжудлиги бошқа бир сифат – ожизлик билан чамбарчас боғлиқ ва у билан бирга келади. Ожиз мавжудот бирор нарсани йўқдан бор қила олмайди, ўзини пайдо қилишга эса янада ожизроқдир. Шунинг учун у ўзини пайдо қиладиган Зотга муҳтож бўлади, демак у махлуқдир. Демак, ожизлик махлуқлик сифати билан бирга келувчи сифатдир. Бу билан коинотнинг сифатларидан бири унинг махлуқ экани, деган хулосага келамиз. Бу эса коинотнинг ўз мавжудлигида мустақил эмаслигини кўрсатади, яъни унинг мавжудлиги бошқа бир нарсага тобе эканини исботлайди.

Бу ерда биз нарсаларни ўрганиб, кузатиш натижасида уларда мавжудлик билан чамбарчас боғлиқ бўлган муштарак сифатлар, жумладан, муҳтожлик ва чекланганлик сифатлари борлигини

аниқладик. Сўнгра ушбу сифатларнинг мавжудлигидан улар билан чамбарчас боғлиқ бошқа сифатларни – ожизлик ва йўқликдан кейин вужудга келиш (махлуқлик) сифатларини хулоса қилиб чиқардик. Сўнгра нарсаларда бу сифатларнинг бўлиши уларнинг мавжудликда мустақил эмаслигини, яъни улар ўз-ўзидан мавжуд бўлмаслигини тақозо этади. Бошқача айтганда, юқорида зикр этилган аслий қоидаларга кўра, нарсалардаги асли йўқликдир (нарсалардаги асл – уларнинг мавжудлиги исботланмагунча – йўқликдир, қоидаси). Уларнинг мавжудлиги ҳис ва кузатув билан исботлангани ҳолда, уларнинг мавжудлиги мустақил эмас, балки бошқага тобе экани ҳам исботланди. Шундай экан, сабабият тамойилидан фойдаланиб, уларни вужудга келтирувчи, яъни мавжуд бўлишларига сабаб бўлган фоил бўлиши лозим, деган хулосага келамиз. Демак, улар йўқликдан кейин яратилган бўлиб, уларни яратган Зотга муҳтождир.

Бу фоил уларни йўқликдан яратган Яратувчидир. Ушбу Яратувчининг мавжудлиги ўз-ўзидан бўлиши, яъни мустақил бўлиши вожиб. Унинг мавжудлиги бошқага тобе бўлмаслиги керак, акс ҳолда, У ҳам махлуқ бўлиб қолади. Бу эса ботил ва қабул қилиб бўлмайдиган зиддиятдир. Яратувчилик сифати камолот сифати бўлиб, Яратувчи албатта бу сифатга эга бўлиши лозим. Нуқсонли махлуқотгларга хос бўлган, яратувчиликка зид сифатлар эса, Унга нисбат берилмайди.

Шундай қилиб биз, ўз-ўзидан мустақил мавжуд бўлган бу Зот, яъни ўз-ўзидан вожибул-вужуд бўлган Зот – Яратувчи, Азалий, Қодир, ирода Соҳиби, Олим, Беҳожат, Комил, Молик, Робб ва Ягона бўлиши, шунингдек махлуқотларда мавжуд бўлган барча нуқсонли сифатлардан пок бўлиши лозим, деган хулосага келамиз. Демак, У махлуқ, ожиз, муҳтож ва чекланган бўлмаслиги лозим. Чунки юқорида баён қилинган ақлнинг бадаҳий қоидаларига кўра, бир зотда ўзаро зид икки сифатнинг бир вақтда жамланиши ботилдир.

Яратувчининг ушбу сифатлари ўз-ўзидан ҳис этилмайди, чунки Аллоҳ Таолонинг Зоти ва сифатлари бевосита ҳиссий идрок

доирасидан ташқарида. Шундай бўлса-да, ақл уларни идрок этади ва ҳис орқали, яъни ҳис этиладиган ақлий далил орқали Яратувчига нисбатан исботлайди. Бунинг учун ақл ҳис этиладиган махлуқотларнинг мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган нуқсон сифатларини идрок этади, шунингдек, Яратувчининг мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган камолот сифатларининг зарурлигини идрок этади. Шу сабабли Яратувчининг мавжудлиги учун зарур бўлган ушбу сифатлар ақл орқали англанадиган ва ақл исботлайдиган сифатлар ҳисобланади, гарчи Яратувчининг Зотини ақл бевосита ҳиссий идрок этмаса ҳам.

Қуръони Карим саййидимиз Исо алайҳиссаломнинг илоҳ ҳам, илоҳнинг ўғли ҳам эмаслигини исботлаш учун келтирган бир мисолни тадаббур қилишимиз ўринлидир. Аллоҳ Таоло Моида сурасида айтади:

﴿مَّا ٱلۡمَسِيحُ ٱبۡنُ مَرۡيَمَ إِلَّا رَسُولٞ قَدۡ خَلَتۡ مِن قَبۡلِهِ ٱلرُّسُلُۖ وَأُمُّهُۥ صِدِّيقَةٞۖ كَانَا يَأۡكُلَانِ ٱلطَّعَامَۗ ٱنظُرۡ كَيۡفَ نُبَيِّنُ لَهُمُ ٱلۡأٓيَٰتِ ثُمَّ ٱنظُرۡ أَنَّىٰ يُؤۡفَكُونَ﴾

«Масиҳ ибн Марям фақат бир пайғамбар бўлиб, ундан илгари ҳам кўп пайғамбарлар ўтган. Унинг онаси эса сиддиқа – Аллоҳга ҳаққи-рост иймон келтирган аёлдир. Иккалалари ҳам таом ер эдилар. *(Эй Муҳаммад),* ***оят-ҳужжатларни уларга қандай баён қилишимизни кўринг, сўнг уларни қандай бўҳтон томонга оғаётганларни кўринг!»*** (Моида 75)

Исо алайҳиссалом ва оналари Марямнинг таом ейишлари уларда муҳтожлик сифати мавжудлигини кўрсатади, муҳтожлик эса ожизликка далолат қилади. Ожиз мавжудот азалий бўла олмайди ва унинг Робб бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу тариқа Аллоҳ Таоло насронийларга Исо алайҳиссаломнинг махлуқ эканини кўрсатувчи оятларни, яъни далилларни баён қилмоқда. Аммо улар бу далиллардан юз ўгиришади ва ҳақиқатдан оғиб, залолатга тушишади. Агар улар ақлий мусалламотларга мувофиқ тўғри фикр юритишганида, Исо алайҳиссалом инсон эканини билган бўлишар эди. Шунга кўра у ҳам инсониятга хос бўлган барча хусусият ва сифатларга эга: ейди, ичади, ухлайди, туғилади ва вафот этади.

Буларнинг барчаси ўз тасарруфларида ва ишларини тадбир қилишда бошқага муҳтож бўлган тирик мавжудотларнинг сифатларидир. Ушбу муҳтожлик яна бир сифат – ожизлик мавжудлигини кўрсатади, ожизлик сифати эса махлуқлик сифати билан бирга келади.

Бу сифат билан махлуқларнинг сифатлари – нуқсон, ожизлик, муҳтожлик, ўлим, ҳаёт ва ҳоказолар чамбарчас боғлиқ, яъни Исо яратувчи ёки Робб эмас, балки яратилган бандадир. Ақлан айни бир зотда азалийлик ва рубубият сифатлари билан нуқсон ва ожизлик сифатларининг жамланиши мумкин эмас, чунки бунинг имкони йўқ. Зеро у зиддиятдир, зиддият эса ботилдир.

Бешинчи: Далилларнинг муқаддималарини ясалганлик далили ва чекланганлик далилига татбиқ этиш:

Чекланганлик далилидан фойдаланиб, Яратувчининг мавжудлиги зарурлигини кўрсатувчи ҳиссий идрок этиладиган бир мисолни кўриб чиқайлик. Масалан, ёғочдан ясалган столни кўрганимизда, у ўзини ясаган ҳунарманд мавжудлигини билдиради. Бундан биз уни ясаган киши ўз касбини яхши биладиган, тажрибали ва моҳир дурадгор бўлиши, ирода ва қудратга эга бўлиши, муайян мақсадни кўзлаши, кўра олиши, столни ясаш учун қўллари бўлиши, асбоб-ускуналар ва хомашёга эга бўлиши керак, деган хулосага келамиз. Булар унинг иши билан боғлиқ зарур сифат ва хусусиятлардир. Бироқ столни кўришнинг ўзига асосланиб, уни ясаган кишининг териси оқ, кўзлари кўк, исми Аҳмад, у қизил кўйлак кияди, Қуддусда яшайди… деб даъво қилиш мумкин эмас. Бундай даъволар ақлий хулосалар эмас, балки тахмин ва ғайб ҳақида билмасдан ҳукм чиқаришдир. Чунки ясалган буюм сифатида стол бу ишларнинг бирортасига на яқиндан ва на узоқдан далолат қилмайди. Фақат столни ясаган дурадгор бизга шахсан таниш бўлса, у ҳақидаги собиқ маълумотларимизга таяниб, унинг бу каби хусусий сифатларини айтишимиз мумкин. Ёки дурадгорнинг ўзига хос муҳрини ёхуд уни ясаган кишини кўрсатувчи шахсий гувоҳномасини топсак,

шунда унинг кимлигини аниқлаш учун суриштириб, дурадгорнинг ўзидан у ҳақида маълумот олишимиз мумкин.

Ёғоч стол ҳақида фикр юритиш бизни унинг ясалган буюм эканини англашимизга олиб келди. Чунки у бир-бирига боғланган қисмлардан ташкил топган ва муайян вазифани бажаради. Демак, у барқарор мақсадли тизим бўлиб, бу эса уни ясаган ҳунармандниг мавжуд бўлиши зарурлигини кўрсатади. Столнинг ҳис этиладиган хусусиятлари – ишнинг пухталиги, тартиблилиги, маҳорат билан бажарилгани, гўзаллиги ва вазифасини самарали адо этишига қараб, уни ясаган киши муайян зарур сифатларга эга бўлиши керак, деган хулосага келамиз. Бу сифатлар унинг ясаган буюмини кузатиш орқали аниқланадиган тажриба, илм, маҳорат, қудрат, эгалик ва ирода каби хусусиятлардир. Булар дурадгорнинг ёғоч стол каби буюмни ясай олиши учун зарур бўлган сифатлар мажмуасидир.

Ушбу стол мисолини коинотга татбиқ этсак, ундаги ҳар бир нарсанинг ҳаракатини бошқариб турувчи муайян тизим ва қонунлар мавжудлигини кузатамиз. Коинотда мавжуд бўлган ушбу тартиб-интизом уни Яратган Зотдан келиб чиққан бўлиши лозим. Унинг Яратувчиси эса илм, маҳорат, ҳикмат, қудрат, мулк, ирода ва бошқа сифатларга эга бўлиши лозим.

Чекланганлик далилига келсак, биз коинотда чекланганлик каби муайян сифатларни кузатамиз. Чекланганликнинг маъноси шуки, биз нарсаларга назар солганимизда уларнинг бошланиши ва охири борлигини, яъни улар макон жиҳатидан чекланган эканини кўрамиз. Маконда бошланиши бўлган нарсанинг замонда ҳам бошланиши бўлиши муқаррар. Чунки замон маконга тобе бўлиб, у билан мавжудлик жиҳатидан узвий боғлиқдир. Замон маконнинг мавжудлигидан мустақил равишда мавжуд бўла олмайди, яъни маконсиз замон ҳам бўлмайди. Шунга кўра, ҳар бир чекланган нарсанинг маконий ва замоний мавжудлиги бошланишга эга. Бу эса унинг муайян бир замонда, аввал йўқ бўлганидан кейин яратилганини англатади.

Бошқа бир нуқтаи назардан қараганда, чекланган нарса ўз чегараларидан ошиб ўтишга ожиз деб қаралади, чунки у ўзгадан ёрдам олмасдан ўз чегараларидан чиқа олмайди. Демак, у заиф ва ожиздир. Шундай қилиб, чекланганлик сифати билан ожизлик ёки заифлик сифати чамбарчас боғлиқ. Чунки, чекланганлик сифати ожизлик сифати билан доимо бирга келади. Чекланган нарса албатта ожиз бўлиши лозим, ожиз эса ўз чегараларидан чиқа олмайди. Унинг ожизлиги ўзини ўзи пайдо қилишга қодир эмаслигида янада кўпроқ намоён бўлади. Шунинг учун унинг мавжудлиги бошқа бир нарсага тобедир, яъни у бошқа биров томонидан яратилгандир. У ўзини яратадиган Яратувчига муҳтож. Шундай қилиб, нарсаларда чекланганлик ва ожизлик сифатлари ўртасида ўзаро тақозо этилади, ожизлик сифати эса махлуқлик сифатини тақозо этади.

Бошқа томондан эса, Холиқ яратувчилик сифати билан чамбарчас боғлиқ бўлган камолот сифатларига эга бўлиши, Ундан барча нуқсон ва ожизлик сифатлари инкор этилиши лозим. Чунки ушбу сифатларнинг бир зотда жамланиши ақл ўз бадаҳийларига мувофиқ қабул қилмайдиган ботил зиддиятдир. Яратувчилик сифати билан чамбарчас боғлиқ сифатлардан бири қудрат бўлиб, бу Унинг ожиз бўлмаслигини англатади. Яна, азалийлик ҳам шундай сифатлардан бўлиб, Холиқнинг чекланган эмаслигини тақозо этади. Шунингдек мутлақ илм, мутлақ ирода ва бошқа камолот сифатлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг Яратувчида собит эканига махлуқотлар ва уларнинг идрок этиладиган, ҳис қилинадиган сифатлари далолат қилади.

Демак, столнинг ясалганлик далили орқали ва бу ясалган нарсада муайян сифатлар мавжудлигидан келиб чиқиб, ясовчида ҳам улар билан узвий боғлиқ сифатлар бўлиши зарурлиги ҳақида хулосага келдик. Чунки ясовчининг сифатлари таъсири ясалган нарсада намоён бўлган. Бу эса сабабий боғланиш, яъни таъсир (натижа) ва таъсир этувчи ўртасидаги сабабий риштадир, яъни сабабият алоқасидир.

Лекин чекланганлик далили орқали биз муайян сифатларнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқиб, коинотнинг мавжудлиги ўз-ўзидан мустақил мавжудлик эмас, балки бошқа бир нарсага тобе мавжудлик экани, яъни унинг махлуқ экани ҳақида хулосага келдик. Махлуқни эса яратилишига сабаб бўлган бир Яратувчи бўлиши зарур. Шу тариқа коинотнинг Яратувчиси мавжуд бўлиши зарурлиги ҳақида хулосага келдик. Бироқ Яратувчи билан чамбарчас боғлиқ бўлган энг муҳим сифат – ўз-ўзидан мустақил мавжудликдир. Бу сифат Яратувчида чекланган, ожиз, муҳтож ва махлуқ нарсаларнинг сифатларига зид бўлган бошқа сифатлар ҳам мавжуд бўлишини тақозо этади. Демак, Яратувчи чекланган бўлмаслик (азалийлик), ожиз бўлмаслик (мутлақ қудрат) ва муҳтож бўлмаслик (беҳожатлик) сифатларига эга бўлиши лозим. Шунингдек, азалийлик сифати билан бирга камолот ва нуқсондан холи бўлиш, мутлақ илм, мутлақ ирода, ягоналик, рубубият ва бошқа сифатлар ҳам мавжуд бўлиши зарурлиги ҳақида хулосага келамиз. Булар оламлар Роббиси Аллоҳ Таолога ақл тақозо этадиган зарурий сифатлардир.

Шундай қилиб, булар Яратувчининг мавжудлигига иймон келтирмайдиган кимсалар билан баҳс олиб боришда мусалламот сифатида қабул қилиниши тавсия этиладиган энг муҳим муқаддималардир. Бу муқаддималарга келишиб олишдан мақсад – Аллоҳ Таолонинг борлигини исботлаш учун қўллайдиган ақлий далил ва ҳужжатлар орқали уларни асосли хулосани қабул қилишга мажбур этишдир.

Аллоҳдан умид қиламизки, ушбу асар орқали Ислом Умматига манфаат етказсин. Аллоҳ бу Умматни ҳақ билан, ҳақ учун ва ҳидоят йўлида инсонлар устидан гувоҳлик берувчи уммат қилди. Аллоҳ бизни ҳидоятга бошловчи ва ўзи ҳам ҳидоят топган кишилардан қилсин, ер юзидаги адашган халқларни бизнинг қўлларимиз орқали ҳидоятга бошласин, токи улар ақлларининг қаноат ҳосил қилиши ва қалбларининг хотиржамлиги билан Аллоҳнинг динига кирсинлар. Аллоҳим, дуомизни ижобат қилгин. Омин.



ИЙМОН ҲАЛОВАТИ: ҚАЛБНИНГ УММАТЛАРНИ ЕТАКЛАШГА БЎЛГАН УРИНИШИ

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий ﷺ дедилар: **«Кимда қуйидаги уч хислат бўлса, иймон ҳаловатини топибди: Аллоҳ ва Росули унга бошқа барча нарсадан кўра суюклироқ бўлиши, бир бандани фақат Аллоҳ учун яхши кўриши, Аллоҳ уни куфрдан қутқаргандан кейин куфрга қайтишни худди ўтга ташланишни ёмон кўргандек ёмон кўриши»** (Бухорий ривояти).

Бу буюк ҳадис Ислом асосларидан бир асосдир. Олимлар роҳимаҳумуллоҳ дедилар: Иймон ҳаловатининг маъноси – тоатлардан лаззатланиш ҳамда Аллоҳ ва Росулининг розилиги учун машаққатларни кўтариш, бу ишларни дунё матосидан устун қўйиш, бандaнинг ўз Роббиси Субҳанаҳуга Унинг тоатини қилиш ва Унга осийликни тарк этиш орқали бўлган муҳаббати, шунингдек Росулуллоҳ ﷺга бўлган муҳаббатдир.

Қози] ҳадис маъноси ҳақида айтди: Ким Аллоҳни Робб деб, Исломни дин деб ва Муҳаммад ﷺни росул деб рози бўлса, у иймон таъмини тотибди. Зеро, Аллоҳ ва Росули ﷺга бўлган муҳаббат ҳамда куфрга қайтишни ёмон кўриш фақатгина иймон билан яқийни кучайган, нафси у билан хотиржам бўлган, қалби унга очилган ҳамда иймон унинг гўшти ва қонига қоришиб кетган киши учунгина тўғри бўлади. Мана шу иймон ҳаловатини топган кишидир. Айтди: Аллоҳ йўлидаги муҳаббат – Аллоҳга муҳаббатнинг мевaларидандир.

Баъзилар айтдилар: Муҳаббат – қалбнинг Робб Субҳанаҳу рози бўладиган нарсага мувофиқлигидир. Демак, у Аллоҳ яхши кўрган нарсани яхши кўради ва У ёмон кўрган нарсани ёмон кўради.

Умуман олганда, муҳаббатнинг асли – яхши кўрувчига мувофиқ келадиган нарсага мойил бўлишдир. Сўнгра ушбу мойиллик гоҳида инсон лаззатланадиган ва чиройли деб биладиган нарсаларга – худди чиройли сурат, овоз, таом ва бошқалар каби – бўлиши мумкин. Гоҳида ички теран маънолар туфайли ўз ақли билан лаззатланадиган нарсаларга – худди солиҳлар, олимлар ва умуман фазл аҳлини яхши кўриш каби – бўлиши мумкин. Гоҳида эса, унга яхшилик қилгани ва ундан зарарлар ва ёмонликларни даф этгани сабабли бўлиши мумкин. Бу маъноларнинг барчаси Набий ﷺда мавжуд. Чунки у киши ўзларида зоҳирий ва ботиний гўзалликни, улуғворлик сифатларининг камолини, фазилатлар турларини ҳамда барча мусулмонларни тўғри йўлга ҳидоят қилиш, неъматларнинг бардавомлиги ва жаҳаннамдан узоқлаштириш орқали уларга қилган эҳсонларини жамлагандирлар. Баъзилар бу ҳолат Аллоҳ Таолонинг ҳаққида ҳам тасаввур қилинишига ишора қилдилар, зеро барча яхшилик ёлғиз Аллоҳ Субҳанаҳудандир. Молик ва бошқалар айтдилар: Аллоҳ йўлидаги муҳаббат Ислом вожибларидандир.

Бу ҳадиснинг маъноси жиҳатидан эди. Аммо уни Умматнинг сиёсий воқелиги билан боғлаш жиҳатига келсак, Набий ﷺ: **«Аллоҳ ва Росули унга бошқа барча нарсадан кўра суюклироқ бўлиши»** деганларида, у зот меҳроблар бурчакларидаги сокин туйғу ва унга ҳамроҳ бўладиган, барча сохта шерикларни улоқтириб ташлайдиган «шуъурий инқилоб» ҳақида гапирмоқдалар.

Ушбу муҳаббат барча ҳислар унга интиладиган «марказдир». Мабдаий сиёсат мезонида бирор етакчига бўлган муҳаббат ҳам, вазъий конституциянинг муқаддаслиги ҳам, дунёдаги биринчи давлатнинг буйруқларига бўйин эгиш ҳам мутлақо йўқ! Ушбу муҳаббат «шариатнинг мутлақ етакчилигидир».

Бу – мўмин киши «халқаро қонунлар» ва «капиталистик жамиятлар» Аллоҳни қўйиб ибодат қилинадиган замонавий бутлардан бошқа нарса эмаслигини кўрадиган лаҳзадир.

Бу ердаги иймон ҳаловати шундай руҳий ғурурки, инсонни Яратувчидан бошқасига таъзим қилишни рад этадиган қилиб қўяди. У Ислом мабдаси шунчаки намоз, рўза, таҳажжуд ва дуолардан иборат ибодатларгина эмас, балки ер юзида Аллоҳнинг ҳукмига: бошқарув, иқтисод, ижтимо ва ҳаётнинг бошқа барча соҳаларида риоя қилиш эканига иймон келтиради. Шунинг учун, ер юзида фақат Аллоҳ бўйсунишга буюрган кишигагина итоат қилинади ва бу риоя қилиш орқали инсоннинг Аллоҳ ва Росулига бўлган муҳаббати амалда гавдаланади.

У киши ﷺнинг: **«Аллоҳ ва Росули унга бошқа барча нарсадан кўра суюклироқ бўлиши»** деган сўзлари Уммат ишларини риоя қилишдаги эга ва кесимдир. Ислом мабдаси урфида муҳаббат тўлиқ итоат демакдир ва у Аллоҳнинг шариатини узоқлаштирадиган барча тузумларга очиқ-ойдин куфрни тақозо этади.

Кимки ушбу муҳаббат ҳаловатини тотган бўлса, демократиядаги «халқ ҳукмронлигини ҳам, вазъий «конституция муқаддаслигини» ҳам асло қабул қила олмайди.

Бу – мустамлакачи юртларимизда ўрнатган «сиёсий бутларни» чилпарчин қилишга даъватдир, содиқлик фақатгина Аллоҳнинг калимасини олий, кофирларнинг калимасини тубан қиладиган, Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифалик давлатида намоён бўлувчи Умматнинг ҳазорий лойиҳаси учун бўлишини эълон қилишдир.

«Бир бандани фақат Аллоҳ учун яхши кўриши». Бу жирканч «миллий давлат» асосларига таҳдид соладиган соатли бомбадир! Бу география, қон ва тил чегараларидан хатлаб ўтиб, Умматни ягона бир қолипда эритувчи риштадир. Сен ўз биродарингни «Аллоҳ учун» яхши кўрган вақтда, сенинг «фуқаролигинг» унга ёрдам беришга тўсиқ бўлишини мутлақо рад этасан, «миллий манфаат» уни ёрдамсиз ташлаб қўйиш учун оқлов бўлишини рад этасан.

Бу агар Ғазода ёки Шомда бир аъзоси оғриса, жасаднинг қолган қисми уйқусизлик ва иситма билан бедор бўладиган «ягона жасад»

ҳаловатидир. Бу Умматни парча-парча қилиб ташлаган «бутпараст ватанпарварликка» қарши инқилоб ҳамда фақатгина «Ла илаҳа иллаллоҳ» байроғини тан оладиган Уммат руҳини жонлантиришдир.

Бу ҳадис мустамлакачи бизнинг қонларимиз билан чизган «сунъий чегараларни» хатлаб ўтиб, Покистондаги мусулмоннинг қалбини Судандаги биродарининг қалби билан боғловчи нур толаларини тўқиб чиқаради.

«Куфрга қайтишни худди ўтга ташланишни ёмон кўргандек ёмон кўриши». Бу Ислом нури билан вазъий тузумлар зулматлари ўртасидаги маънавий ажралишдир. Бу зулматлар ва қарамлик асрига «қайтмаслик» эълонидир, бу «Ислом билан азизлик» таъмини тотган, сўнгра уни яна Ғарбга қарамлик қутисига қайтариш ирода қилинган кишининг балиғ (ўткир) ифодасидир.

Бу ердаги куфр шунчаки Яратувчини инкор этишгина эмас, балки халқларни қарзлар, хорловчи битимлар ва сохта демократия билан кишанлаб ташлаган «тоғут тузумдир».

Юксалиш фикрини сипқорган мўмин «фуқаролик давлати» ёки «илмонийлик»да Умматнинг ўзлигини ёқиб юборадиган ва унинг келажакини ютиб юборадиган оловни кўради. Шу сабабли, унинг ўз мабдасида собит туриши, сиёсий савдолашишларни рад этиши ва «ярим ечимларни» қабул қилмаслиги – оловдан қочишдир.

Бу ердаги ҳаловат – ботилга қарши кураш танглигида яшаш куфр тузумлари соясидаги «сохта фаровонликка» шўнғишдан кўра гўзалроқ ва покроқ экани ҳақидаги «содиқларнинг яқийнидир».

Чирик капитализм бошчилигидаги ёвуз мустамлакачилик ҳужумининг оғир босими остида ҳамда халқаро жамиятлар Умматни жиловлаш ва уни ўрмон «қонунийлигига» ва вазъий қонунларга бўйсундириш учун барча қуролларини сафарбар қилаётган бир вақтда; Росулуллоҳ ﷺнинг ҳадислари тубдан ўзгартириш амалиёти учун мустаҳкам фикрий қоида ўлароқ пайдо бўлади.

Албатта «иймон ҳаловати» кураш воқелигидан узилган диний маросим эмас, балки у инсонни Ғарб тузумлари қуллигидан озод

этиб, ваҳий салтанатига қайтарадиган «инқилобий ҳаракатга солувчи кучдир». Бу муҳаббат – Ғазо, Шом, Кашмир ва Туркистондаги мусулмонларнинг қонларини бир қон қилиб қўяди.

У «сунъий чегараларни» рад этадиган ва уларни мустамлакачилик жинояти деб ҳисоблайдиган риштадир.

Бу ердаги иймон ҳаловати «тор ватанпарварликни» рад этишда ҳамда мусулмонлар юртларини ягона бир байроқ – Уқоб байроғи остида бирлаштириш йўлида тинмай меҳнат қилишда мужассамдир, токи мусулмонлар мустамлакачи кофир у билан минг бор ҳисоблашадиган зарбдор халқаро кучга айлансинлар.

Кимга Аллоҳ ва Росули бошқа барча нарсадан кўра суюклироқ бўлса, яҳуд вужудига Исро заминида «ҳақ» инъом этган «халқаро қонунийликни» асло қабул қила олмайди.

Албатта «иймон ҳаловати» БМТ ва Хавфсизлик Кенгаши қарорларига куфр келтиришни ҳамда Фаластиннинг ҳар бир қаричини дарднинг асл манбаи бўлмиш «халқаро ҳамжамиятдан» тиланиш йўли билан эмас, балки армияларни ҳаракатга келтириш орқали озод этишни фарз қилган «Аллоҳнинг ҳукмини» маҳкам тутишни тақозо этади. Бу Оқ уйнинг буйруқларидан юқори турувчи ваҳийнинг мутлақ сиёдатидир.

Албатта «иймон ҳаловати» Умматни ягона бир бутун вужудга айлантирадиган ақида риштасида мужассамдир. Аллоҳ йўлидаги муҳаббат яҳуд вужудини асраб-авайлайдиган «Сайкс-Пико» чегараларининг вайрон бўлишини тақозо этади. Ғазо ва Қуддусга ёрдам бериш шунчаки оддий «инсоний бирдамлик» қаторидан эмас, балки у мусулмонлар юртларидаги қувват ва ҳимоя аҳли зиммасига армияларни Ақсо масжидини поклаш учун юришдан тўсиб турган рувайбизаларни ағдариб ташлашни вожиб қилган ақидавий фарздир.

Бу – босқинчи билан бўлган «хавфсизлик мувофиқлаштирувини» бекор қиладиган ҳамда юртлар ва бандаларни озод этиш учун «жиҳодни» тирилтирадиган биродарликдир.

Албатта «иймон ҳаловати» миллий ҳарбий унвонлардан юқори турадиган иймоний биродарлик риштасини фарз қилади. Аллоҳ йўлидаги муҳаббат Иордания, Миср, Туркия, Саудиядаги аскар зиммасига Ғазо, Судан, Мьянма ва Шомдаги мусулмонларни зудлик билан ёрдам бериш вожиб бўлган «қон ва ақида биродарлари» деб билишни вожиб қилади.

Ҳарбий хизматдаги мўмин «халқаро куфр тузуми» ва унинг қарамлигида қолишни худди ўтга ташланишни ёмон кўргандек ёмон кўриши фарз.

Бу ердаги мабдада собит туриш Ғарб ҳукмронлигидан озод бўлишни ҳамда армияларнинг «терроризмга қарши кураш» ниқоби остида мустамлакачилик манфаатларининг «қўриқчиси» ва халқларни бостириш қуроли бўлишини рад этишни англатади.

Албатта иймон ҳаловати қувват аҳлини ушбу хорликни рад этишга ҳамда малай режимлардан қонунийликни тортиб оладиган ва қувватни унинг ортида туриб жанг қилинадиган ва у билан ҳимояланиладиган «қалқон имом» қўлига топширадиган тубдан ўзгариш орқали вазиятни кескин ўзгартириш учун фаолият олиб боришга ундайди.

Фаластин бугун заиф араб саммитига ҳам, алдамчи халқаро қарорга ҳам мунтазир эмас. Аксинча у ўз ўғлонлари «иймон ҳаловатини» тотган, натижада, Аллоҳ йўлида жонларини аямаган ҳамда капиталистик «халқаро тизим» куллигидан озод бўлган бир Умматга мунтазир.

Бугунги кураш – «озодлик ақидаси» билан «таслим бўлиш ақидаси» ўртасидадир.

Халифаликка бўлган иймон компас, мусулмоннинг ўз мусулмон биродарига Аллоҳ йўлида бўлган муҳаббати ёқилғи, куфр тузумларига бўлган нафрат эса ҳаракатлантирувчи куч бўлсин!

Бугунги Уммат воқелиги ҳақида фикр юритган вақтимизда англаймизки, унинг инқирози қурол етишмаслигида ёки эрларнинг озлигида эмас, балки малай режимлар уни мустамлакачига қарамлик кишанлари билан кишанлаб ташлаган «жанг ақидасидадир». Шу ерда «иймон ҳаловати» ҳадиси

казармалар ичида тубдан ўзгартириш аҳди ҳамда қўшинларни ўз улуғ мақсади сари ҳаракатлантирувчи туртки бўлиш учун келади.

Ҳақиқатда, мустамлакачи мусулмон аскарни ўз мусулмон биродарини шунчаки қўшни давлатнинг ҳарбий кийимини кийиб тургани учунгина «душман» деб, айни пайтда АҚШ ва Франция билан бўладиган «умумий ҳарбий машқларни» хавфсизлик зарурати деб биладиган қилиб қўйди. Унинг муваффақияти ҳам шу ерда!

Вазъий ҳарбий фанларда аскар «буйруқларни», у хиёнат бўлса ҳам, муқаддас билади, «режимга», у тоғут бўлса ҳам, содиқлик билан бўйсунади. Лекин Ислом ақидаси офицер ва аскар зиммасига Аллоҳ ва Росулининг амри улар учун бошқа барча нарсадан кўра суюклироқ бўлишини тақозо этади; яъни агар Олий қўмондоннинг буйруқлари Аллоҳнинг шариатига зид бўлса, Аллоҳ ва Росулининг амри ундан юқори туришини ва яҳуд вужуди чегараларини ҳимоя қилаётган режим манфаатларидан устун бўлишини тақозо этади.

Ҳақиқий ҳарбий ақида шундайки, у аскарга Яратувчига осий бўлинадиган ўринда «рувайбизага» итоат қилиш айни зиён эканини, ҳақиқий вафодорлик Аллоҳнинг динига нусрат бериш ва Унинг калимасини олий қилиш учун бўлишини англаттиради. Бу бугунги кунда армияларни парадлар сари эмас, балки улуғ жанглар сари бошлайдиган Халифаликни барпо этиш учун нусрат беришда намоён бўлади.

Армияларнинг АҚШ ёрдамлари, Ғарб машғулотлари ва қадр-қимматни поймол этувчи хавфсизлик битимларига боғланиб қолиши аскарнинг азиз-мукаррамлиги ва динини куйдириб юборадиган «оловдан» бошқа нарса эмас.

Аммо даъватни кўтариб чиқувчининг онгидаги «иймон ҳаловати» ожизликни қудратга, тарқоқликни бирликка айлантирувчи кучдир.

У намоз тугаши билан ниҳоясига етадиган оддий туйғу эмас, балки у Қуръон Умматининг капиталистик кучларга эргашувчи соя бўлишини ёки худосиз халқларнинг кураш майдонига

айланишини рад этадиган «ҳаёт манҳажидир». Қачонки Уммат ёшлари ушбу ҳаловатни тотсалар, уларнинг наздида зулм тахтлари ўргимчак тўридан ҳам арзимасроқ бўлиб қолади ва мағлуб бўлган «сиёсий воқелик» қоялари мустаҳкам мабдаий қадамлар остида чилпарчин бўлади.

Бу «Халифалик тонгининг» отиши учун йўл ҳозирловчи ҳаловатдир, зеро унда Ислом яна башариятга етакчи бўлади, иймон юракларнинг қуруқ уришидан бутун ер юзини тўлдирувчи адолатга ва мутакаббирлар кишанларини парчаловчи кучга айланади.

Ушбу ҳадиснинг ҳақиқати қалбининг тубига сингиб кетган уммат ҳеч қачон мағлуб бўлмайдиган умматдир. Албатта иймон ҳаловати холислар «уюшмасини» золимлар манманлигига қарши туришда қўллаб-қувватловчи асл озиқдир.

Шундай экан, иймонингиз сиёсий амалингиз учун ёқилғи бўлсин, Аллоҳ ва Росулига бўлган муҳаббатингиз сизни адашиш зулматларида бошлаб борувчи маёқ бўлсин, куфр тузумларига бўлган нафратингиз уларни илдизи билан қўпориб ташлаш учун туртки бўлсин!

Зеро, Халифалик тонги асло БМТ қарорлари билан отмайди, балки иймон ҳаловатини тотиб, ўз жонини Аллоҳга сотган ва Унинг динини қарор топтириш йўлида Унга аҳд берган қалблар билан отади, бу Аллоҳ учун асло қийин эмас.



ИНСОННИНГ ЁЛҒИЗ АЛЛОҲНИНГ ҲИДОЯТИГА БЎЛГАН МУТТАСИЛ ЭҲТИЁЖИ

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿ٱهۡدِنَا ٱلصِّرَٰطَ ٱلۡمُسۡتَقِيمَ﴾

«Бизни тўғри йўлга ҳидоят қилгин».(Фотиҳа 6)

Луғатда «الهدى» (ҳудо) ва «الهداية» (ҳидоят) калималари турли хил маъноларда келади, шунингдек Қуръони Карим ва Набавий Суннатда ҳам. Улар Қуръони Каримнинг бир қанча оятларида инсонда ҳидоятланиш қобилиятини вужудга келтириш маъносида ишлатилган. Бунга мисол Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзи:

﴿وَهَدَيۡنَٰهُ ٱلنَّجۡدَيۡنِ﴾

«Ва Биз уни икки баландликка йўллаб *(ҳидоят қилиб)* ***қўйдик-ку!»***(Балад 10)

яъни яхшилик йўли билан ёмонлик йўли ўртасидаги танлов. Яна Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзи:

﴿إِنَّا هَدَيۡنَٰهُ ٱلسَّبِيلَ إِمَّا شَاكِرًا وَإِمَّا كَفُورًا﴾

«Албатта биз уни *(инсонни)* ***хоҳ у шукр қилгувчи бўлсин, хоҳ кўрнамак-кофир бўлсин*** *(тўғри)* ***йўлга ҳидоят қилдик»***.(Инсон 3)

яъни инсонда шукр билан куфр, яъни иймон билан куфр ўртасида танлов қилиш қобилиятини яратди. Бу маънони Аллоҳ Таолонинг нафсга қасам ичиб айтган ушбу сўзи ҳам тасдиқлайди:

﴿فَأَلۡهَمَهَا فُجُورَهَا وَتَقۡوَىٰهَا﴾

«Унга фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам илҳом қилиб – ўргатиб қўйди». (Шамс 8)

яъни нафсда фожирлик билан тақво ўртасида танлов қилиш қобилиятини жойлаштирди. Биз муҳокама қилаётган ушбу муборак оятда бу маъно назарда тутилмаган.

«الهدى» ва «الهداية» калималари Қуръони Каримнинг кўп ўринларида баён, йўл кўрсатиш, далолат қилиш, қўллаб-қувватлаш, ҳаққа тавфиқ бериш ва унда собит туриш каби маъноларда келган. Биз тўхталган ушбу оятдаги ҳидоят сўрови ҳам мана шу маъноларда келган. Мусулмон ўз намозида Аллоҳ Таолонинг ҳузурида туриб, унинг ҳар бир ракатида Аллоҳ Таолодан ўзини тўғри йўлга ҳидоят қилишини сўрайди ва бу ишни ҳар кеча-кундуз ўнлаб марта такрорлайди. Хўш, тўғри йўл ўзи нима? Нима сабабдан бу сўров кеча-ю кундуз такрорланади? Тўғри йўлга ҳидоят қилиш қандай бўлади? Аллоҳ Таоло тўғри йўлга ҳидоят қилишига ҳақли бўлган кишилар кимлар?

Тўғри йўл (сиротул мустақим) Қуръони Каримда бир неча бор зикр этилган. Уларни имкон қадар зикр этишдан олдин шуни белгилаб ўтмоқчимиз: Аллоҳ Таоло Фотиҳа сурасида тўғри йўлни Аллоҳ уларга инъом қилган зотларнинг йўли деб таърифлади. У Аллоҳнинг ғазабига учраганларнинг, яъни яҳудларнинг йўли эмас ва адашганларнинг, яъни насронийларнинг йўли ҳам эмас. Аллоҳ инъом қилган зотларга келсак, Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло уларни Ўзининг ушбу сўзида зикр этган:

﴿وَمَن يُطِعِ ٱللَّهَ وَٱلرَّسُولَ فَأُوْلَٰٓئِكَ مَعَ ٱلَّذِينَ أَنۡعَمَ ٱللَّهُ عَلَيۡهِم مِّنَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ وَٱلصِّدِّيقِينَ وَٱلشُّهَدَآءِ وَٱلصَّٰلِحِينَۚ وَحَسُنَ أُوْلَٰٓئِكَ رَفِيقٗا﴾

«Кимда-ким Аллоҳ ва пайғамбарга итоат этса, ана ўшалар Аллоҳ инъом қилган зотлар – пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан бирга бўлурлар. Улар эса энг яхши ҳамроҳлардир». (Нисо 69)

Демак, Аллоҳ инъом қилган зотлар – пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлардир. Ким Аллоҳга ва Росулига итоат қилса, маҳшарда ўшалар билан бирга бўлади ҳамда Аллоҳ ва Росулига итоат қилишдан иборат бўлган тўғри йўлга ҳидоят қилинган бўлади. Бу маънони Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзи ҳам тасдиқлайди:

﴿وَمَن يَعۡتَصِم بِٱللَّهِ فَقَدۡ هُدِيَ إِلَىٰ صِرَٰطٖ مُّسۡتَقِيمٖ﴾

***«Ким Аллоҳга боғланса** (яъни Унинг динини маҳкам ушласа) **бас, муҳаққақки, тўғри йўлга ҳидоят қилинибди»**.* (Оли Имрон 101)

Тўғри йўл Аллоҳ Таолонинг йўлидир. Аллоҳ Субҳанаҳу Ўз Росули ﷺга хитоб қилиб айтади:

﴿وَكَذَٰلِكَ أَوۡحَيۡنَآ إِلَيۡكَ رُوحٗا مِّنۡ أَمۡرِنَاۚ مَا كُنتَ تَدۡرِي مَا ٱلۡكِتَٰبُ وَلَا ٱلۡإِيمَٰنُ وَلَٰكِن جَعَلۡنَٰهُ نُورٗا نَّهۡدِي بِهِۦ مَن نَّشَآءُ مِنۡ عِبَادِنَاۚ وَإِنَّكَ لَتَهۡدِيٓ إِلَىٰ صِرَٰطٖ مُّسۡتَقِيمٖ ۞ صِرَٰطِ ٱللَّهِ ٱلَّذِي لَهُۥ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۗ أَلَآ إِلَى ٱللَّهِ تَصِيرُ ٱلۡأُمُورُ﴾

*«(Эй Муҳаммад), **шундай қилиб** (худди аввалги пайғамбарларга ваҳий қилганимиздек) **Биз Ўз амримиз билан сизга Руҳни – Қуръонни ваҳий қилдик. Сиз** (пайғамбар бўлишингиздан) **илгари на Китобни – Қуръонни ва на иймонни** (яъни унинг ҳақиқат-моҳиятини) **билгувчи эдингиз. Лекин Биз уни** (Қуръонни) **бир нур қилдикки, у билан бандаларимиздан Ўзимиз хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилурмиз. Албатта сиз** (ўзингизга тушган ваҳий ёрдамида) **тўғри йўлга етаклайсиз. У** (йўл) **осмонлардаги ва ердаги бор нарса Ўзиники бўлган Зот – Аллоҳнинг йўлидир! Огоҳ бўлингизким, барча ишлар ёлғиз Аллоҳга қайтур!»*** (Шўро 52-53)

Бу икки оят Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло Ўз амридан бўлган Руҳ сифатида Ўз Росулига ваҳий қилган Қуръони Карим Унинг тўғри йўли эканига, у билан Аллоҳ Ўз бандаларидан хоҳлаганини ҳидоят қилишига ҳамда Росул ﷺ тўғри йўлга бошлашига далолат қилади. Қуръони Каримдаги жуда кўплаб оятларда мана шу ҳақиқат айтилган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَهَٰذَا صِرَٰطُ رَبِّكَ مُسۡتَقِيمٗاۗ قَدۡ فَصَّلۡنَا ٱلۡأٓيَٰتِ لِقَوۡمٖ يَذَّكَّرُونَ﴾

***«Бу Роббингизнинг тўғри йўлидир. Эслатма-ибрат олгувчи қавм учун оятларни батафсил қилдик»**.* (Анъом 126)

﴿وَأَنَّ هَٰذَا صِرَٰطِي مُسۡتَقِيمٗا فَٱتَّبِعُوهُۖ وَلَا تَتَّبِعُواْ ٱلسُّبُلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمۡ عَن سَبِيلِهِۦۚ ذَٰلِكُمۡ وَصَّىٰكُم بِهِۦ لَعَلَّكُمۡ تَتَّقُونَ﴾

«Албатта, бу Менинг тўғри йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар!** (Бошқа) **йўлларга эргашмангизки, улар сизларни

Унинг йўлидан узиб қўяр. Шояд тақво қилсангиз, деб сизларни мана шу нарсаларга буюрди». (Анъом 153)

Ушбу икки оятдаги «бу» калимаси билан қилинган ишора Қуръони Каримга тегишли, яъни у Аллоҳнинг тўғри йўлидир.

Бу ўринда шуни айтиб ўтиш лозимки, ҳидоят қилиш Қуръони Каримнинг баъзи ўринларида Аллоҳ Таолога нисбат берилган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَوۡ شَآءَ ٱللَّهُ لَجَعَلَكُمۡ أُمَّةٗ وَٰحِدَةٗ وَلَٰكِن يُضِلُّ مَن يَشَآءُ وَيَهۡدِي مَن يَشَآءُۚ وَلَتُسۡـَٔلُنَّ عَمَّا كُنتُمۡ تَعۡمَلُونَ﴾

«Агар Аллоҳ хоҳлаганида албатта сизларни бир уммат қилган бўлур эди. Лекин У Зот Ўзи хоҳлаган кимсаларни йўлдан оздирур, Ўзи хоҳлаган кишиларни *(тўғри йўлга)* ***ҳидоят қилур. Ва албатта қилиб ўтган амалларингиздан сўралурсизлар»***. (Наҳл 93)

Бошқа ўринларда эса, у бандага нисбат берилган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿مَّنِ ٱهۡتَدَىٰ فَإِنَّمَا يَهۡتَدِي لِنَفۡسِهِۦۖ وَمَن ضَلَّ فَإِنَّمَا يَضِلُّ عَلَيۡهَاۚ﴾

«Ким ҳидоят йўлига юрса, бас, ўзи учун юрар. Ким *(ҳидоят)* ***йўлидан озса, у ҳам ўз зиёнига озур»***. (Исро 15)

Яна баъзи ўринларда эса, юқорида баён қилинганидек, Қуръони Каримга ҳамда росуллар ва уларга эргашганларга нисбат берилган. Ушбу ўринлар ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ; зеро Аллоҳ Таоло инсонда ҳидоят ва залолат қобилиятини яратди, шундайки банда ҳидоят ёки залолат йўлини ўз ихтиёри билан танлайди. Банда танлаши ва ундан юриши лозим бўлган ҳидоят йўли – Аллоҳ Таоло Ўз Росулига нозил қилган йўл, яъни Росул ﷺ баён қилган Қуръони Каримдир. Демак, агар банда ушбу тўғри ва собит йўлни танласа, модомики у ундан юрар ва уни ўз ҳаёти учун манҳаж (дастур) қилиб олар экан, Аллоҳ Субҳанаҳу унга шу йўлда тавфиқ беради, қўллаб-қувватлайди ва собитқадам қилади. Аллоҳ Азза ва Жалла айтади:

﴿وَٱلَّذِينَ ٱهۡتَدَوۡاْ زَادَهُمۡ هُدٗى وَءَاتَىٰهُمۡ تَقۡوَىٰهُمۡ﴾

«Ҳидоят топган – тўғри йўлга юрган зотларга эса *(Аллоҳ)* ***яна ҳидоятни зиёда қилур ва тақво ато этур»***. (Муҳаммад 17)

Ва яна айтади:

﴿وَيَزِيدُ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ٱهۡتَدَوۡاْ هُدٗىۗ﴾

«Аллоҳ ҳақ йўлдаги кишиларга яна ҳидоятни зиёда қилур». (Марям 76)

У Зот иймонни Аллоҳ Таоло томонидан бўладиган ҳидоятга эришиш сабаби қилиб қўйди ва айтди:

﴿وَمَن يُؤۡمِنۢ بِٱللَّهِ يَهۡدِ قَلۡبَهُۥۚ﴾

«Ким Аллоҳга иймон келтирса, У Зот унинг қалбини *(тўғри йўлга)* ***ҳидоят қилур»***. (Тағобун 11)

Аллоҳ Субҳанаҳу Унинг йўлида жиҳод қилишни бандани Аллоҳ Таолонинг йўлларига ҳидоят қилиш сабаби қилиб қўйди ва айтди:

﴿وَٱلَّذِينَ جَٰهَدُواْ فِينَا لَنَهۡدِيَنَّهُمۡ سُبُلَنَاۚ وَإِنَّ ٱللَّهَ لَمَعَ ٱلۡمُحۡسِنِينَ﴾

«Бизнинг *(йўлимиз)****да жиҳод қилган – курашган зотларни албатта Ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз. Аниқки, Аллоҳ чиройли амал қилгувчи зотлар билан биргадир»***. (Анкабут 69)

Аллоҳ Таолонинг ҳидояти аввало қобилиятни яратиш, сўнгра уни танлаган киши учун унда тавфиқ беришдир. Бандaнинг ҳидояти ҳидоят йўлини танлашидир, Қуръоннинг ҳидояти тўғри йўлни баён қилиб беришидир, Росулнинг ҳидояти эса Қуръон ва унинг баёнига далолат қилиш ва йўл кўрсатишдир. Имом Қуртубий ўз тафсирида [1/160] айтади: «Ҳидоят икки хил бўлади: далолат қилиш ҳидояти, унга росуллар ва уларга эргашувчилар қодир бўладилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلِكُلِّ قَوۡمٍ هَادٖ﴾

«Ҳар бир қавм учун *(Аллоҳ йўлига)* ***етакловчи – ҳидоят қилгувчи бордир»***. (Раъд 7)

﴿وَإِنَّكَ لَتَهۡدِيٓ إِلَىٰ صِرَٰطٖ مُّسۡتَقِيمٖ﴾

«Албатта сиз *(ўзингизга тушган ваҳий ёрдамида)* ***тўғри йўлга етаклайсиз»***. (Шўро 52)

Бу оятлар росулларнинг – маъноси далолат, даъват ва огоҳлантириш бўлган – ҳидоят қилишини тасдиқлайди. Аллоҳ

Таоло қўллаб-қувватлаш ва тавфиқ бериш маъносидаги ҳидоят билан ёлғиз Ўзи хосланди. Аллоҳ Ўз Набийси ﷺга айтди:

﴿إِنَّكَ لَا تَهۡدِي مَنۡ أَحۡبَبۡتَ﴾

«Аниқки, сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмассиз» (Қасос 56)

Ҳидоят ушбу эътибор билан қалбда иймонни яратиш маъносида келади. Аллоҳ Таоло шу маънода айтади:

﴿أُوْلَٰٓئِكَ عَلَىٰ هُدٗى مِّن رَّبِّهِمۡۖ﴾

«Роббилари тарафидан ҳидоят топганлар ана ўшалардир». (Бақара 5)

Яна айтади:

﴿وَيَهۡدِي مَن يَشَآءُۖ﴾

«Ва Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур». (Фотир 8)

Имом Қуртубий]нинг сўзи тугади.

Эҳтимол, бирор киши инсон учун ҳидоятнинг аҳамияти қай даражада экани ҳақида савол бериши мумкин. Унга жавоб бериш учун инсон воқелигини ҳамда унинг инсон ҳисси тушадиган бошқа махлуқотлардан фарқ қилишини идрок этиш лозим. Аллоҳ Таоло бу махлуқотларни яратиб, уларга ўз қонунларини белгилаб қўйди. Бу қонунлар уларни ислоҳ қилади ва улар шу қонунлар билан ислоҳ бўлади. Фақат инсон бундан мустасно, зеро Аллоҳ Субҳанаҳу уни ер юзида халифа қилиш учун танлади. Уни ўз ҳаётини тартиблайдиган бирор тузумга мажбурламади, балки унга ўзи юрадиган тузумни танлаши учун ақл берди. Унда қондирилиш учун қонунга муҳтож бўлган узвий эҳтиёжлар ва ғаризаларни яратди. Унинг чекланган ақли инсон учун Аллоҳ Таолони рози қиладиган фаровон ҳаётни рўёбга чиқарадиган тузумга ўзи етишга асло қодир эмас. Чунки инсоннинг ақлий ҳукмлари ихтилоф, тафовут, зиддият ва атроф-муҳитдан таъсирланишга маҳкум. Шунинг учун у инсонларни Аллоҳ Таолонинг низомига ва У рози бўладиган нарсаларга ҳидоят қилиши учун Аллоҳ Таоло Ўз росулларига нозил қилган тузумга муҳтож. Демак, мусулмон банда кеча-ю кундуз ўнлаб марта Аллоҳ Субҳанаҳудан ўзини

тўғри йўлга ҳидоят қилишини сўрашидан ҳамда Аллоҳ Таолодан осмонлардаги ва ердаги барча нарса Ўзиники бўлган Аллоҳнинг йўлида – сиротул мустақимда собит қилишини талаб этишидан асло ажабланмаслик лозим. Аммо Аллоҳ Таолонинг низомига эргашмаслик эса, аниқ ҳавои нафсга эргашишдир ва у айни залолатдир. Аллоҳ Таоло ундан қайтариб, шундай деди:

﴿وَلَا تَتَّبِعِ ٱلۡهَوَىٰ فَيُضِلَّكَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِۚ﴾

«Бас сен** (нафс) **хоҳишига эргашиб кетмагин! Акс ҳолда у сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур». (Сод 26)

ва яна деди:

﴿أَفَرَءَيۡتَ مَنِ ٱتَّخَذَ إِلَٰهَهُۥ هَوَىٰهُ وَأَضَلَّهُ ٱللَّهُ عَلَىٰ عِلۡمٖ وَخَتَمَ عَلَىٰ سَمۡعِهِۦ وَقَلۡبِهِۦ وَجَعَلَ عَلَىٰ بَصَرِهِۦ غِشَٰوَةٗ فَمَن يَهۡدِيهِ مِنۢ بَعۡدِ ٱللَّهِۚ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ﴾

«(Эй Муҳаммад), ***ҳавойи нафсини ўзига «илоҳ» қилиб олган ва Аллоҳ уни билган ҳолида йўлдан оздириб, қулоқ ва қалбини муҳрлаб, кўз олдига парда тортиб қўйган кимсани кўрганмисиз? Бас, уни Аллоҳ*** *(йўлдан оздиргани)***дан сўнг ким ҳидоят қила олур?! Ахир эслатма-ибрат олмайсизларми?!»** (Жосия 23)

Аллоҳим, бизни тўғри йўлга ҳидоят қилгин.



Шомда армия қўмондонлиги сафларига жиноятчилар ва Ғарб давлатларига содиқ кимсалар киритилишига қарши намойишлар бўлиб ўтди

2026 йил 11 март, чоршанба куни кечқурун Раққа шаҳри аҳолиси Сипан Ҳемони (Sîpan Hemo) Шарқий минтақа бўйича мудофаа вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш қарорига қарши норозилик намойиши ўтказди. Намойишчилар шаҳар марказидаги Наъим айланма чорраҳасида тўпланиб, қарорга норозиликларини ифодалаган плакатлар кўтардилар ва шиорлар айтдилар. Улар ушбу қарорни бекор қилишни талаб қилдилар.

«Тааккуд» агентлигининг минтақадаги мухбири хабар беришича, намойишчилар Ҳемони Сурия демократик кучлари (СДК) назорати остида бўлган ҳудудларда араб аҳолига қарши уруш жиноятларини содир этганликда айбладилар. Мухбирнинг айтишича, намойиш иштирокчилари ўз норозиликлари сўнгги йилларда минтақада юз берган қурбонлар ва ҳуқуқбузарликларга нисбатан беписанд муносабатда бўлинаётганига қарши эътироз ҳам эканини таъкидлаганлар. Уларнинг фикрича, мазкур тайинлов Шарқий минтақа аҳолисининг талаб-эҳтиёжларини инобатга олмайди.

Намойишчилар шаҳар шаъни ва қурбонлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга содиқ эканликларини ифодаловчи шиорларни айтиб, «Раққа ҳеч қандай шароитда ҳуқуқбузарликларни оқлашга ёки номи бундай қилмишлар билан боғлиқ бўлган кишиларни мукофотлашга рози бўлмайди», деб таъкидладилар. Шунингдек, улар Ҳасака ва Дайр аз-Зур вилоятлари ҳамда СДК назорати остида бўлган йиллар давомида унга тобе кучлар томонидан оғир

тажовузларга дучор бўлган бошқа шаҳарлар билан бирдамликларини ифодалаган шиорларни ҳайқирдилар.

Сурия Мудофаа вазирлигининг ахборот бўйича масъули Осим Ғалиюн бундан аввал Сипан Ҳемо Сурия Араб Республикасининг Шарқий минтақа бўйича мудофаа вазири ўринбосари этиб тайинланганини эълон қилган эди.

Сипан Ҳемо курд ҳарбий раҳбари сифатида танилган бўлиб, у Курдистон ишчилар партияси (PKK) билан боғлиқ Халқни ҳимоя қилиш бўлинмалари (YPG) бош қўмондони лавозимида ишлаган. Шунингдек, у турли даврларда СДК доирасида қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатган.

Ал-Ваъй: Бу – сиёсий онгнинг йўқолиши ва муаммоларни муолажа қилишда мабдаийликнинг йўқлиги натижасидир. Чунки, бу ҳолатда қарорлар шаръий ҳукмлар ва Исломнинг ўзгармас тамойилларини эътиборга олмасдан, ҳавойи нафс ва вақтинчалик манфаатларга қараб қабул қилинади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَفَنَجۡعَلُ ٱلۡمُسۡلِمِينَ كَٱلۡمُجۡرِمِينَ﴾

«Ахир Биз мусулмонларни жиноятчи кимсаларга баробар қилурмизми?!» (Қалам 35)

Шомда «шахсий эркинликлар» ниқоби остида ҳаромни ҳалол қилиш: Спиртли ичимликлар савдоси

Дамашқ вилояти маъмуриятининг Дамашқда спиртли ичимликлар савдосини чеклаш қарори юзасидан берган изоҳи ва ўзини оқлаши инқирозни бартараф эта олмади. Якшанба куни юзлаб сурияликлар Дамашқда бу қарорга норозилик сифатида жим туриш намойишига тўпландилар. Намойишчилар фуқаролик жамияти фаолларининг чақириғига кўра, аҳолисининг аксарияти насронийлардан иборат Боб Тумо маҳалласи майдонига кучайтирилган хавфсизлик чоралари остида йиғилдилар. Бу ҳаракат шахсий эркинликларга дахл қилинишига қарши

норозиликни акс эттирди. Шунингдек, намойишчилар Сурия байроғини ҳамда араб ва инглиз тилларида ёзилган плакатларни кўтардилар. Уларнинг бирида: «Шахсий эркинлик қизил чизиқдир», деб ёзилган эди.

Ўз навбатида, 60 ёшли профессор Ҳанон Осий «Конституция моддалари – талаб эмас, ҳуқуқдир» деган ёзувли плакатни кўтариб чиқди. Унинг таъкидлашича, сурияликлар қашшоқликдан тортиб, ўз юртидан кўчишга мажбур бўлганлар, бошпанасизлар ва қочқинларгача бўлган минглаб унутилган муаммоларга дуч келмоқда. «Биз ҳозир бўлиниш эмас, бунёдкорлик босқичидамиз», - деди у «Франс Пресс» агентлигига берган интервьюсида.

Бу норозилик Дамашқ вилояти маъмурияти 17 март куни спиртли ичимликларнинг ёпиқ идишлардаги турларини фақат насронийлар кўпчиликни ташкил этган уч ҳудудда – Қусоъ, Боб Тумо ва Боб Шарқийда сотишга рухсат бериш ҳамда уларни ресторан ва кўнгилочар масканларда тортиқ этишни тақиқлаш ҳақида қарор чиқарганидан кейин юзага келди. Маъмурият бу қарорни маҳаллий аҳолидан келиб тушган шикоятлар билан изоҳлади ва бу орқали «жамоат ахлоқига зид ҳолатларни» чеклашга интилаётганини айтди.

Дамашқ маъмурияти қарорида: «Дамашқ шаҳридаги ресторанлар ва тунги клубларда спиртли ичимликлар тортиқ этилиши тақиқлансин», ҳамда «ёпиқ идишлардаги спиртли ичимликларни фақат Боб Тумо, Қусоъ ва Боб Шарқийда тижорат биноси лицензиясига эга бўлган махсус дўконларда сотиш билан чеклансин», деб белгиланган.

Ал-Ваъй: Қонунчилик – бугун Шомда бўлгани каби – Аллоҳдан бошқага тегишли бўлган вақтда одам ҳар нарсани кутиши мумкин. Туркиянинг кафиллигига ва унинг ортида турган, ўз вакиллари орқали илмоний сиёсий лойиҳаларни амалга ошираётган Америкага қарамлик шароитида бундай ҳолат юз бериши табиий эди. «Соқолли» ташқи кўринишга эга ҳокимият спиртли ичимликларни дўконларда сотишга рухсат берди, бу жойлар

қандай номланишидан қатъий назар. Ҳатто бу масалада Ҳофиз ва Башар давридан қолган қонунларни ҳам ўзгаришсиз сақлаб қолди.

Миср Фиръавни: Ислом ва мусулмонларга қарши уруш, мустамлакачилик ва мустамлакачиларга тинчлик

Ҳизб ут-Таҳрир Миср вилояти матбуот бўлими ҳижрий 1447 йил 4 шаввол, 2026 йил 22 март куни чиқарган матбуот баёнотида шундай дейилган:

Мисрдаги фиръавний режим Вашингтондаги хўжайинларининг буйруқларига бўйсунди. Унинг хавфсизлик идоралари Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик давлатини барпо этиш даъватини кўтариб чиқувчиларга қарши кенг қамровли тинтув ва ҳибсга олиш кампаниясини бошлади. Бу ишлар муборак Рамазон ойининг сўнгги фазилатли кунлари ва ҳайит кунларида амалга оширилди. Шу тариқа, режим Исломнинг барча маросимларини ва бу муборак кунларнинг ҳурматини оёқ ости қилди. Бундан ташқари, мусулмонларнинг ҳурмати, шаъни ва уйларининг дахлсизлиги поймол этилди. Хавфсизлик кучлари тунги ибодатлар адо этилаётган кечаларда ўз уйларида хотиржам ўтирган аёллар, болалар ва қарияларни қўрқувга солишди, уйларда ваҳшийларча тинтув ўтказиб, эшикларни синдиришди, жиҳозларни вайрон қилишди, аёллар ва болаларни уйларидан чиқариб юборишди ҳамда алоқа воситаларини мусодара қилишди. Бундай манзараларни биз фақат телевизор экранларида босқинчи яҳудий армиясининг муборак Фаластин заминидаги аҳлимизга қарши жиноятларида кўрган эдик.

Биз биламизки, бу кампания режимнинг даъватчилардан қўрқиши сабабли бўлган маҳаллий омиллар таъсирида содир этилмади. Зеро, бу уруш унинг уруши эмас, бу кураш ҳам у билан боғлиқ эмас, балки салибчи Американинг буйруқларини бажаришдир. Америка Халифаликка даъватнинг нақадар хавфли эканини жуда яхши англайди. Бу ҳақда яқинда унинг салибчи

уруш вазири Пит Хегсетнинг баёнотларида ҳам сўз борди. Чунки АҚШнинг мусулмон юртларидаги мустамлакачилик таъсирини йўқ қилиш – худди Фиръавннинг ниҳояси саййидимиз Мусо ʋнинг қўли билан бўлгани каби – фақат саййидимиз Муҳаммад ﷺнинг издошлари қўли билан амалга ошишини Америка жуда яхши билади. Миср режими эса, Ислом Умматини рошид Халифаликни барпо этиш орқали уйғонишга даъват қилаётган кишиларни бостиришда салибчи Америка фойдаланаётган ифлос бир воситадан бошқа нарса эмас. Зеро, ушбу Халифалик мусулмонлар юртларини бирлаштиради, улардан Ғарб мустамлакачилигининг таъсирини илдизи билан қўпориб ташлайди, яҳуд вужудини йўқ қилади ва муборак Фаластин заминини яҳудийлар ифлослигидан поклайди. Бу Росулуллоҳ ﷺнинг яҳудийларни ўлдириш ва 20 кундан ортиқ вақтдан бери асир ва ёпиқ ҳолда турган Масжидул Ақсони озод қилиш ҳақидаги башоратини рўёбга чиқаради.

Эй Кинона замини бўлмиш Миср аҳли: Сизлар Миср режими Халифалик қулатилганидан буён салибчилар иттифоқига жалб этилганини жуда яхши тушунасизлар. Фаластинда жирканч яҳуд вужуди содир этаётган қирғинларга нисбатан унинг хорларча позицияси, имом Муслим ва Бухорий юрти бўлмиш Эронда Америка содир этаётган қирғинларга томошабин бўлиб туриши ҳамда Сувайш каналини АҚШ ҳарбий денгиз флоти учун ланг очиб бериши – унинг Умматингизга душман эканининг далилидир. Бу Аллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзларини тасдиқлайди:

﴿وَإِذَا رَأَيۡتَهُمۡ تُعۡجِبُكَ أَجۡسَامُهُمۡۖ وَإِن يَقُولُواْ تَسۡمَعۡ لِقَوۡلِهِمۡۖ كَأَنَّهُمۡ خُشُبٞ مُّسَنَّدَةٞۖ يَحۡسَبُونَ كُلَّ صَيۡحَةٍ عَلَيۡهِمۡۚ هُمُ ٱلۡعَدُوُّ فَٱحۡذَرۡهُمۡۚ قَٰتَلَهُمُ ٱللَّهُۖ أَنَّىٰ يُؤۡفَكُونَ﴾

«Қачон сиз уларга боқсангиз уларнинг жисмлари сизни ҳайратга солур, сўзлашганда эса сўзларига *(берилиб)* ***қулоқ солурсиз.*** *(Лекин уларнинг диллари иймон ва яхшиликдан холи бўлгани учун)* ***улар гўё*** *(деворга)* ***йўлаб қўйилган*** *(чирик)* ***ёғочларга ўхшайди. Улар*** *(юраксизликлари сабабли)* ***ҳар бир қичқириқ-овозни устларига*** *(тушаётган бирон бало-офат деб)* ***гумон қилишади. Улар душманлардир. Бас, улардан эҳтиёт бўлинг!***

Уларни Аллоҳ лаънатлагай! Қандай адашишмоқда-а!» (Мунофиқун 4)

Бас, ушбу жирканч фиръавний режимни жиловланг ва ҳақиқий уйғониш лойиҳаси соҳиби бўлмиш Ҳизб ут-Таҳрир билан бирлашиб, Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифаликни барпо этишга киришинг! Шунда уни барпо этиш шарафига эришасиз, бу борада бошқалардан ўзиб, хайрли ишларда мусобақалашасиз. Натижада дунё азизлиги ва охират неъматларига ҳамда бундан ҳам улуғроқ бўлган Аллоҳнинг розилигига эришасиз. Билингки, сизлар бу ишга муносибсиз ва Аллоҳнинг изни билан уни амалга оширишга қодирсиз. Ҳатто режим сизларни бостириш ва нафасингизни бўғиш учун барча имкониятларини ишга солса ҳам, у ўзининг аждоди Фиръавндан кучлироқ ва зўравонроқ бўла олмайди. Зеро, Аллоҳ уни денгизга ғарқ қилиб ҳалок қилган:

﴿وَإِذۡ فَرَقۡنَا بِكُمُ ٱلۡبَحۡرَ فَأَنجَيۡنَٰكُمۡ وَأَغۡرَقۡنَآ ءَالَ فِرۡعَوۡنَ وَأَنتُمۡ تَنظُرُونَ﴾

«Денгизни ўртасидан бўлиб сизларни қутқариб, кўз ўнгингизда Фиръавн одамларини ғарқ қилганимизни эсланглар».(Бақара 50)

Эй хавфсизлик идораларидаги мусулмонлар: Аллоҳнинг сизларга нисбатан ғазабидан эҳтиёт бўлинглар, акс ҳолда Аллоҳ Фиръавнни ҳалок қилганидек сизларни ҳам ҳалок қилади. Бу эса сизлардан ўз раҳбарларингиз буйруқларига бўйсунмасликни талаб қилади. Зеро, раҳбарларингиз сизларни Ислом ва мусулмонларнинг ҳурматини поймол қилиш, тинч аҳолини ваҳимага солиш ҳамда даъватчиларни қамаб, азоблаш орқали ўзларингизни ҳалокатга ташлашга буюрмоқда. Эсингизда тутинг, Қурайш мушриклари раҳбарларингиз сизларга буюраётган ишни қилишдан ор қилишган, «Муҳаммаднинг қизларини қўрқитишди», деб айтилишидан қўрқиб, Набий ﷺнинг уйларига бостириб киришдан бош тортишган эди. Наҳотки, сизларда Абу Жаҳл ва Валид ибн Муғирада бўлган ор-номус ҳам қолмаган бўлса?! Шуни ҳам ёдда тутингки, «бу раҳбарнинг буйруғи» деган баҳона билан қилаётган ишларингиз учун узрли бўлиб қолмайсиз. Бу гуноҳда

сизлар ҳам Фиръавн ва Ҳомон билан баробардирсиз. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ فِرۡعَوۡنَ وَهَٰمَٰنَ وَجُنُودَهُمَا كَانُواْ خَٰطِـِٔينَ﴾

«Албатта Фиръавн, Ҳомон ва уларнинг лашкарлари хато қилгувчи бўлишди». (Қасос 8)

Сизлар улуғ саҳобаларга эргашишингиз вожиб. Сизни дўзахдан қутқариш учун Мисрни фатҳ этган Амр ибн Оснинг аскарлари каби бўлинглар. Мўминларни иймонлари сабабли таъқиб қиладиган, уларни динлари сабабли фитнага соладиган ва бу Умматнинг буюк Ислом орқали юксалишига тўсқинлик қиладиган Фиръавн лашкарига айланманглар! Бас, Аллоҳдан қўрқинглар! Аллоҳ йўлида Фиръавн ва унинг ҳомонларининг маломатидан қўрқманглар, улар қанчалик кўп ва зўравон бўлишса ҳам!

﴿يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱسۡتَجِيبُواْ لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمۡ لِمَا يُحۡيِيكُمۡۖ وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّ ٱللَّهَ يَحُولُ بَيۡنَ ٱلۡمَرۡءِ وَقَلۡبِهِۦ وَأَنَّهُۥٓ إِلَيۡهِ تُحۡشَرُونَ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага *(яъни, динга)* ***даъват қилар экан, уни қабул қилинглар ва билингларки, шубҳасиз, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турур ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига тўпланурсизлар»***. (Анфол 24)

Қадрли ўқувчилар: Муҳтарам биродаримиз, муҳандис Соир Салома (Абу Молик) – Аллоҳ уни яхшилик билан мукофотласин – бизга қуйидагиларни йўллади:

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва борокатуҳ

Менинг «Ал-Ваъй» журналининг 474-475-476-сонларида «Ҳилол кузатуви ва астрономик ҳисоб: илмий ва шаръий ёндашув» сарлавҳаси остида чоп этилган мақоламга нисбатан бир мулоҳаза келиб тушди. Унда мақоладаги айрим фикрлар ҳилолни кўриш масаласида гувоҳларнинг шаҳодатини рад этиш учун астрономик ҳисоб-китобга таянишга чақириқ сифатида тушунилгани айтилган. Мақоладаги ифода усули мақсадимни аниқ баён қилиш учун кифоя қилмаган кўринади. Шу боис тушунмовчиликни бартараф этиш ва фикримни баён қилишдаги камчилик учун узр сўраш мақсадида бу масалага ойдинлик киритишни истадим.

Менинг мақсадим асло мусулмон киши ҳилол кўрингани тасдиқланиши масаласини кўриб чиқишга ваколатли қози ёки идора ҳукм чиқарганидан кейин астрономик ҳисоб-китобларга таяниб, бу ҳукмни рад этишга, унга амал қилишдан бош тортишга ёки мазкур гувоҳлик айрим астрономик маълумотларга зид эканини баҳона қилиб, жамиятда ихтилоф ва тартибсизлик келтириб чиқаришга ҳақли деган фикр бўлмаган. Бу менинг мақсадим эмас ва сўзларимдан ҳеч қандай ҳолатда бундай маъно тушунилишини истамаганман. Балки, менинг назаримдаги ва қатъий таъкидлайдиган фикр шуки, рўза тутиш, рўзани тугатиш ва Қурбон ҳайити мусулмонларнинг бирдамлиги намоён бўлиши лозим бўлган умумий маросимлардандир, улар ихтилоф ва тортишувга сабаб бўлмаслиги керак. Шунинг учун ҳадисда шундай дейилган: **«Рўза – сизлар рўза тутган кун, рўза ҳайити – сизлар рўзани тугатган кун, қурбон ҳайити эса, сизлар қурбонлик қилган кундир»**. Бу ҳадис ушбу ибодатларда

мусулмонларнинг бирдамлигини эътиборга олиш лозимлигини кўрсатади. Шунингдек, бу масала мусулмонлар жамоасига қарорни кўриб чиқиш ва эълон қилиш масъулияти юклатилган идорага топширилишини англатади. Агар қозилик ёки ҳокимлик ваколатига эга шахс, ёки ҳилолларни кузатиш ва гувоҳликларни текшириш вазифаси юкланган ҳайъат қарор чиқарса, мусулмон киши ҳисоб-китобни ёки одамлар орасида беқарорлик келтириб чиқариб, уларнинг бирлигини бузадиган бошқа важларни рўкач қилиб, бу қарордан четга чиқмаслиги керак. Мақоладан мақсад мусулмонларнинг мавжуд сиёсий чегаралар сабабли бўлиниши ҳамда турли юртларда рўза тутиш ва рўзани тугатишдаги фарқлар туфайли юзага келган фитнадан, астрономик ҳисоб-китобларни қабул қилиш ёки қилмаслик борасидаги ихтилоф ёхуд бу масалада қайси идорага таяниш кераклиги ҳақидаги келишмовчиликдан иборат янги фитнага ўтиш эмас эди. Балки, мақсад бўлиниш сабабларини бартараф этиш эди, унинг учун янги эшик очиш эмас. Астрономик ҳисоб-китоб рўза тутиш ёки рўзани тугатишни тақозо этувчи ҳилол кўринганини исботлашда шаръан эътиборга олинмаслигини тўлиқ англаган ҳолда айтаманки, гувоҳлар билан мунозара қилинган вақтда содир бўлиши мумкин бўлган иш астрономик атамалар ва назариялар доирасида эмас, балки ҳилолни кўриш доирасида бўлади. Масалан, гувоҳдан кўзининг соғломлиги, осмондаги жисмни қайси кўринишда кўрди: уни ҳилол, доира ёки бошқа шаклда кўрдими, ёйнинг қайси томонга қарагани, уни қачон кўргани: қуёш ботишидан олдинми ёки кейинми, уни ёлғиз ўзи кўрдими ёки у билан бирга бошқа биров ҳам кўрдими? каби кузатувнинг тавсифига оид саволлар сўралади. Булар қози ёки масъул томонга гувоҳликнинг тўғрилигини текширишда ёрдам беради.

Аммо гувоҳ билан мунозарани махсус астрономик саволларга қурилиши, масалан: ҳилолни қуёш билан қўшилишидан олдин ёки кейин кўргани, унинг горизонтдан қанча баландликда бўлгани, Данжон чегараси қанча бўлгани ва шунга ўхшаш техник истилоҳлар устига қурилиши, бу оддий гувоҳлар зиммасига юкланадиган иш эмас ҳамда шариат рўза ва ҳайитнинг собит

бўлишини унга боғлаб қўйган асос ҳам эмас. Гувоҳликни қабул қилиш ёки рад этиш қозининг ёки бу ишга шаръан ваколат берилган идоранинг вазифасидир; улар бунда гувоҳликнинг қанчалик ишончли ва асосли эканини кўриб чиқадилар.

Бу бобдаги шаръий далиллар очиқ-ойдиндир, бунга Набий ﷺнинг ушбу сўзлари кифоя қилади: **«Ойни кўриб рўза тутинглар ва уни кўриб оғиз очинглар, агар у тўсилиб қолса, унда Шаъбоннинг саноғини тўла ўттиз кун қилинглар»**. Набий ﷺ ҳукмни ойни кўришга боғладилар, булут ёки шунга ўхшаш сабаблар туфайли у мумкин бўлмай қолса, саноқни тўла ўттиз кун қилишга буюрдилар. Ҳолбуки ҳилолнинг булут ортида мавжудлиги ҳисоб-китоб орқали маълум бўлиши мумкин. Шундай бўлса-да, Шореъ ушбу ҳисобий илмни ҳукмда суяниладиган асос қилмади, балки ҳукмни кўришга ёки у мумкин бўлмаганда саноқни тўла қилишга боғлади.

Шунга кўра, мақолада келган айрим фикрлардан астрономик ҳисоб-китобга таяниб гувоҳликни рад этиш, ҳилолни қидиришни (таҳаррийни) зарурати бўлмаган иккинчи даражали иш қилиб қўйиш ёки ҳисоб-китобни ҳилол масалаларини кўриб чиқишга ваколатли идора тасдиқлаган маълумотлардан устун қўйиш маъноси тушунилиши мумкин бўлса, мен бундай тушуниш назарда тутилмаганини очиқ-ойдин таъкидлайман. Бу маънони ифодалаган ҳар қандай ибора бекор қилинади ва бунинг учун очиқ-ойдин узр сўрайман. Ифодадаги ушбу хато, шунингдек, шарҳ ва баёндаги камчиликлар учун яна бир бор узр сўрайман. Раҳмон ва Раҳим бўлган Аллоҳдан ўзим ва барча биродарларим учун бизни ҳақ устида маҳкам турувчи, унга холис бўлган, Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмайдиган зотлардан қилишини сўрайман. Шунингдек мусулмонларни ягона ҳақ сўз устида жамлашини, уларнинг сафларини Ислом байроғи – «Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур Росулуллоҳ» байроғи остида бирлаштиришини сўрайман. Аллоҳ эшитувчи ва дуоларни ижобат қилувчидир.

Абу Молик, Соир Салома.

УЛУҒ САҲОБИЙ САЛАМА ИБН АКВАЪ

Райён Исо – Ироқ

Росулуллоҳ ﷺнинг саҳобалари сийратидан биз шижоат ва жасорат дарсларини оламиз. Ушбу пок саҳобалар ўз фикрлари, ақидалари ва шижоатлари билан дунё қиёфасини ўзгартирдилар. Агар биз улар эришган нарсага эришишни истасак, уларнинг сийратларига эргашишимиз, динимиз ва ақидамиз йўлида қурбон беришимиз вожиб бўлади. Биз ушбу мақолада жасур саҳобалардан бири, яъни улуғ саҳобий Салама ибн Акваъ т ҳақида сўз юритамиз.

Бухорий Салама розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда айтади: «Набий ﷺга байъат бердим, сўнгра дарахт соясига ўтдим. Одамлар тарқалганда у киши: «Эй Ибн Акваъ, байъат бермайсанми?» дедилар. Мен айтдим: «Байъат бердим, ё Росулуллоҳ». Дедилар: «Яна бир бор». Шунда, у кишига иккинчи бор байъат бердим». Мен унга: «Эй Абу Муслим, ўша куни нимага байъат берган эдингизлар?» дедим. Айтди: «Ўлимга». Буни Муслим, Термизий, Насоий, Байҳақий ва Ибн Саъд ҳам ривоят қилганлар.

Бухорий шунингдек Абдуллоҳ ибн Зайд тдан чиқарган ҳадисда айтади: «Ҳарра воқеаси бўлганда, унинг (Саламанинг) ҳузурига бир киши келиб: «Ибн Ҳанзала одамлардан ўлимга байъат олмоқда», деди. Шунда у: «Росулуллоҳ ﷺдан кейин бу ишга ҳеч кимга байъат бермайман», деди». Буни Муслим ва Байҳақий ҳам чиқарганлар.

У Салама ибн Амр ибн Акваъ Асламийдир, куняси Абу Муслим. У Аслам қабиласининг етакчилари ва баҳодирларидан

ҳисобланар эди. У улуғ саҳобий ва ажралиб турувчи шижоат соҳиби бўлиб, «пиёдалар қаҳрамони» ва маҳоратли мерган сифатида машҳур эди. Набий ﷺга дарахт остида (байъатур-ризвонда) байъат берган. Отлардан ҳам ўзиб кетадиган ўта юқори тезлиги билан танилган ва кўплаб ғазотларда иштирок этган, уларнинг энг кўзга кўрингани ўзига хос қаҳрамонлик кўрсатган Зий Қарад ғазотидир. Мадинаи Мунавварада, Рабзада ҳижрий 74 йилда вафот этган.

Аттоф ибн Холид Абдураҳмон ибн Разийндан нақл қилади: «Рабзада Салама ибн Акваънинг ҳузурига келдик, у худди туянинг туёғидек йўғон қўлини чиқарди ва: «Шу қўлим билан Росулуллоҳ ﷺга байъат берганман», деди. Шунда биз унинг қўлини тутиб ўпдик». Унинг мавлоси Язид айтади: «Саламанинг соқолини қалин қўйганини кўрдим ва унинг: «Росулуллоҳ ﷺга ўлимга байъат берганман ва у зот билан бирга еттита ғазотда жанг қилганман», деганини эшитдим».

У Зий Қарад ғазотида ўта шиддатли қаҳр ва ўхшаши кам бўлган шижоат кўрсатди: бу унинг энг машҳур позицияларидан бўлиб, у ерда ёлғиз ўзи Ғатафондан бўлган, Росулуллоҳ ﷺнинг туяларини ўғирлаган қирқ нафар отлиқни таъқиб қилди ва улар билан пиёда юрган ҳолда урушди ҳамда унга ёрдам етиб келгунига қадар туяларни қайтариб олди. Росул ﷺ у ҳақида: «Пиёдаларимизнинг яхшиси Салама ибн Акваъдир», деганлар.

Набий ﷺдан бир нечта ҳадислар ривоят қилган, ундан унинг ўғли Иёс ва мавлоси Язид ибн Абу Убайд ривоят қилганлар.

У Рабзада (Мадинага яқин жойда) истиқомат қилган ва у ерда ҳижрий 74 йилда, Муовия ибн Абу Суфён халифалигининг охирги даврларида вафот этган. Вафоти бундан олдин бўлган деган ривоят ҳам бор. Аллоҳ уни Ўз кенг раҳматига олсин ва инша Аллоҳ унга Ўзининг ва бизнинг суюклимиз бўлмиш Мустафо ﷺнинг ёнларида, олий Фирдавс жаннатидан жой берсин.

КУЧ-ҚУДРАТ ҲАҚИДАГИ АФСОНА ПАРЧАЛАНГАНДА

АҚШ ва яҳудларнинг Эронга қарши охирги уруши Ғарб ва унинг бошида турган АҚШ узоқ вақт давомида яширишга уриниб келган улкан бир ҳақиқатни фош этди: қувват фақат давлат эгалик қиладиган авианосецлар, захирасида сақлайдиган ядровий каллаклар ёки намойиш этадиган салобат ва зўравонлик манзараларидагина эмас. Балки у умматнинг жаҳон ҳаётига, жаҳон иқтисодининг қон томирларига ҳамда энергия, озиқ-овқат ва савдо хавфсизлигига ҳақиқий таъсир кўрсатувчи калитларга эгалигида ҳам намоён бўлади.

Ислом олами тарихнинг четида турмаслиги ва ёки бошқаларнинг ёрдамига қарам ҳолда яшамаслиги аён бўлди. Аксинча, у ушбу асрдаги энг улкан куч манбаларидан бирига эга. Бу – жаҳон савдоси амалга ошадиган денгиз бўғозлари, нефть, газ ва ўғитларнинг улкан захиралари, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ҳаракат йўналишлари боғлиқ бўлган географик мавқе ҳамда, агар тўғри йўналтирилса, дунёнинг қиёфасини ўзгартириб юборадиган инсоний ва иймоний қувватга эга бўлган халқлардир. Ҳурмуз бўғози бунинг биргина мисолидир. Ахир, умматимизга тегишли бўғозлардан биридаги таҳдиднинг ўзи туфайли қанча буюк давлатларнинг бозорлари титрамоқда, ҳисоб-китоблари изтиробга юз тутмоқда ва иқтисодий хавфсизлиги издан чиқмоқда!

Бу – ҳақиқатларни очиб берувчи бир лаҳзадир: «буюк куч» деб аталган давлатлар Аллоҳ мусулмонлар юртларига жойлаб қўйган таъсир воситалари қаршисида заиф экани маълум бўлди. Ўнлаб йиллар давомида мустаҳкамдек кўринган нарсалар эса Ислом олами – таъсири кўплаб ҳалокатли қуроллардан анча устун карталарга эгалиги ҳақиқати қаршисида дарз кета бошлади. Чунки улар жаҳон ҳаётининг туб илдизларига дахл қилади.

Ушбу карталардан сиёсий, иқтисодий ва стратегик жиҳатдан оқилона фойдаланиш уларни ҳатто ядровий қуролдан ҳам кучлироқ воситага айлантириши мумкин. Зеро, бу шундай қуролки, у вайронагарчилик келтириб чиқаришдан олдин кучлар мувозанатини белгилайди.

Шундай экан, эй Ислом Уммати: Қўлингдаги имкониятларга кўзингни оч, нигоҳингни ўзингнинг ҳақиқий мақомингга юксалтир ва сени кичрайтириб кўрсатган сароб кишанларини парчала! Албатта сен заифҳол Уммат эмассан, балки салоҳияти ишга солинмай келаётган бир Умматсан. Кучлар мувозанати шунчаки сон жиҳатидан устунлик билан ўзгармайди, балки куч манбаларини англаш, уларга тўғри эгалик қилиш ва улардан фойдаланишга журъат этиш билан ўзгаради. Уммат ўз онги билан қад ростлаган вақтда, бутун дунё Америка ҳукмронлигининг даври муқаррар тақдир эмаслигини, Ислом заминидан янги тонг отиши мумкинлигини англайди.

https://www.dailymotion.com/alwaiemagazine
https://www.instagram.com/alwaiemagazine
https://x.com/alwaiemagazine
https://www.facebook.com/alwaie.info
http://www.al-waie.org